



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

**SAMARQAND VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH HUDUDYIY MARKAZI**

**ANIQ VA TABIIY FANLAR METODIKASI
KAFEDRASI**

**GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHDA
ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA
INNOVATSIYALAR**

**O'QUV-USLUBIY
MAJMU'A**

**4.1
modul**

Samarqand-2019

O'ZBE
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH
HUDUDIIY MARKAZI

“Tasdiqlayman”
Hududiy markaz direktori v.b.
_____A.Ibragimov
“ _ ” _____2019 y.

GEOGRAFIYA FANINI
O'QITISHDA ZAMONAVIY
YONDASHUVLAR VA INNOVATSIYALAR
MODULI BO'YICHA

O'QUV-USLUBIY MAJMU'A

Ushbu o'quv-uslubiy majmua markaz direktori huzuridagi kengaytirilgan yig'ilishining 2019-yil 31 avgustdagi 25-sonli qarori bilan tasdiqlangan ishchi o'quv-mavzu reja va dasturi asosida tayyorlandi.

- Tuzuvchilar:**
- I.X.Abdullayev** -Nizomiy nomidagi TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi” kafedrasida dosenti, g.f.n.
 - N.I.Safarova** -Nizomiy nomidagi TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi” kafedrasida dosenti, g.f.n.
 - I.A.Xurramov** - Nizomiy nomidagi TDPU xuzuridagi xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish xududiy markazi “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasida o’qituvchisi
 - M.Usmonov** - SamDU Ijtimoiy iqtisodiy geografiya kafedrasida dotsenti

 - SH.M.Ikramova** -Samarqand viloyati xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish xududiy markazi “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasida o’qituvchisi
- Taqrizchilar:**
- N.R.Alimkulov** - Nizomiy nomidagi TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi” kafedrasida mudiri, g.f.n.
 - ND.Komilova** - Mirzo Ulugbek nomidagi UzMU “Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya” kafedrasida mudiri, dos., g.f.d.

I

Ushbu o'quv-uslubiy majmua “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasining 2019-yil 28-avgustdagi 8-sonli yig'ilish qarori bilan tasdiqlangan

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	28
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	88
V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	119
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ	127
VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	132
VIII. ГЛОССАРИЙ	135
IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	139

The text is framed by two large, dark blue brackets, one on the left and one on the right, both opening towards the center.

ИШЧИ ДАСТУР

К И Р И Ш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 фармониغا, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3931-сонли Қарори ва “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқувметодик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

“География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модулининг ишчи ўқув дастури география фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у география фани ўқитувчиларига таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг мазмун ва моҳиятини очиқ беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: умумий ўрта таълим мактаблари география фани ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнида замонавий ёндашувлар ва инновацияларни қўллаш компетенцияларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда географияни ўқитишда замонавий ёндашувларни татбиқ қилиш, инновациялардан фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш;

- география дарсларида замонавий таълим воситалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;

- география фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотлар билан таништириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- таълим соҳасидаги инновацион фаолият асосларини;

- география фанини ўқитишда қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва инновацияларни;

- география ўқитишда қўйиладиган ҳозирги замон талабларини **билиши**;

- география фанининг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларидаги узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш;

- география дарсларида таълим ресурсларидан фойдаланиш;

- ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ўқувчиларга етказиш **кўникмаларига**;

- география дарсларида замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаш;

- география дарсларига қўйиладиган замонавий талаблар асосида дарсларни ташкил этиш **малакаларига**;

- замонавий ёндашувлар ва инновациялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;

- география фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотларидан хабардор бўлиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар модули назарий ва амалий машгулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машгулотларда география фанини ўқитишда илгор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновациялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машгулотларда географияни ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларнинг қўлланилиши, замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш усуллари, география дарсига қўйилган замонавий талаблар ўргатилади.

Машгулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси” блоклари, “География фанини ўқитиш методикаси” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги Мазкур модул “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-методик асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги модулларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини география фанига татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилди.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга география фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар

	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкларини	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	Амалий	кўчма машгулот	
1.	География фанини ўқитишда илгор хорижий педагогик тажрибалардан	4	4	4	-	-	

	фойдаланиш						
2.	География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари	4	4	2	2	-	-
3.	География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар	8	6	2	4	-	2
4.	География дарсларида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш	4	4	-	4	-	-
5.	География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар	4	4	-	-	4	-
Жами		24	22	8	10	4	2

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: География фанини ўқитишда илғор хорижий педагогик тажрибалардан фойдаланиш (4 соат)

География фанини ўқитишда илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишда амалий кўрсатмаларни тайёрлаш масалалари. Ривожланган давлатлар тажрибаларидан география дарсларида самарали фойдаланишнинг амалий аҳамияти ва қўллаш муаммолари. PISA халқаро тадқиқоти. STEAM-таълими –фанлараро боғланишлар ва амалий ёндашув.

2-Мавзу: География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари (2 соат)

География фанини ўқитишда дарслик ва хариталарда замонавий талаб даражасида фойдаланишни аҳамияти. Унинг самарали усуллари ишлаб чиқиш. Унинг ютуқларини кўрсатиш. География дарсларида харита, атлас, глобус билан ишлаш методикаси.

3-Мавзу: География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар (2 соат)

География фанини ўқитишда компетенциявий ёндашув. География фанини ўқитишда замонавий ёндашув. Фанни ўқитишда қўлланиладиган инновациялар. Педагогик технологиялар тушунчаси. Педагогик инновациялар ва педагогик технологияларни география дарсларда қўллаш. Ўқитувчини

педагогик маҳоратитушунчаси. Илгор педагогик тажриба ва улардан фойдаланиш масалалари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари (2 соат)

География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари мавзусига оид маълумотлар билан таништириш. Картографик проекциялар. Географик харита, унинг элементлари, турлари ва ўқитишда замонавий ёндашувлар.

2-Мавзу: География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар (4 соат)

Янги ўқув материалларини тушунтиришда замонавий ёндашув ва инновация имкониятларидан фойдаланувчи дарсларни режалаштириш. Гуруҳларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. География фанини ўқитишда қўлланиладиган инновациялардан фойдаланиб дарснинг айрим қисмларини режалаштириш. Тингловчилар ишларини таҳлил этиш. Табиий, иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитишда қўлланиладиган ноанъанавий, инновацион усуллар, уларни дарс жараёнига татбиқ қилиш. Географик фаниниобъекти ва предметини аниқлаш усуллари.

3-Мавзу: География дарсларида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш (4 соат)

География дарсларида қўлланиладиган замонавий таълим воситалари ва уларнинг асосий турлари. Электрон дарслик. Қўлланмалар. Методик кўрсатмалар. Мультимедиа материаллари. Замонавий картографик техника ва технологиялари. Улардан география дарсларида фойдаланиш бўйича гуруҳлар ишини ташкил этиш.

КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1- Мавзу: Кўчма машғулот (4 соат)

География фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси ютуқлари, фаннинг техника ва ишлаб чиқаришга қўлланиши бўйича тадқиқотлар билан танишиш.

Кўчма машғулот “География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” фани доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, картографик фабрикалар ва бошқа илмий тадқиқот муассасаларда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар ” мавзусида мустақил иш бажарилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машгулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш)

**МОДУЛНИ ҲЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

“Ақлий ҳужум” методи

Бу метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод бўлиб, у машгулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ҳамда ўз тасаввурлари ва гояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Ва мукамал ечимларни топиш имконияти тугилади. “Ақлий ҳужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаб, айти вақтда уларга муқобил бўлган гояларни танлаш учун шароит яратади.

Бу методда қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- иштирокчиларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан кутилмаган мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиш.

- ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки гоялар миқдори рағбатлантириб борилади. Бу фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Фикрларни рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикр ёки гояларнинг туғилишига олиб келади.

- ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки гояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Олдин билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин яратади.

- машгулот пайтида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Агар уларни фикрлари баҳоланиб бориладиган бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Бу методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

“Ақлий ҳужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (гояларни генерациялаш, уларни танкидий ва конструктив ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида “Ақлий ҳужум” дан мақсадли фойдаланиш ижодий, ноинстандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириш бирмунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш

муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йигилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадilar. Бу боскичда ҳеч кимнинг ўзга киши гоёларига “ҳужум” қилиш ёки баҳолашга ҳаққи йўқ. Демак, “Ақлий ҳужум” йўли билан қисқа дақиқаларда ўнлаб гоёларни юзага чиқариш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда гоёлар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз катнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган гоёларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “Ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олга сурилган гоёлар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, гоёлар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган гоёларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ гоёлар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча гоёлар ёки уларнинг асосий маъзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- “Ақлий ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Вазифаси. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик қайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар

хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

Изоҳ: Мана, америкача “Ақлий ҳужум” методи билан қисман танишдингиз (сиз, эҳтимол, олдиндан танишдирсиз). Айтмоқчи бўлган фикримиз инкор ва таъкид хусусида: бу метод муаллифлари бизнинг аجدодларимиздир. Ҳали Америка кашф этилмаган бир даврда ўз ақл машғаласи билан дунёни ёритган комусий олимларимизни (Аҳмад ал Фаргоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа) оласизми, ёки етти иқлимни забт этган шоҳу-султонларимизни оласизми, улар ўз муаммоларини ечишда ана шу методдан кенг фойдаланишган. Бобокалонларимиз бу методни бошқача номлашган, яъни: “кенгаш”, “машварат”, “маслаҳат” деб аташган. Мисол учун, Соҳибқирон Амир Темур салтанат олдида турган муаммоларни ечишда машварат чақириб барча сарой аҳлининг, вазиру-уламоларнинг, фарзандларининг фикрларини диққат билан эшитган ва улар асосида ягона ҳукм чиқарган. Бу ҳолатлар кўпроқ ҳарбий юриш олдида чақирилган машваратларда намоён бўлади. “Агар (ганим устига) лашкар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларимнинг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим”. Бугун ана шулар ҳақида ўйга толиб, “гарб шарқдан ўрганган” лигига юз фоиз ишонч ҳосил қиламиз ва яна бир қарра яратганга иймон келтирамиз.

“Уч босқичли интервью” методи

Гуруҳ 3 га бўлинади: педагог – ўқувчи - эксперт. Ҳар бир гуруҳ шу ролларни эгаллайди. “Педагог” гуруҳи мавзу бўйича савол ва топшириқлар бериши, “ўқувчи” гуруҳи жавоб бериши, “Эксперт” гуруҳи уларни баҳолаши зарур. Эксперт 3 бўлимга бўлиб баҳолайди:

1. Нималар тўғри қилинди.
2. Нималар нотўғри қилинди.
3. Қандай қилиш керак эди.

Бу метод ўқувчиларга сўраб-суриштириш, педагогик мулоқот олиб бориш, билим ва малакаларни текшириш ва баҳолашни ўргатади.

Академик мунозара.

Синф 2 гуруҳга бўлинади, ҳар бирига вазиятга оид топшириқ берилади, масалан: “ўқитувчи - ўқувчи мулоқоти”. Бунда 1-гуруҳ мулоқотнинг салбий томонларини таҳлил қилади - яъни “прокурорлар”. 2-гуруҳ вазиятнинг ижобий томонларини изоҳлаб беради. Вазиятга оид топшириқ ёки ролли ўйинни

муҳокама қилиш учун тингловчилар шу мавзу юзасидан чуқур билимга эга бўлиши керак.

Савол тариқасида вазифани бериш усули. Аниқ бўлмаган саволларга олинган жавоблар ҳам аниқ бўлмайди, демак жавоблар ҳар хил бўлади. Бундай вақтда алтернатив жавоблар топиш осон бўлади.

Аниқ саволларга аниқ жавоблар олинishi алоҳида, махсус саволларга жавоб топишга ёрдам беради.

“Кичик гуруҳлар иши”

“Кичик гуруҳлар иши” усуллари дарсларда қўлланадиган асосий методлардан ҳисобланади. Нотаниш, қийин саволларга жавоб топишда гуруҳ бўлиб ишлаш ва бунда натижа учун “масъулиятнинг бўлиниши” психологик томондан инсонларга қулайлик яратади.

Бу методнинг афзаллиги нимада.

Камгап инсонлар кичик гуруҳларда ўзларини эркин тутадилар. Бу эса умумий гуруҳ муҳокамасида иштирок этиш учун уларга трамплин вазифасини ўтайди. Яна бир қулайлиги, кичик гуруҳда ҳамманинг фаоллашиши кузатилади, умумий гуруҳда эса кўпроқ “қўшиламиз” позициясида фаолият олиб борилади.

- Гуруҳларда ишлаш тажрибаси қуйидагиларни кўрсатади:
- 2-3 кишилик – минимал ҳисобланиб, бу гуруҳда фикрлар йиғиш, уларни ривожлантириш қийин кечади;
- 3-4 кишилик – самарали гуруҳ;
- 4-6 кишилик - аксарият яхши натижа берувчи гуруҳ;
- 7 кишилик - самарали, бироқ каттароқ (жой масаласида муаммо);
- 8-9 кишилик - гуруҳ янада кичик гуруҳчаларга бўлина бошлайди, кимлардир чеккада қолади. Қониқарли натижа олиш учун кўп вақт керак.
- 10 ва ундан кўп кишилик - қониқарсиз гуруҳ. Бунда болалар бирбирларини чалгитадилар ва гуруҳ натижасига салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, энг яхши, оптимал гуруҳ 4-6 кишилик гуруҳлардир.

➤ Кичик гуруҳларни ташкил этишнинг оддий усули: партада (стулда) ўтирган жойида:

➤ 1-партадаги ўқувчилар орқаларидаги 2-парта ўқувчиларига ўгирилиб олади;

➤ 3-парта 4-партага, 5-парта 6- партага ва ҳ.з. Шундай қилиб, ҳар бир қаторда 3 тадан ёки иккитадан гуруҳ; умумий синфда эса 7-8 та гуруҳ ҳосил бўлади.

- Гуруҳ хосил қила олмаган 1,2 та ўқувчи гуруҳларга қўшилиб юборилади.
- Ҳар бир гуруҳда шу фанни яхши биладиган ўқувчи билан бирга ўзлаштириши паст бўлган ўқувчи ҳам бўлиши лозим;
- Гуруҳдаги ўқувчилар бир-бирини тушунадиган (инок) бўлишлари (доимо ўзаро урушиб юрадиганлар бир гуруҳда бўлмасликлари) мақсадга мувофиқдир;
- гуруҳдаги катнашчилар юзма-юз ўтиришлари керак;
- вазифани бошқа гуруҳларга нисбатан олдин бажариб бўлган гуруҳ катнашчиларига қўшимча топшириқлар ҳам олдиндан тайёрланиши ва улар қар бир ўқувчига алоҳида ёки гуруҳга умумий бўлиши мумкин;
- тақдимот вақтида ҳар гал ҳар хил ўқувчининг чиқишини ўқитувчи инобатга олиши керак.

“Инсерт” усули

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёнли тузилмаси

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар-жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:

“V” - мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз, ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	-	+	?

Кластер

Кластер-тутам, боғлам - ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида гоҳларни йиғиш.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қондаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варагининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади.

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар –“йўлдошлар” ёзиб кўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда”, “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки гоҳлар тугагунича давом этиши мумкин.

Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

Концептуал жадвал

Ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, малумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Концептуал жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратадилар.

Алоҳида ёки кичик гуруҳларда ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар.

- Узунлик бўйича таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;

- Ётиги бўйича таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

Иш натижаларининг тақдимоти

Ўрта Осиё мамлакатлари	Тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу қабил		
	Асосий маълумотлари	Табиий шароити ва табиий ресурслари	Хўжалиги
Туркменистон			

Тоҷикистон			
------------	--	--	--

“Қандай?” диаграммаси

Қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси. Муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олиш имконини берувчи, мантикий саволлар занжири. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмаларини тўлдирадидилар. Умумий чизмага келтирадидилар. Диаграммани тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда диаграммани тузадидилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

“Қандай?” диаграммасини қуриш қондалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай” асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:

- муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўллари хам тадқиқ қилиш;

Қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган гоаялар тузилмасини аниқлайдилар.

- Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

- Барча гоаяларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

- Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги гоаяларни киритиш мумкин;

- Агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

- Янги гоаяларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгда қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар

қандай муаммони амалий жихатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

Синектика

Бу усулда ўқув материали анча тез ва батафсил ўзлаштирилади, хотирада узок сақланиб илмий-амалий мақсадларда кенг қўлланилиши мумкин. Бу усулда ўқувчи - тингловчи анча уқувли, ўқитувчи эса яхши кўрсатма берувчига айланади. Натижада ўқишнинг интеллектуал-мантикий натижаси кучайтириладиган “реклама самараси”га эришилади.

“Образли” тарзда ўқитишнинг ўзига хос жихати шундаки, ўқувчи онгига тайёр ҳолдаги образ тикиштирилмай, у фаоллик билан шакллантирилади ва ўқув жараёни билан материални “бўрттирадиган” бўлади. Тингловчи ўз лаёқатини ишга солиб, уни фикран бойитишга мажбурдир. Бу усул амалий машгулотларда кенг қўлланилиб назарий материални ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш, унинг ўзлаштирилганлигини текшириб кўришда аҳамияти катта. У анъанавий сўровлар ўрнини босиши ва нафақат жавоб бераётган тингловчи ва бошқа гуруҳ аъзоларининг фикрлаш жараёнини фаоллаштиради.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ДАРСЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дидактик ўйинли дарслар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур дарсдан фойдаланилади	Дарсларнинг дидактик функциялари	Ўқувчининг фаолияти
Сюжетли – ролли	Фаннинг турли сохаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни хал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишлар-ни адабий-бади тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш

Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш.	Ижодий изланиш орқали янги мавзуни ўзлаштиради
Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида ўқувчиларнинг дунёкарашини кенгайтириш, касбга йўллаш.	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлаштиради
Конференция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	“олимлар” мақомини олиб муайян мавзуларда изланиш олиб боради.
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш.	“олим” ва “мухбир”лар мақомини олиб мавзуни ўзлаштиради.

Ишбилармонлар ўйини

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттириб, ўқувчилар маълум бир вазифани, топшириқни бажариш орқали билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш билан бир қаторда, касбий сифатларни таркиб топтириш, уларни онгли равишда касбга йўллаш, илмий дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган дидактик ўйинлар ишбилармонлар ўйини дейилади. Ишбилармонлар ўйини ҳам бошқа ўйинлар каби, ўқитувчи ва ўқувчилардан пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шу сабабли ўқитувчи қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириши зарур:

1. Қайси мавзуларни ишбилармонлар ўйини тарзида ўтказишни белгилаш;

2. Дидактик ўйиннинг мақсади, вазифалари, бориши, мантиқий кетмакетлиги, ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириқларни аниқлаш ва режалаштириш.

3. Дидактик ўйин давомида ўқувчилар олдига қўйиладиган ўқув-билиш характеридаги муаммоли вазиятлар тизимини вужудга келтириш йўллари аниқлаш ва лойиҳалаш;

4. Ўқувчиларни дидактик ўйиннинг мақсади ва вазифалар билан таништириш, дидактик ўйин талаб этадиган вазифаларни тақсимлаш ва ҳар бир ўқувчига тегишли аниқ йўлланмалар, кўрсатмалар бериш.

5. Мазкур ўқув-билиш характеридаги муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқувчиларнинг аввалги мавзулардан ўзлаштирган билим кўникма ва малакаларни таниш, одатий ва янги кутилмаган вазиятларда қўллаш имкониятларини аниқлаш.

6. Ўқувчиларнинг дидактик ўйинга тайёргарлик фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш;

7. Таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талабига мос ҳолда ташкил этилган дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзу мазмунига боглиқ ҳолда ўқувчиларни касбга йўллаши ва шу касбларини эгаллашлари учун қандай билимларга эга бўлиши кераклигини қайд этиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча фанларнинг асосларини, жумладан географияни жуда яхши ўзлаштирган, билимдон, зукко шахслар бозор иқтисодиёти шароитида, жамиятда ўз ўрнини топиши, кўпроқ тадбиркорлик билан шугулланишларига имкон яратилиши қайд этилади. Агар улар фан асосларини яхши билмасалар, тадбиркорлик билан шугуллана олмасликлари, шугуллансалар ҳам ўз биржасига ёки корхона-концернига фойда келтира олмасликлари, олди-сотди жараёнларида инқирозга дуч келиши ва иш ўринларини йўқотишлари мумкин. Республикамиздаги товар биржалари, кўшма

корхоналар, фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари билан тижорат ишларини амалга ошириб, саноат корхоналарига кўпроқ хом-ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорва моллари харид қилиб, уларни аҳолига етказиб бериш билан шугулланаяптилар, шу сабабли бундай биржаларда ишлайдиган ишбилармонлар қишлоқ хўжалигининг назарий асослари бўлган география фанини яхши билишлари керак.

Модомики шундай экан, география дарсларида бозор иқтисодиётидаги муаммолари ҳал этишга йўналтириш ҳозирги вақтда энг долзарб муаммо ҳисобланади.

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттириб, ўқувчилар маълум бир вазифани, топшириқни бажариш орқали билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш билан бир қаторда, касбий сифатларни таркиб топтириш, уларни онгли равишда касбга йўллаш, илмий дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган дидактик ўйинлар ишбилармонлар ўйини дейилади. Ишбилармонлар ўйини ҳам бошқа ўйинлар каби, ўқитувчи ва ўқувчилардан пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шу сабабли ўқитувчи қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириши зарур:

8. Қайси мавзуларни ишбилармонлар ўйини тарзида ўтказишни белгилаш;

9. Дидактик ўйиннинг мақсади, вазифалари, бориши, мантиқий кетмакетлиги, ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириқларни аниқлаш ва режалаштириш.

10. Дидактик ўйин давомида ўқувчилар олдида қўйиладиган ўқув-билиш характеридаги муаммоли вазиятлар тизимини вужудга келтириш йўллари аниқлаш ва лойиҳалаш;

11. Ўқувчиларни дидактик ўйиннинг мақсади ва вазифалар билан таништириш, дидактик ўйин талаб этадиган вазифаларни тақсимлаш ва ҳар бир ўқувчига тегишли аниқ йўлланмалар, кўрсатмалар бериш.

12. Мазкур ўқув-билиш характеридаги муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқувчиларнинг аввалги мавзулардан ўзлаштирган билим кўникма ва малакаларни таниш, одатий ва янги қутилмаган вазиятларда қўллаш имкониятларини аниқлаш.

13. Ўқувчиларнинг дидактик ўйинга тайёргарлик фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш;

14. Таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талабига мос ҳолда ташкил этилган дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзу мазмунига боглиқ ҳолда ўқувчиларни касбга йўллаши ва шу касбларини эгаллашлари учун қандай билимларга эга бўлиши кераклигини қайд этиши лозим.

Конференция дарслари

Дидактик ўйинли дарслар ичида конференция дарслари муҳим ўрин тутади. Конференция дарслари ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, онгли равишда касб танлашида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция дарсини ўтишдан аввал дарс мавзусини, мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиб шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмийоммабоп адабиётларни кўздан кечиради. Мазкур дарс ўтказишдан 10 кун олдин дарс мавзуси эълон этилиб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия қилинади. Эълон қилинган дидактик ўйинли дарсда “олимлар” ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятига яраша маъруза тайёрлаш ўқувчиларнинг ихтиёрида бўлади. Дарсга тайёргарлик даврида ўқитувчи томонидан ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги ва муваффақиятга йўлловчи ўқитувчининг мулоқот маданияти, ўзаро ёрдами ўқувчиларнинг дарсга қизгин тайёргарлик кўришнинг муҳим омили саналади.

Илмий конференция дарсини қуйидагича ўтказиш тавсия этилади:

1.Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи дарс мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи “олимлар” билан таништиради.

2.Илмий маърузаларни тинглаш “Олимлар” мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмали қуроллар асосида баён этадилар.

3.Маърузалар муҳокамаси. Бунда “Олимлар” ва синфдаги бошқа ўқувчилар ўртасида мавзу юзасидан баҳс, мунозара ўтказилади.

4.Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва гоёларни таъкидлаб, якунлайди.

5.Ўқувчиларни баҳолаш. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимида мувофик баҳоланади.

Матбуот конференцияси

Матбуот конференцияси синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолияти фаол бўлиши билан характерланади. Ўқитувчининг матбуот дарсига тайёргарлиги бир мунча мураккаброк. Ўқитувчи матбуот конференциясини ўтказишдан бир ҳафта аввал синф ўқувчиларини икки гуруҳга бўлади. Уларнинг тахминан 30% паррандалар селекцияси соҳасида ишлаётган олимлар ва паррандачилик фабрикаларининг мутахассислари, қолганлари

республикамизда нашр қилинадиган газета ва журналларнинг мухбирлари ролини бажарадилар.

Газеталардан республикамизда нашр қилинадиган “Ўзбекистон овози”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми”, “Туркистон”, журналлардан “Фан ва турмуш”, “Саодат”, “Сиҳат-саломатлик”ни олиш мумкин.

Шундан сўнг, ҳар қайси газета ва журнал мухбирларининг матбуот конференциясида берадиган саволлари ўқувчилар ёрдамида тузилади. Бу саволлар муҳокама қилинаётган муаммони ҳар томонлама қамраб олиши керак.

Саволлар мазмуни муҳокамадан ўтгандан сўнг, газета ва журнал мухбирлари ва селекциячи олимлар роли ўқувчиларнинг хоҳишига кўра тақсимланади.

Ўқитувчи паррандачилик селекцияси билан шугулланадиган олимлар ва мутахассислар ролини бажарадиган ўқувчилар билан алоҳида тайёргарлик ишларини олиб боради. Уларга қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва саволларга жавоблар топиш ҳақида кўрсатма беради. Саволларга бериладиган жавоблар қисқа, аниқ, илмий жиҳатдан асосланган, маҳаллий материалларни қамраб олган бўлиши лозим. Ўқитувчи ана шу жавобларни олдин кўздан кечириши, агар уларда жузъий камчиликлар бўлса, уларни тўғрилаши, тўлдириши кераклигини ўқувчиларга топширади.

Мухбирлар ролини бажарадиган ўқувчилар ҳам саволларга жавоблар топиши олимлар ва мутахассислар билан мулоқотга кириши учун етарли даражадаги билимларга эга бўлишини таъминланиши керак.

Мазкур дарсга ҳамма ўқувчилар улар қайси ролни бажаришидан қатъий назар қизгин тайёргарлик кўриши лозим.

Иш тариқасидаги ўйинлар

Иш тариқасидаги ўйинларнинг асосий вазифаси ўрганилаётганларни амалиётга ва мулоқотлар олиб боришда зарур бўлган фаолият кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Ўқиб-ўрганишни бу шакли мураккаб вазиятларни маълум объектларда гавдалантириб, уларга тақлид қилиш йўли билан тингловчилар билимини самарали тарзда малакага айлантиришга кўмак беради. Бу ерда модел билан ишлаш имкони берилди. Бу усул жуда кўп ҳолларда қарорларни жамоа бўлиб қабул қилиш тажрибасини ўргатади.

География фанини ўқитишда фойдаланиладиган дидактик ўйинлар

“Ким кўп билади” ўйини. Бу ўйинни географиянинг хоҳлаган мавзусини ўрганишда қўллаш мумкин.

Ўйин технологияси: Ҳар бир иштирокчи бирор-бир мавзу юзасидан биттадан муаммоли савол туза олиши керак. Саволлар ёзилган коғозларни ўқитувчига топширадилар, синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлинади. Бошқарувчи кўлларни санаб, ҳар бирига 1 баллдан кўяди. Ҳар бир саволга бир ўқувчидан жавоб сўралади. Агар жавоб нотўғри бўлса ўша гуруҳдан бир балл олиб ташланади, қайси гуруҳ кўп балл тўпласа, ўша гуруҳ голиб бўлади.

“Товуш чиқармасдан топши” ўйини. Ўйинни бошлашдан аввал ўқувчиларга ўйин қоидалари тушунтирилади, ўйинда фаол қатнашган ва шартларини олдин бажарган ўқувчига баҳо қўйилади. Ўйин мазмунини ўқитувчи геоэкологик бирон объект номини айтади. Ўқувчи ўқув воситасидан шу объектни географик картадан ёки атласдан кидиради.

Ўйиннинг бориши: объектни топгач ўқувчи ўнг қўлини кўтарди, ўқитувчига ўзи топган объектни кўрсатади, ўқувчи қўли билан объектни ушлаб турмаслиги керак, чунки ёнидаги бола ундан кўриб олиши ва фойдаланиши мумкин. Шунинг учун объектни топган ўқувчи жойнинг номини ёдида сақлаши зарур. Ўқитувчи олдин топган ва қўлини кўтарган ўқувчининг олдига бориши ва текшириб кўриши керак. “Мен топдим, мен топдим” деб товуш чиқарган ўқувчиларнинг топгани ҳисобга олинмайди, бу ҳақида болалар огоҳлантирилиб қуйидаги ўйинда объектни биринчи бўлиб топган ўқувчи уни географик карта ёки атласдан кўрсатиши керак. Бошқа ўқувчилар қанчалик билиб олганликларини синаш учун улардан ҳам объект сўралади. Объектни топган ўқувчи ўтиргандан сўнг ўқитувчи янги объект номини айтади. Шу тариқа ўйин давом этади.

“Беш дақиқа” ўйини. Бу ўйинни географияда хоҳлаган мавзунини ўрганишда қўллаш мумкин. Ўқувчиларни стол атрофида шундай жойлаштириш керакки, бир-бирининг нима ёзаётганлигини кўрмасин. Ўйинни ўқитувчи ёки аёлчи ўқувчи бошқариб бориши мумкин. У вазифани танлайди. Ўқувчи беш дақиқа ичида топширилган топшириқни бажаради. Ўқувчилар ёзишни бир вақтда тугатиши шарт. Масалан, географиядан жой номлари бўлса энг кўп ном ёзган ва уни изоҳлаб берган ўқувчи голиб ҳисобланади.

“Айлана” ўйини. Ўйинга иштирок қилувчилар доира шаклида турадилар. Ўйин қуйидагича бошланади: бошловчи ўқувчи “Тошкент” деса, ундан ўнгда турган ўқувчи шаҳарнинг охириги ҳарфи яъни “т” ҳарфи билан бошланувчи Ўзбекистондаги бошқа бир шаҳарни айтади. Масалан: Тошкент – Термиз – Зарафшон ёки Катта Қўргон – Наманган ва ҳоказо. Қайси ўқувчи 5-10 секунд давомида шаҳар ёки жой номини айта олмай

тўхталиб қолса у ўйиндан чиққан саналади. Ўйин битта ўқувчи қолгунча давом эттиради, энг охирида қолган ўқувчи галаба қилган ҳисобланади.

“Географик карта бўйича хаёлий саёҳат” ўйини. Синф бир неча гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга карта бўйича ўтказиладиган “хаёлий саёҳат” маршрути белгилаб берилади. Ҳар бир гуруҳ турли адабиётлардан фойдаланган ҳолда, карта бўйича қилинган “хаёлий саёҳат” маршрутида учраган объектларга қисқача тавсиф ёзади. “Саёҳатлар” маълум босқичлар бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, агар шу ҳафта ичида гуруҳ азолари қониқарли баҳо олишса ва тартибантизомни бузишмаса ўз маршрутлари бўйича “саёҳатни” давом эттиришларига рухсат берилади.

“Саёҳатни” турли “транспорт” турларидан фойдаланиб ўтказилиши мумкин. Ҳар чорак охирида “саёҳатлар”нинг “ҳисоботлари” таҳлил қилиниб, ўйин давомида саёҳатни ўз вақтида тугатган ва “ҳисоботлари” юқори баҳоланган гуруҳ голиб бўлади.

“Саёҳатлар” ўйини ҳамма синфларда ўтказилиши, синфда ўзлаштиришни ва интизомни яхшилашда яхши самара бериши мумкин. Ўқувчиларга географик картани шартли белгиларини чуқур ўргатиш лозим. Қуйида географик карталарнинг шартли белгиларини ўрганишга ёрдам берадиган ўйинларни келтирамиз.

“Мунозара” ўйини.

Мунозара ўтказиш мавзуси аниқ бўлиши керак.

Ўйин технологияси: географиядан “Орол денгизини сақлаб қолиш” муаммоси тарихидан танланган муаммо қисмларга ажратилиб 15-20 та қисқа саволлар ўқувчиларга берилиб, синф ўқувчилари 3-4 кишидан гуруҳланади. Гуруҳларнинг саволларга жавоби муҳокама этилади ва мунозара бошланади. Мунозарада ҳар бир гуруҳ аъзоси кўйилган муаммолар ҳақида ўз фикрини баён этиш ҳуқуқига эга.

Бошловчи ва 3 кишидан иборат эксперт гуруҳи барча жавобларни таҳлил қилиб, энг мақбул жавоб вариантларини аниқлайди ва муаммони ҳал қилишнинг оптимал варианты аниқланиб, мунозарага яқун ясалади.



**НАЗАРИЙ МАШЁУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1- маъруза : География фанини ўқитишда илғор хорижий педагогик тажрибалардан фойдаланиш

Режа:

1. Хорижда география таълими
2. Хорижий таълим муассасаларининг тажрибаси

Таянч тушунчалар: Хориж география таълими, жаҳон тажрибаси, ривожланган давлатларда география таълими, ривожланаётган давлатларда география таълими, фин мамлакатларида география таълими,

1.1.Хорижда география таълими

Кейинги ўн йилликларда география ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими анча юқори поғонага кўтарилди. Ҳозирги кунда география таълими жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида 3 та йўналишда олиб борилмоқда.

1. Барча ўқувчилар учун ягона ўқув режаси ва дастури асосида (Шарқий Европа ва собиқ иттифоқ ўрнида вужудга келган) ўқитиш

2. Бир неча асосий фанлар қаторида айрим курсларни факультатив тарзида ўқитиш (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Европанинг кўпчилик мамлакатларида)

3. Барча ўқувчилар учун ўрганиш мажбурий бўлган фанлар қаторида кўшимча факультатив машгулотлар (Филиппин, Франция, Япония ва кўпчилик мамлакатларда) ўқитиш.

Биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда география таълими асосан табиий ва иқтисодий география курсларидан ташкил топган. Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги барча мактабларда ягона ўқув режаси асосида ўтказилади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларида география билимлари махсус фанлар тарзида эмас, балки интеграция (бирикма) тарзида бўлиб, бошқа фанлар, курслар таркибига қўшилиб кетган. Бунда географияни чуқур ўрганишни хоҳловчилар махсус факультатив машгулотлар орқалигина ўз билимларини оширишлари мумкин.

Шу туфайли ҳам бу гуруҳдаги давлатларда география таълими бўйича ягона давлат режаси йўқ, ҳар бир ўқитувчи мактаб жойлашган шароит нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқув дастурини тузиш мумкин. Масалан; АҚШда 1700 дан ортиқ округ мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ўзига хос бўлган географик таълим мавжуд ва бир - бирига ўхшамайдиган дастурлар бўйича иш юритилади.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторига кирмайди ва уни факультатив машгулотлар орқали ўрганиш

асосий ўринни эгаллайди. Умуман олганда Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида барча ўқувчилар учун мажбурий бўлган фанлар қаторида, хилма - хил мураккабликдаги факультатив курслар тури кенг тарқалган.

Жаҳон тажрибасида 3 босқичли таълим тизими асосий ҳисобланади, яъни: бошлангич мактаб 1-4 синф, ўрта босқич 5–9 синф: юқори босқич 10-12 синф.

Ҳар бир босқичда география таълими ўзига хос мақсадга эга. Масалан, биринчи босқич мактабларида география таълимининг асосий мақсади атроф - муҳитни ўрганиш. Иккинчи босқичда ўз мамлакатининг хўжалик ҳаётини ўрганиш, зарур касблар ҳақида маълумотлар олиш, таълимий кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Учинчи босқичдаги мактабларда инсониятнинг глобал муаммоларини ва жаҳон хўжалигини ўрганишдан иборат.

Жаҳон тажрибасида география ўқитишнинг аҳволи муҳим эмас. Шу туфайли уни ўқувчиларга ўргатиш бўйича 2 фикр (йўналиш) тарафдорлари бор.

Биринчи йўналиш тарафдорларининг фикри ўқув режаларида географияни мустақил фан сифатида мунтазам ўқитишни амалга ошириш бўлса, иккинчи йўналиш тарафдорлари географияни бошқа ўқув фанлари билан интеграция (бирикма) тарзида кўшиб ўқитишни исботлаб беришга уринадилар.

Ўқув фанларини бириктириш борасида АҚШ жаҳонда етакчи бўлиб, 40-50 йиллардаги таълим ислоҳотида кўпгина фанлар қатори география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторидан чиқариб ташланди ва тарих, жамиятшунослик билан бирлаштирилди. Географияни бундай ўқитиш ўқувчиларга талай қийинчиликларни тугдирди. Натижада география таълимининг сифати жуда пасайиб ўқувчилар зарур кўникма ва малакага эга бўлмай қолдилар. Масалан, Мичиган университетининг география факултетида ўқитиш учун ариза берган 400 ўқувчининг ярми географияни фақат бошлангич синфларда ўқиганлари маълум бўлди. Шу туфайли ҳам ҳозирги кунда АҚШда географияни мустақил фан сифатида тиклаш учун кураш кетяпти.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида фанларни ўрганиш ихтиёрий бўлиб, ўқувчилар хоҳиш истаклари остида амалга оширилади. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатларда мажбурий фанлар сони 7-8 тадан ошмайди. Масалан, Финландия ва Швецияда фин ва швед тили, иқтисод ва социология, биология, кимё, инглиз тили, дин ва спорт мажбурий фан ҳисобланади.

Скандинавия давлатларида 9 йиллик мажбурий таълимдан кейин синфсиз гимназиялар кенг тарқалган. Бундай гимназияларда ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи ўзига йиллик ўқув режаси тузади. Бундай гимназияларда ўқув режалари курс раҳбарлари ва маъмурият томонидан тасдиқланади.

Гимназияда ўқув йили 6 даврга бўлинади. Ҳар бир давр 6 ҳафтадан иборат бўлиб, курслар 32 соатдан ташкил топади. Ҳар бир курсдан биттадан фан кунига бир соатдан ўқилади. Гимназист кунига 4-7 соат ўқийди. Спорт дарслари машгулотдан кейин ўтказилади. Ҳар давр якунида ўқувчилар билими баҳоланади. Агар ўқувчи қониқарсиз баҳо олса, у шу курсни қайтадан танлайди.

Деярли кўпчилик мамлакатларда география таълими тизими давлатнинг ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий тизими билан боғлиқ.

Табиий ва иқтисодий географияни ўрганиш асос қилиб олинган МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларида табиат ва хўжаликнинг ривожланиш қонуниятлари, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар, атроф-муҳит муаммолари география таълимининг асосини ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда география таълимининг мазмуни сифат жиҳатидан юқори бўлиб, ўқувчилар маълум кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Бу давлатларда география таълими кўпроқ муаммоларни, турли назария ва қонунларни, категорияларни ўрганишга бағишланган бўлиб, ўқувчиларга ўзлаштиришда бирмунча қийинчиликлар тугдиради.

Ривожланган гарб мамлакатлари география таълимида таълимнинг руҳий жабаҳалари асосий ўринни эгаллаган. Ўқувчи руҳияти, уни билиш фаолиятини ўрганиш катта эътибор берилади. География таълими тадқиқотлари психологлар иштирокисиз деярли амалга оширилмайди.

География таълимида турли матнлар, ўйинлар, имитация кенг қўлланилади. Масалан, ўқувчи бирор компания президенти сифатида фикрлайди, иш юритади, бирор муаммони ҳал қилади, ўзи хулосалар чиқаради. Умуман бунда таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни келгуси ҳаётга, яъни ишбилармонликка тайёрлашдан иборат.

Турли мамлакатлардаги географиядан ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларда битта курсни ўқиш учун бир неча қўлланма чиқарилади. Кўпчилик ҳолларда улар маълумотларга бой бўлиб, ахборот хусусиятига эга. Бундай қўлланмаларда матн 20-40 фоизни, тасвир 20 фоизни, статистика 20 фоизни, савол ва топшириқлар 20 фоизни ташкил қилади.

Китобдаги тасвирлар ниҳоятда сифатли. Қуйи синфлар қўлланмаларида эса деярли харита йўқ, улар ўрнини харита схемалар эгаллаган. Матнда рақамли сонлар деярли учрамайди, мавжудлари ҳам таққослаш характериға эга бўлиб, улар энг паст, энг юқори, энг кичик, энг баланд, энг узун каби тарзларда берилган.

Мавзу ёки бўлимдан кейин қўйиладиган саволлар ва топшириқлар мавзу мазмунини акс эттирмаслиги ҳам мумкин. Қўйиладиган саволларнинг

аксарияти муаммоли топшириқлар, дискуссия саволлари, амалий ўйинлар тарзида берилган. Ўқувчилар учун чиқарилган география дарсликларидан компьютерлар билан ишлаш учун махсус саволлар, қизиқарли топшириқлар, математик статистика усуллари, турли ўйинлар, тестлар тарзида географик билимларни эгаллашга кенг ўрин берилган. Ўқувчилар уларни мустақил бажариш жараёнида тадқиқотчи ролини ўйнайдилар. Демак, география дарслиги ривожланган мамлакатлар география таълими методикасида энг етакчи ўринни эгаллайди.

Буюк Британия география таълими кучли томонлари кўйидагилардан иборат:

Таълимнинг назарий томонларини кучайтириш, яъни унда ҳозирги замон географик тадқиқот методларини кўпроқ ўргатиш.

География таълими жараёнида психологик-педагогик тадқиқот методларидан унумли фойдаланиш, ўқувчиларни гипотезалар тузишга ўргатиш.

Дарсликда турли мазмундаги экспериментлар уюштириш, яъни тасаввур, тушунча ва турли хил қарашларни шакллантириш методларига кенг ўрин берилган, бирор усулни синаш, таълимни уюштириш шакллари анча заиф.

Ўрганилаётган муаммони муаллиф фикри асосида ва унга қарши асосда ўрганиш.

5-8 синфларда географияга ҳафтада 2 соат вақт ажратилган. Бу синфларда асосан Европа ва жаҳоннинг етакчи мамлакатлари географияси ўрганилади. Топография ва картография асослари бўйича ҳам билимлар берилади.

Ўқитувчилар диққатига бир неча вариантдаги дарсликлар тавсия этилади. «Мамлакатлар ва халқлар», «Ер ва инсон», «Янги география», «Ер билими» ва ҳоказо.

9—10 синфларда география мустақил фан сифатида ўрганилмайди деса ҳам бўлади. Айрим мамлакатларда кизиқувчан ўқувчилар билан Европа ва Германия географияси чуқур ўрганилади. Бу курсларда мамлакатлар иқтисоди, сиёсий ва давлат тузумига оид билимлар етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги пайтларда география, тарих, социология, иқтисод билимлари биргаликда бирлашган курслар орқали ўқитишга эътибор кучаймоқда.

Германияда (11—13 синфлар) айрим жойлардагина география қисман мустақил фан сифатида ўқитилади. Баъзи географик билимлар бирлашган курслар туркумидаги фанларда ҳам берилади.

Юқори синфларда география фанларида мужассам муаммоларни ўрганишга кўпроқ эътибор берилади. Масалан, «Инсониятнинг кўпайиши», «Очарчилик муаммолари», «Транспорт муаммоси», «Саноат марказларида инсон ҳаёти», «Саноат иқтисодиёти» ва ҳоказо.

Франция мактабларида география таълими бирмунча яхши йўлга қўйилган. География ўқитишнинг мақсади ва вазифалари жуда аниқ белгилаб қўйилган.

Франция география дастури икки босқичли мактабларга мўлжалланган эди. Шуниси қизиқки Францияда синфлар тескари ҳисоб билан юритилади. 1–босқич мактаб 6,5,4,3 (ўқувчилар ёши 11-15 гача) синфлардан иборат. Олий маълумот олиш факат лицейларда амалга оширилади.

2–босқич, 2,1 ва битирувчи (15-17 ёш) синфлардан иборат: география талими 6-синфдан бошланади, бунда «умумий география ва Африка материги» ўрганилади. 5-синфда Америка, Осиё, Австралия, Антарктида, 4-синфда Европа (Франциядан ташқари), 3-синфда Франция географияси ўқитилади. Лицейда ўқишни давом эттириш 2,1 ва битирувчи синфларга тўғри келади.

2-синфда география дастури коллежда олган (6—5—4—3) билим ва кўникмалар чуқурлаштирилади.

Лицейнинг 1-синфида Франция географияси бўйича ўқувчилар 2–босқич мактабида олган билимларни чуқурлаштирилади. Битирувчи синфларда тўртта йирик давлат – АҚШ, Россия, Хитой, Япония географияси чуқур ўрганилади.

Франция география дарсликларининг устун томони шундаки, улар муаммоли қилиб ёзилган. Барча муаммолар «инсон-табиат» мазмунидан келиб чиқади.

Финландия мактабларида ҳам география талими ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, география ўқитилиши ривожланган мамлакатларга караганда бирмунча юқори поғонада туради. Таълим икки босқичдан иборат: 1 –босқич 9 йиллик мажбурий умумтаълим мактабларида халқ мактаби, 2–босқич гимназиялардан иборат.

Биринчи босқич мактабда география таълими 3 - синфдан бошланади ва 9 - синфда тугайди, 3-4 синфларда ўз мамлакати ва кўшни шимолӣ давлатларнинг табиати ва хўжалигига оид маълумотлар берилади.

Гимназиянинг биринчи йилида география мажбурий фан сифатида ўрганилади, бошқа синфларда эса ўқувчилар хоҳишига кўра махсус курс сифатида ўрганиши мумкин. Финландияда ўқув режаси тез-тез алмашилиб туради.

Венгрия мактабларида география таълими 7 йил давом қилади. 4 йил асосий (5-8 синф) ва 3 йил (9–10-11 синф гимназияда). Дарслар ҳафтада 2 соат. География таълими жараёнида 65% вақт янги мавзунӣ баён қилишга, 3% экскурсияларга, 29% амалӣ машғулотларга ажратилади. Кейинги пайтларда Венгрия гимназияларида географияга ажратилган соатлар камайтилиши кузатилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда халқ маорифига кейинги йилларда катта эътибор берилмоқда. Масалан, Осиёнинг кўпгина мамлакатларида 1985 йилгача халқ таълими учун ажратилган маблағ 20 баробардан ортиқ ўсди. Айниқса, Малайзия, Саудия Арабистони, Иордания, Сингапур, Жанубий Корея, Таиланд, Сурия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия каби мамлакатларда халқ маорифи ривожланиши анча юқори бўлди.

Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда болалар 5-7 ёшдан бошлаб мактабга бора бошлайдилар. Бангладеш, Бирма, Ливан, Покистон, Шри-Ланкада мактабга 5 ёшдан борадилар.

Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда мажбурий талим 5 йилдан 10 йилгача, ўрта мактабда ўқишни давом эттириш эса 4 йилдан 8 йилгача.

География учун дастурлари кўпчилик давлатларда бир хил бўлиб, мамлакатнинг табиий ва иқтисодий географиясини ўрганишга бағишланади.

Кейинги пайтларда ривожланаётган мамлакатларда ўқув дастурлари география дарсликлари мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда тузилмоқда ва яратилмоқда.

Чет эл давлатлари география таълимида эпг кўп қўлланиладиган усуллар қуйидагилар ҳисобланади.

АҚШ, Буюк Британия, Янги Зеландия, ғарбий Европа давлатларида эвристик суҳбат методи кенг тарқалган. Бунда асосий эътибор ўқувчиларни кўпроқ мустақил билим олишга, кичик тадқиқотлар қилишга ўргатишдан иборат. Картиналар, турли хил ҳужжатлар, воситалар асосида муаммолар саволлар ўқувчилар диққатига ҳавола этилади.

Тарқатма карточкалар усулида турли чизмалар жадваллар, хариталар турлича хатоликларга йўл қўйиб тузилади ва тарқатилади, ўқувчилар йўл қўйилган ўша хатоларни мустақил топишлари талаб қилинади. Турли хил мисол ва масалалар ечиш ҳам ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини ошириш туфайли улардан кенг қўлланилади, ўқувчиларда ишбилармонлик, уддабуронлик хислатларини шакллантириш учун ҳам кўпроқ мисол ва масалалардан фойдаланилади. Тайёр маҳсулотни қаерларда сотиш, транспорт харажатларини аниқлаш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш кабилар мисол ва масалалар ечишсиз амалга ошмайди.

Матнлар, яъни жавоблар тўғри нотўғри тарзда аралаштириб борилиши шулардан тўғриларини рақамлар билан белгилаб ажратиш кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади.

Статистик манбалар билан ишлаш, картографик қўлланмалардан фойдаланиш, математик моделлаштириш кенг тарқалган ўқитиш усуллари

ҳисобланади. Айниқса дискуссия, тортишувлар ривожланган мамлакатлар география таълимида кенг тарқалган.

1.2.Хорижий таълим муассасаларининг тажрибаси

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислох қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида «Оила» омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда публик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда Ўзбекистон республикасига хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инобатга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий иерархияси (хукмронлиги)нинг узвий муштараклигидан ташкил топган.

АҚШ фуқаролари Конституцияни, Америка давлатчилигининг асослари ва демократик тамойилларни муқаддас деб биладилар ва бу туйғуни ёшлар онгига сингдириш ҳақида тинимсиз қайгурадилар. Ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни қадрлаш туйғуси шакллантирилади. Ҳар бир америкалик болалигиданоқ кимгадир ва нимагадир орқа қилишга эмас, балки **ўз кучига таянишга** ўргатилади. Ҳар бир америкаликда келажакка ишонч уйғотилади. Худди ана шу «Америка орзуси» кишиларни янги мақсадлар сари рағбатлантиради, янги гоёларни амалга оширишга шавқ уйғотади. Умуман, демократия қоидалари ва эркинлик Америка мафкурасининг пойдеворини ташкил этади. Бундай тарбия натижасида фақат ўз кучига ишониш, руҳий озодлик ва мустақил фикрлаш каби хислатлар америкаликларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Американинг юқори мактабларида шундай ўқитувчилар борки, улар коллежларнинг биринчи курсларида ўқитиладиган маълум фанлардан дарс беришлари ҳамда имтиҳон олишлари шарт. Америка мактабларида битириш имтиҳонлари йўқ. Олий ўқув юртларига кириш учун биздагидек кириш

имтиҳонлари олинмайди. Бироқ ҳар бир абитуриент олий ўқув юртига кириш учун математика ва инглиз тилидан синов (тест) топширади. Бундай тестлар Америкада ҳар йили 3—4 марта ўтказилади. Синов саволлари китоб шаклида ҳар йили чоп этилади. Уларда мингга яқин машқлар, масалалар ва уларнинг ечимлари кўрсатилади. Ўқувчилар бу китобни олиб, кириш синовларига тайёрланади.

Америкада талабалар математика ва инглиз тилидан кириш синовларини 10-12 синфларда ўқиб юрган вақтларида, ўзларига қулай пайтда топшира оладилар.

Булардан ташқари мураккаблаштирилган синов ҳам бор. Бу синовни олий мактабларга кираётган барча талабалар ҳам топширишлари шарт эмас. Мабодо бирор талаба шу мураккаблаштирилган синовларни топшириб университетга кирса, у талабага махсус стипендия берилади. Американинг энг катта бойлиги — бу ақл. Ақл бу мамлакатда кадрланади, ақлли талабалар алоҳида тақдирланади. Ақлли, аълочи талабалар ўқув юртларининг фахри саналгани сабабли ҳам, уларга турли йўллар билан ёрдам бериш, стипендиялар тайинлаш орқали уларни ўқув юртларида сақлашга ҳаракат қиладилар. Ўзи танлаган соҳада ютуқларга эришаётган талабалар рўйхати ҳар йили алоҳида китобда нашр этилиб турилади. Бундан мақсад мазкур соҳа билан қизиқувчи компанияларнинг эътиборини бўлажак олимларга қаратишдир.

Юқорида санаб ўтилган синовларнинг натижалари ва юқори синфларда барча фанлардан олган баҳоларининг ўртача миқдори талабани университетга қабул қилиш ёки қилмаслик учун асос ҳисобланади. Америка коллежлари икки йиллик ва тўрт йиллик бўлади. Икки йиллик коллежларни битирган талаба олий таълим погонасидаги энг бирламчи даражага эга бўлади. Тўрт йиллик коллежларни тугатган талабалар бакалавр даражасини олиб, олий маълумотнинг биринчи погонасига эришадилар. Тўрт йиллик коллежлар бизнинг тўрт йиллик институт ва айрим университетларга мос келади. Америка университетлари таркибига икки ва тўрт йиллик коллежлар, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари киради.

Иккинчи босқич олий маълумот берувчи ўқув юртлари миллий таълим тизимимизнинг магистратура босқичига тўғри келади. Бу ўқув юртига кириш учун икки фандан имтиҳон топширилиши шарт. Ўқишни муваффақиятли битирган талаба магистрлик даражасини олади. Магистрлик илмий даражасини олган талаба докторантурага кириши мумкин. Америкада докторантурага кириш учун фақат мутахассисликдан жиддий имтиҳон топширилади. Имтиҳон комиссияси таркибида талабанинг бўлажак илмий раҳбари ҳам иштирок этади.

Ўқишни муваффақиятли битириб, диссертация ёқлаган талаба докторлик илмий даражасини олади. Ижтимоий фанлардан докторлик диссертацияси ёқлаган талабаларнинг ҳаммасига «фалсафа доктори» илмий унвони берилади.

Шарқнинг энг илгор мамлакатларидан бири Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида **мактаб** танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда **фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия»** тизими доирасида амалга оширилади. Расмий хужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими куйидагича номланади: 1) «характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим»; 2) «давлат учун макбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият»; 3) «фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш».

Аслида, бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан кудратли гоёвий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан **«ахлоқий тарбия»** тизими Япония мамлакати иқтисодий раванқининг гоёвий асосини ташкил этади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган.

Япония олий таълим муассасаларига катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1 тоифадаги университетларда хар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, кимё, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир катор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шохобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни камраб олади). Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Хитой Халқ Республикаси таълим тизими ҳам тажриба ўрганишга лойиқ ўзига хос жиҳатларга эга. Хитой қадимдан шарқдаги йирик давлатлардан бири бўлган. Қадимги Хитойда педагогик фикрлар, таълимотларнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги 2 минг йиллик ўрталарига тўғри келади ва улар асосан конфуцийлик, даоизм, Ян Чжу таълимотларида ўз ифодасини топган.

Олий таълим (Higher education) муассасалари – университет, коллежлар ва бошқалар ўз эгаллаган мавқеига кўра бир неча турларга бўлинади. Бу муассасаларга таълим олиш учун хужжат топширишда битирув имтиҳонларида олинган баллар миқдори катта аҳамиятга эга. Ҳар бир тўрежаган балл миқдори маълум турдаги олийгоҳга хужжат топшириш имконини беради. Мамлакат аҳолисининг орасида ёшлар салмогининг юқорилиги, ўқиш истагида келган хорижий талабалар миқдорининг йилдан йилга ортиб бораётганлиги натижасида бир ўрин учун 200-300 атрофида талабгор мавжуд бўлади. Кириш имтиҳонлари йўналишига қараб етти фан бўйича ўтказилади. Бошқа таълим турларидан фарқли равишда олий таълимда пуллик тўлов ҳам жорий этилган. Иқтидорли талабалар бепул таълим олиш имкониятига эгадирлар. Шу билан бирга талаба ишлайдиган корхоналар ҳам пул ўтказиш йўли билан тўлов ишларини амалга ошириши мумкин.

XXР олий таълим тизими университетлар, коллежлар ва профессионал олий мактаблардан ташкил топган. Мазкур ўқув юртлири фан, техника ва маданиятни ривожлантириш ҳамда жаҳон таълим тизимида рақобатбардош илмий марказларга айланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Асосий эътибор сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларга қаратилган бўлиб, шулар билан бирга молия, машинасозлик, электроника, компьютер технологиялари каби соҳалар ривожини учун аҳамиятли бўлган кадрлар тайёрлашга кучли эътибор берилади.

Хитой олийгоҳлари политехник ва бирон маълум техник йўналишга эгаллиги билан ажралиб туради. Политехник йўналишдаги университетлар табиий ва техник соҳа вакилларини тайёрлаб берсалар, маълум йўналишдаги техник университетлар аниқ бирон техник касб вакилларини ўқитадилар. Бу ерда 2 мингдан ортиқ коллежлар, университетлар ва профессионал олий мактаблар мавжуд бўлиб, 9 млн.дан ортиқ талабалар таҳсил оладилар. Улардан 5,5 млн. бакалаврият таълим тизими талабалари ҳисобланадилар. 450 мингдан ортиқ магистрант ва докторантлар мавжуд. Бундан ташқари университетлар таркибида 100 та илмий тадқиқот лабораториялари ва 36 та давлат муҳандислик марказлари ҳам мавжуд.

Хитой олийгоҳларига хорижий талабалар 1950 йиллардан бошлаб қабул қилина бошланган. Ҳозирда мамлакатнинг 31 провинциясидаги 360 та олийгоҳ

хорижий талабалар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ўқув масканларида 175 давлатдан 78 мингдан ортиқ хорижий давлат талабалари таҳсил оладилар. Пекин (4 минг) ва Фудань (3 минг) университетларида энг кўп хорижлик талабалар таҳсил оладилар. Уларнинг 80%ни турли Осиё давлатлари вакиллари ташкил қиладилар.

ХХР олий таълим тизими бир неча босқичлардан ташкил топган.

1-жадвал

Хитой олий таълим босқичлари

Курс	Давомийлиги	Эга даража бўладиган
Коллеж	3 йил	маълумотнома
Базавий	3-5 йил	Бакалавр
Асосий	2-3 йил	Магистр
Қўшимча	2-4 йил	Доктор

Маълум соҳага йўналтирилган ўқув юртлари ишлаб чиқаришнинг бирон соҳаси учун ихтисослашган мутахассислар, сўнгги икки босқич аспирантура бўлимига бириктирилган ҳолда ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган равишда юқори илмий даражали ходимларни тайёрлайдилар.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданок мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш гоят муҳим масала ҳисобланади. Францияда бошлангич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Ўқувчилар 11 ёшда бошлангич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда берилади. Биринчи босқични (11 ёшдан 15 ёшгача) тугатгач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Иккинчи босқичда 15-18 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда диплом олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар. Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Олий таълим университетларда уч туркумда амалга оширилади.

Биринчи туркум: умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил давом этади.

Иккинчи туркум: ўқиш бир йил давом этади. Талабалар уни магистр даражаси билан яқунлайди.

Учинчи туркум: ўқиш 1—2 йил давом этади. Бу циклда:

- бирон бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги хақида диплом 1 йил;
- ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом 1-йил;
- учинчи туркум докторлик диссертацияси 1—2 йил;
- давлат докторлик диссертацияси бирон-бир соҳани мукаммал ўрганиб диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутлади.

Сиртки таълим шохобчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади. Ўқишни яқунлагач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар. Директор дарс бермайди. Унинг иш фаолиятини икки йил давомида диққат билан кузатиб борилади. Шу икки йил давомида мактаб директори талантли ташкилотчи, етук раҳбар сифатида фаолият кўрсата олмаса, у бу лавозимдан олиб ташланади. Мактаб ўқувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошлангич мактабларда ўқитувчи ўз касбини устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

Ўқитувчилар ўз назарий-услубий малакаларини оширишга аҳамият берадилар. Малака ошириш курсларидан ўтиш учун аниқ муддат белгилаб қўйилмаган. Ўқитувчилар ўз ихтиёрлари билан тест марказларида имтиҳон топширадилар.

Шу имтиҳонлар даврида ўқитувчи фаолиятида айрим нуқсонлар сезилиб, малака оширишга эҳтиёж аниқланса, ўз вақти ва маблағлари ҳисобига малака оширилади.

Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Малайзия, Янги Зеландия, Швеция каби жаҳон давлатларининг 200 дан ортиқ олий таълим муассасаларида география йўналиши бўйича олий маълумот хақида диплом ва гувоҳнома, қайта тайёрлов бўйича гувоҳнома, магистратура ҳамда докторантура босқичлари бўйича дипломларга эга бўлиш мумкин. Ўқиш давомида алоҳида минтақалар

географияси (Ўзбекистон таълим тизимидаги “Материклар ва океанлар табиий географияси”), картографик ва геодезик фанлар туркумига кирувчи бир қатор фанлар ҳамда катта соатлар ҳажмига эга бўлган иқтисодий географик фанлар бўйича таълим берилади.

Хорижий олий таълим муассасаларида географик билимлар бир қатор йўналишлар доирасида ҳам ўрганилади. EuroAsia Consulting–Канаданинг таълим соҳасидаги компанияси бўлиб, собиқ Иттифок, жумладан Марказий Осиё, Хитой ва Туркия мамлакатларидан Канаданинг нуфузли университет ва коллежларига талабаларни ўқишга қабул қилиш билан шугулланади. У томонидан таклиф қилинаётган университетлар дастурлари ўрганиб чиқилганда бир қатор ўзига хосликларга эгаллигини кўриш мумкин. Конкордия, Роял Роудс, Симон Фрайзер, Томсон Риверс, Канада Вест Университетларининг гуманитар ва табиий фанлар, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида табиий фанлар, атроф муҳит, табиий ресурсларни бошқариш факультетларида география фанлари ўқитилади.

Факультетларда талабаларнинг турли эҳтиёжларига жавоб берадиган 100 тадан кўпроқ инновацион дастурлари тақдим этилган. Шу билан бирга Симон Фрайзер Университетида ўқишнинг ўзига хос томони бу турли факультетларнинг дастурларидан ўз дастурни мустақил тузиш имкониятидир. Томсон Риверс университети олий таълимдан кейинги янги дастурларни таклиф этади. Ушбу дастурлар олий иқтисодий маълумотга эга бўлган ва янада тор ихтисосликни эгаллашни истаганлар учун мос келади. Канада Вест Университетида таҳсил олиш интерфаол тарзда унча катта бўлмаган синфларда бўлиб ўтади.

Материалларни ўзлаштириш шахсий ёндошувга асосланган – ўқитувчилар алоҳида талабалар ёки гуруҳларнинг эҳтиёжларига тез жавоб берадилар. Шу билан бирга янги талабаларни қабул қилишнинг мосланувчан жадвали (февраль, май, июль, сентябрь ва ноябрь) ҳам ўзига хос жиҳат саналади. Бакалаврлар учун мўлжалланган дастурлар орасида ер - атроф муҳит - география - геология йўналиши мавжуд. Аъло баҳолар ва IELTS юқори ўтиш баллари (6,5 ва ундан юқори) билан кирувчи биринчи курс талабалари учун 6000 доллар миқдорида стипендия назарда тутилган.

Назорат учун саволлар:

1. География таълими ҳозирги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида нечта йўналишда олиб борилмоқда?
2. Қайси давлатлар география фани барча ўқувчилар учун ягона ўқув режаси ва дастури асосида олиб боради?

3. Қайси давлатларда география фани бир неча асосий фанлар қаторида айрим курсларни факультатив тарзида ўрганилади?
4. Қайси давлатларда география фани барча ўқувчилар учун ўрганиш мажбурий бўлган фанлар қаторида қўшимча факультатив машгулотлар тарзида ўқитилади?
5. Ривожланаётган давлатларда география фанини ўқитилишига эътибор қандай?
6. Ривожланган давлатларида география фанини ўқитилишига қандай эътибор қаратилмоқда?
7. Франция мактабларида география фани қандай ўқитилади?
8. Венгрияда география фанига бўлган эътибор қандай?
9. Германияда география фани қандай ўқитилади?
10. Осиё давлатларида география фанига қандай эътибор қаратилган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Альманах «Узбекистан-2011». – ЦЭИ, Ташкент, 2011 г.
2. Альманах «Узбекистан-2013». – ЦЭИ, Ташкент, 2013 г.
www.uzstat/uzwww.tdpu/uzwww.politika/ruwww.ziyonet.uzwww.nuu.uzwww.connect.uzwww.gov.uz
www.priroda.ru

2- маъруза : География фанини ўқитишда илғор хорижий педагогик тажрибалардан фойдаланиш

Режа:

3. PISA халқаро тадқиқоти.
4. STEAM-таълими –фанлараро боғланишлар ва амалий ёндашув.

Таянч тушунчалар: Хориж география таълими, жаҳон тажрибаси, Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик, PISA халқаро тадқиқоти, TIMSS —баҳолаш дастури, STEAM-таълими.

2.1. PISA халқаро тадқиқоти

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халқаро алоқаларни ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш

авлоднинг ижодий гоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро баҳолаш дастурларида қайд этган натижаларини бошқа давлатлар натижалари билан қиёсий таққослаш; халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги илгор тажрибани оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқишда иштирок этиш; ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий тавсиялар тайёрлаш кабилар Миллий марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишларидан этиб белгиланди. Қуйидаги халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларни ташкил этиш белгиланди: Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) — бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш; Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS) — 4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш; The Programme for International Student Assessment (PISA) — 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш; The Teaching and Learning International Survey (TALIS) — раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш муҳитини ҳамда ўқитувчиларнинг иш шароитларини ўрганиш.

Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишига тайёргарлик кўриш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди, унга кўра, ўқувчиларнинг ёзма ва нутқ саводхонликларини ошириш бўйича илгор миллий ва халқаро тажрибаларни жорий этиш; ўқувчилар мустақил таълим олишлари учун электрон шаклдаги таълимни ривожлантириш, унда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан халқаро тадқиқотлар бўйича саволлар базасини яратиш ҳамда бойитиб бориш; ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш учун мустақил таълимни жорий этиш; халқаро тадқиқотларни амалга

ошириш юзасидан малакали ўқитувчи-тренерлар билан ҳамкорликда худудларда ўқувлар ташкил этиш кабилар белгиланган.

PISA — 15 ёшли ўқувчиларнинг саводхонлиги ва компетенциясини баҳоловчи халқаро дастур бўлиб, Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти томонидан 3 йилда бир марта ўтказилади. Унда ўқувчиларнинг билим сифати ўқиш, математика ва табиий фанлар бўйича мониторинг қилинади ва 1000 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу халқаро дастур 1997 йили ишлаб чиқилиб, 2000 йилда илк мартаба амалиётда қўлланган. Дастур кўмагида турли давлатлар таълим тизимидаги ўзгаришлар аниқланади, солиштирилади, баҳолаб борилади. Бу тадқиқотларнинг натижаси дунё бўйича катта қизиқиш билан кузатиб келинади. Шу боис йилдан-йилга унинг аҳамияти ва қамрови ошиб борапти. Мисол учун, 2000 йилда дастур тестларида 32 давлатдан 265000 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2 баробарга ошиши, яъни 78 давлатдан 540000 нафардан зиёд ўқувчи қатнашиши кутилган. Ҳар бир давлатдан иштирок этувчи ўқувчилар сони мамлакатдаги жами 15 ёшли болаларнинг 2 фоизи миқдоридан шакллантирилади. PISA дастури тест синовлари Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти томонидан консорциумда етакчи халқаро ташкилот ва миллий марказлар иштирокида ташкил этилади.

TIMSS — мактабда математика ва табиий фанларни ўқитиш сифатининг халқаро мониторинги бўлиб, Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) томонидан ташкил этилади. Ушбу тадқиқот турли давлатлардаги 4- ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий фанлар бўйича эгаллаган билим даражаси ва сифатини солиштириш ҳамда миллий таълим тизимидаги фарқларни аниқлашга ёрдам беради. Қўшимча равишда мактабларда математика ва табиий фанлар бўйича берилаётган таълим мазмуни, ўқув жараёни, ўқув муассасаси имконияти, ўқитувчилар салоҳияти, ўқувчиларнинг оилалари билан боғлиқ омиллар ўрганилади. Ушбу маълумотлар белгиланган фанларни ўзлаштириш ҳолатини кўрсатишда асос бўлади. Тадқиқот тўрт йилда бир марта дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот марказлари ва ташкилотлари, хусусан, АҚШнинг Таълим соҳасидаги тест хизматлари (ETS-Educational Testing Services), Канаданинг статистик маркази (Statistic Canada), Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA)нинг Секретариати иштирокида ўтказилади. Шунингдек, турли давлат мутахассисларидан иборат маслаҳат кўмиталари ташкил этилади.

Мактаб ўқувчилари халқаро миқёсдаги тест синовларидан ўтишларида халқаро талабга жавоб берадиган билим, малака, кўникмаларни эгаллаган ва уларда шунга мувофиқ компетенция шакллланган бўлиши лозим. Бунда таълим тизимида куйидаги ўзгаришларни амалга ошириш зарур экани аниқланди:

халқаро тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда она тили, математика ва табиий фанлардан давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари мазмунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

она тили, математика ва табиий фанлардан PISA баҳолаш дастури йўналишидаги саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилиш;

PISA баҳолаш дастури йўналишидаги саволлар сингдирилган ўқув дастурлари асосида қўшимча қўлланма ҳамда адабиётлар яратиш ва амалиётга жорий этиш;

PISA она тили, математика ва табиий фанларни ўқитишнинг шакл, метод, технологияларини янгилаш ва ўқитувчиларнинг бу борадаги билимини ошириш, тайёргарлигини кучайтириш мақсадида малака ошириш курсларини ташкил этиш;

бу фанлардан ўқувчилар саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш ва 2019-2021 йилларда амалий кўникмаларни шакллантиришни баҳолашга қаратилган синовларни тизимли равишда ўтказиб бориш;

таълим муассасаларининг юқори салоҳиятга эга педагог ва илмий кадрлари ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташини ташкил этиш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотига аъзо давлатлардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, PISA ва TIMSS баҳолаш дастурида иштирок этиб, юқори натижаларга эришаётган илгор ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш;

раҳбар ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув жараёнига хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш;

ўқувчиларнинг она тили, математика ва табиий фанлардан PISA халқаро баҳолаш дастурига тайёргарлик кўриши, мустақил таълим олиши учун етарли шарт-шароит яратиш.

Юқоридаги вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши мамлакатимиз таълим тизимининг халқаро таълим жараёнига

интеграциялашувини таъминлайди, соҳадаги бўшлиқларни аниқлашга, янги вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилади. Шунингдек, ўқувчилар билимини адолатли ва шаффоф баҳолашга эришилади.

2.2. STEAM-таълими –фанлараро боғланишлар ва амалий ёндашув.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.09.2018 йилдаги НПФ-5538Фармонида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси киритилиши ҳақида сўз боради. Бунда экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш;

мактабларни, шу жумладан, ўқув синфлари ичини янги қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш;

уч ой муддатда ўқув режалари ва дастурларини оптималлаштириш, инновацион, шу жумладан, масофавий педагогик усуллардан кенг фойдаланиш, ушбу жараённинг самарадорлигини бутунлай оширишни назарда тутган ҳолда умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари малакасини ошириш тартиби ва тизимини тубдан қайта кўриб чиқилиши белгиланган.

Шунга кўра, Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида Президент мактаблари очилади. Улар STEAM фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлади. STEAM — мактаб ўқувчиларини янги ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш тизимига муқобил тизим ҳисобланади. У болаларни бир вақтнинг ўзида Science (табiiй фанлар), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) бўйича ўқитиш тизимига асосланган, бунда ўқувчилар амалий ва кўнгилочар лойиҳалар машгулотлари ёрдамида сабоқ оладилар.

АҚШ, Сингапур, Корея, Австралия, Хитой, Буюк Британия, Исроил каби кўпгина мамлакатларда STEAM-таълими соҳасида давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Кўпгина мамлакатларда STEAM-таълими қуйидаги сабабларга кўра юкори баҳоланади:

яқин йилларда дунёда IT-мутахассислари, программистлар, инженерлар, юқори технологик ишлаб чиқариш мутахассислари ва бошқа шунга ўхшаш мутахассисликларнинг кескин етишмовчилиги юзага келади;

келажакда ҳозир тасаввур ҳам қилиш қийин бўлган касблар юзага келадик, уларнинг барчаси табиий фанлар билан боғлиқ ҳолда технология ҳамда юқори технологик ишлаб чиқаришга оиддир. Айниқса, био- ва нанотехнология мутахассисларига эҳтиёж ортади;

келажак мутахассислари ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган ва таълимнинг турли соҳалари: табиий фанлар, инженерия ва технологиядан билимга эга бўлишлари талаб қилинади.

STEAM-таълими фанларро боғланишлар ва амалий ёндашувга асосланган. У илмий метод кундалик ҳаётда қандай қўлланилишини намойиш этади. STEAM ўқувчиларнинг лойиҳа ва ўқув-тадқиқот фаолиятини мактабда ва мактабдан ташқарида амалга оширилиши имконини беради.

STEAM ёндашувининг асосий гоёси қуйидагича: амалиёт назарий билимлар каби муҳимдир. Бунда ўқувчилар таълим жараёнида нафақат ўз ўз ақлини, балки қўлларини ҳам ишлатишга мажбурдирлар. Синф хонасида таълим олиш жараёни жадал ривожланаётган олам ўзгаришларидан ортда қолмоқда. STEAM ёндашувининг асосий хусусияти шундаки, бунда ўқувчилар кўпчилик фанларни самарали ўрганишда ҳам ақли ҳамда қўлларидан фойдаланишади. Билимларни мустақил “эгаллашади”.

STEAM таълим муҳитида ўқувчилар эгаллаган билимларидан ўша захотиёқ амалда фойдаланадилар. Шу сабабдан улар улгайиб, вояга етгач, реал ҳаётда учрайдиган турли муаммоларга дуч келишганида, масалан, атроф-муҳит ифлосланиши бўладими, иқлим ўзгаришими, шу каби мураккаб муаммоларни ечиш учун фақатгина турли фан соҳалари бўйича эгаллаган ўз билимларига суянишлари ва ҳамкорликда ишлашлари зарурлигини тушунишади. Бунда битта фан доирасидаги билимларгагина таяниш етарли бўлмайди. Шунга кўра, STEAM ёндашув ўқитиш методигина эмас, балки фикрлаш услуби ҳамдир.

STEAM таълимида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга катта эътибор берилиши натижасида уларнинг ҳамкорликда ишлаш, ижодий қобилияти ривожланади, иродаси мустаҳкамланади.

Айнан шундай билим ва кўникмалар ўқитишнинг асосий вазифаси бўлиб, бутун ўқитиш тизими шунга интилади.

STEAM Америкада ишлаб чиқилган. Айрим мактаблар ўз битирувчиларининг кейинги фаолиятини кузатиб, табиий фанлар,

технология, муҳандислик маҳорати, математика фанларини интеграциялашга қарор қилишди, шундай қилиб, STEM (Science, Technique, Engineering and Math) тизими юзага келди. Кейинчалик унга санъат (Art) қўшилди, эндиликда STEAM охиригача шаклланди. Ўқитувчиларнинг фикрича, бу фанлардан эгалланган билимлар ўқувчиларнинг келажакда юқори малалкали мутахассислар бўлиб етишишларига ёрдам беради. Натижада болалар билимларни эгаллашга ва шу заҳотиёқ уларни амалда қўллашга ҳаракат қилишади.

Ҳар куни янгидан-янги иш турлари, шунингдек, янги мутахассислик соҳалари пайдо бўлмоқдаки, бу бугунги кун педагоглари уйлашга мажбур қилиши керак. Улар ўқитаётган ўқувчиларнинг билим ва малакалари ҳозирги замон талабига мос келадими?

STEAM таълими эгалланган билимларни реал кўникмалар билан чоғиштиришга ўргатади. У ўқувчиларнинг қандайдир фикрларни ўйлаб топишларинигина эмас, асосийси фикрларини ҳақиқатда амалга оширишга имкон беради.

Массачусет технологик институти (MIT) STEAM ёндашувга ёрқин мисол бўлади. Бу университетнинг шиори «Mens et Manus» («Тафаккур ва қўл») бўлиб, STEAM курслари ва болаларнинг STEAM концепцияси билан олдиндан танишишлари учун баъзи ўқув муассасаларида STEAM машқ маркаларини очган.

Хулоса қилиб айтганда STEAM ўқувчиларни тажрибалар ўтказиш, моделларни конструкциялаш, мусиқа ва филмларни мустақил яратиш, ўз гоёларини амалга ошириш ва маҳсулот яратишни рағбатлантиради. Ўқитишга бундай ёндашув болаларга назарий билим ва амалий кўникмаларини самарали чоғиштириш имконини беради.

Назорат саволлари:

1. PISA халқаро тадқиқоти ҳақида нимани биласизсиз?
2. TIMSS —баҳолаш дастури ҳақида нимани биласизсиз?
3. Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик деганда нималарни тушунасиз?
4. STEAM-таълимиструктурасини биласизми?
5. STEAM-соҳасида давлат дастурлари ҳақида биласизми?
6. “Замонавий мактаб” Давлат дастурини мазмун моҳияти?
7. Халқаро тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари мазмунига қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.09.2018 йилдаги № ПФ-5538 Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6 апрель 2018 йил 187-сон Қарори.

xtxmom.tdpu.uz

3. Альманах «Ўзбекистан-2011». – ЦЭИ, Ташкент, 2011 г.

4. Альманах «Ўзбекистан-2013». – ЦЭИ, Ташкент, 2013 г.

www.uzstat/uzwww.tdpu/uzwww.politika/ruwww.ziyonet.uzwww.nuu.uzwww.connect.uzwww.gov.uz

www.priroda.ru

www.priroda.ru

3-маъруза: География фанини ўқитишда дарс жараёнида харита, атлас, глобуслардан фойдаланишнинг замонавий талаблари

1. Географик хариталарни таснифи.
2. Хариталарни масштаби ва уларда тасвирланган ҳудуд майдонига кўра хиллари
3. Хариталарни улардан фойдаланиш мақсадларига кўра хиллари
4. Географик атласлар. Атласларни таърифи ва таснифи
5. Географик глобус

Таянч иборалар: Географик хариталар. Хариталар масштаби. Ҳудуд майдони. Хариталардан фойдаланиш. Географик атласлар. Атласлар таърифи. Географик глобус.

3.1. Географик хариталарни таснифи.

Географик хариталар гоят кўп ва хилма-хилдир. Хариталарни ўрганиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бошқа мақсадлар учун улар таснифланади.

Хариталарни илмий асосда таснифлаш уларни алоҳида турларига хос бўлган хусусиятларни ва қонуниятларни ўрганишни осонлаштиради. Шунингдек, у картографик ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўз аксини топади ва уни ишини самарали йўлга қўйишга ёрдам беради; шунингдек у хариталарни каталогларини тузиш, уларни хариталар сақланадиган хоналарда системали равишда жойлаштириш ва сақлаш учун зарур; ва ниҳоят, хариталар сақланадиган жойлар, масалан кутубхоналар учун у

айниқса муҳим. Зеро, таснифлаш керакли хариталарни тез ахтариб топишни ва уларни фойдаланувчиларга ўз вақтида этказиб беришни таъминлайди. Информацион картографик хизматга автоматизацияни жорий этиш учун барча турдаги картографик асарлар албатта таснифланган бўлиши лозим.

Географик хариталарни таснифлашда уларда тасвирланган ҳудуднинг майдони, хаританинг масштаби, мазмуни, мақсади, математик асоси, даври, нашр қилинган жойи, йили, тили ва бошқа хусусиятлари асос қилиб олиниши мумкин. Лекин кўрсатилган белгилардан географик хариталарни мазмуни ва характерини белгиловчи дастлабки тўртта белги анча муҳимдир.

Ҳар қанақа илмий тасниф қатор мантикий талабларни қониктириши керак.

Биринчидан-умумий тушунчадан хусусий тушунчага ўтишда (кенг тушунчани анча тор тушунчаларга бўлиб юборишда даражама-даража бориш) кетмакетлик бўлиши шарт.

Иккинчидан-таснифни ҳар бир погонасида бўлишни маълум аниқ белгисини қўллаш зарур.

Учинчидан-кенг тушунчани анча тор тушунчаларга бўлган пайтда, уларни умумий йигиндиси кенг тушунчани ҳажмига мос келиши керак.

Таснифни ҳар бир погонасида ажратилган гуруҳлар, ўзаро бир-биридан аниқ фаркланиши керак. Лекин, тасниф қанча майдаланса амалда бу талабни амалга ошириш шунча қийинлашиб боради.

Ҳамма турдаги картографик асарларни тўпловчи ва уларни сақловчи муассасалар, дастлаб уларни шаклига (форматига, бичимига) кўра гуруҳларга ажратади, бунда географик хариталар, атласлар, рельеф хариталари, ва глобуслар алоҳида таснифланади. Турган гап, картографияни ривожланиши билан географик хариталарни тасниф қилиш ҳам ўзгариб такомиллашиб боради.

3.2. Хариталарни масштаби ва уларда тасвирланган ҳудуд майдонига кўра хиллари

Географик (умумгеографик) хариталар масштабининг йирикмайдалигига қараб қўйидаги учта гуруҳ хариталарга бўлинади:

-йирик масштабли (масштаби 1:100 000 ва ундан йирик).

-ўрта масштабли (масштаби 1:200 000 дан 1:1 000 000 гача).

-майда масштабли (масштаби 1:1 000 000 дан майда).

Масштаби 1:100 000 ва ундан йирик бўлган умумгеографик хариталар **топографик хариталар** дейилади. Бу хариталарда ҳудуд топографик жиҳатдан аниқ ва мукамал тасвирланади. Шунинг учун ҳам топографик хариталар ҳудудни аниқ ва мукамал ўрганиш ҳамда текшириш, турли

иншоотлар куриш, шунингдек, аниқ ўлчаш ва ҳисоблаш ишларида, жойда ориентирлашда кенг қўлланилади.

Масштаби 1:200 000 дан 1:1 000 000 гача бўлган умумгеографик хариталар **обзор топографик хариталар** деб аталади. Бу хариталарда ҳудуд топографик хариталарга караганда бирмунча умумлаштириб тасвирланади. Улардан иқтисодий ривожлантириш режаларини ва лойиҳаларини тузишда, йирик қурилиш иншоотларини жойларини белгилашда, ҳудудни дастлабки ўрганишда кенг фойдаланилади. Обзор топографик хариталар ҳудудни географик жиҳатдан ўрганиш, географик раёнлаштириш, шу харита масштабида турли хил мавзули ва махсус хариталар ҳамда майда масштабли обзор хариталар ва атласлар тузишда асос сифатида, ҳарбий ишларда, чунончи турли оператив-тактик масалаларни ҳал қилишда қўлланилади.

Масштаби 1:1 000 000 дан майда бўлган умумгеографик хариталар **обзор хариталар** дейилади. Бу хариталарда ҳудуд топографик жиҳатдан анча умумлаштириб тасвирланади. Шунинг учун ҳам улар ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотларнигина бера олади.

Хариталар уларда **тасвирланган ҳудуд майдони**га кўра дунё, ярим шарлар, материклар (қитъалар), океанлар, денгизлар, алоҳида давлатлар хариталари ва бошқа хариталарга бўлинади. Табиий географик, иқтисодий географик ва маъмурий-ҳудудий тамойилларга (бўлинишга) кўра ҳар бир давлат ёки материк хариталарини яна гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, материкларнинг табиий географик раёнлари харитаси, алоҳида давлатларнинг табиий-географик раёнлари харитаси бунга мисол бўла олади. Фарғона, Чирчиқ-Оҳангарон, Мирзачўл, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Қизилқум, Устюрт ва Қўйи Амударёнинг хариталарини Ўзбекистоннинг табиий-географик раёнлари хариталарига мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тошкент, Мирзачўл, Самарқанд. Фарғона, Бухоро-Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва қўйи Амударёнинг хариталарини Ўзбекистоннинг иқтисодий-географик раёнлари хариталарига мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Дунё океани хариталари ҳам дастлаб океанлар ёки уларни ҳавзалари ва сўнгра алоҳидаденгизлар, қўлтиқлар ва бўғозлар хариталарига бўлинади. Алоҳида давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши хариталарига мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий вилоятлар ва раёнлар (туманлар) хариталарини кўрсатса бўлади.

Хариталар **мавзуси (мазмун)** бўйича дастлаб қўйидаги икки йирик гуруҳга, яъни **умумгеографик ва мавзули** хариталарга бўлинади.

Умумгеографик харитада географик ландшафтнинг ташқи кўриниши тасвирланади. Унинг географик мазмуни ландшафтнинг асосий элементларирелеф, гидрография объектлари, тупроқ, ўсимлик ва грунт кўрсаткичлардан иборат бўлиб, бу элементлар харитага бир хил аниқликда ва мукамалликда туширилади.

Мавзули харитада географик ландшафтнинг айрим элементлари бошқа элементларга нисбатан аниқ ва мукамал тасвирланади. Масалан, релеф харитасида асосий элемент релеф бўлиб, у аҳоли пунктлари, йўллар ва бошқаларга караганда анча аниқ ва мукамал кўрсатилади. Харитада бирон табиий ёки ижтимоий ҳодиса тасвирланса ҳам у мавзули харита дейилади. Бундай хариталарга тарих хариталари, геологик, иқлим, тупроқ хариталари ва бошқа хариталарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мавзули хариталар дастлаб иккита катта **синфга**, синфлар ўз навбатида **турларга**, турлар эса **хилларга** бўлинади. Масалан, мавзули хариталар энг аввало иккита катта **синфга**, яъни табиий (табиий-географик) ҳодисалар хариталари **синфига** ва ижтимоий (ижтимоий-иқтисодий) ҳодисалар хариталари **синфига** бўлинади. Мазкур таснифни қўйидаги схемада яққол тасаввур этиш мумкин:

Умумгеографик хариталар:

-топографик; обзор-топографик; обзорли.

Табиий ҳодисалар хариталари:

- умумий табиий-географик;
- геологик;
- геофизик;
- геохимик;
- геоморфологик;
- метеорологик ва иқлим;
- океанологик (океан ва денгиз сувлари);
- гидрологик (қуруқлик усти сувлари);
- тупроқ;
- геоботаник;

-зоогеографик ва бошқа шу каби табиий-географик объект ёки ҳодисаларни тасвирлайдиган хариталар;

Ижтимоий ҳодисалар хариталари:

- аҳоли;
- иқтисодий (халқ хўжалиги);
- социал-инфраструктура;
- сиёсий-маъмурий;

-тарихий ва бошқа шу каби ижтимоий-иқтисодий объект ёки ходисалар тасвирланган хариталар.

Сўнгра юқоридаги турлар хилларга бўлинади, масалан, геологик хариталар қуйидаги хилларга бўлинади:

- стратиграфик;
- тектоник;
- литологик;
- тўртламчи давр ётқизиқлари;
- гидрогеологик;
- геохимик;
- фойдали қазилмалар;
- сейсмик;
- вулканизм ва бошқалар.

Ижтимоий инфратузилма хариталари қуйидаги хилларга бўлинади:

-таълим;

- фан;
- маданият;
- соғлиқни сақлаш;
- физкультура ва спорт;
- туризм; -маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

3.3. Хариталарни улардан фойдаланиш мақсадларига кўра хиллари

Хариталарни *мақсади* уларни масштабига, мазмунига ва расмийлаштириш (жиҳозлаш) усулига катта таъсир кўрсатади. Буни битта ҳудудни бир хил масштабли ва мазмунли, лекин ҳар хил мақсадли умумгеографик ёки сиёсиймаъмурий хариталарни бир-бирига таққосласак яққол кўрамиз.

Хариталарни улардан *фойдаланиш мақсадларига кўра*: ўқув хариталари, илмий маълумотнома хариталар, тарғибот ва ташвиқот, оператив хўжалик, навигация, кадастр, йўл, лойиҳа, туристик ва бошқа хариталарга бўлиш мумкин. Хариталарни улардан фойдаланиш мақсадларига кўра таснифига махсус хариталарни ҳам киритишади. Махсус хариталар маълум доирадаги фойдаланувчиларга ва маълум вазифаларни эчимига мўлжалланган бўлади. Масалан, денгиз ва дарё навигация хариталари, аэронавигация хариталари, лойиҳа хариталари ва бошқалар.

Географик хариталарни типлари. Хариталарни типларига кўра таснифлашда, одатда, уларнинг мавзуини кенглиги (қамрови), харитага олинаётган ходисаларни илмий тадқиқ этиш усуллари, мазмунини

умумлаштириш даражаси, картографик информацияни объективлиги ва амалий йўналтирилганлиги асос қилиб олинади.

Хариталар мавзуининг кенглиги бўйича *умумий ва хусусий* ёки *соҳавий* хариталарга бўлинади.

Умумий харита(лар)да нисбатан анча кенг мавзу тасвирланади. Масалан, умумий иқлим харитасида асосий метеорологик элементларни ҳаммаси, чунончи ҳаво ҳарорати, ёгин-сочин, шамол ва босим тўлиқ тасвирланган бўлади. Шунингдек, умумий саноат харитасида саноатни барча етакчи тармоқлари (соҳалари) берилган бўлади.

Хусусий харита(лар)да эса анча тор мавзу тасвирланган бўлади. Масалан, хусусий иқлим харитасида юқорида кўрсатилган асосий метеорологик элементларни ҳар бири алоҳида-алоҳида тасвирланган бўлади. «Соҳавий харита» термини кўпроқ социал-иқтисодий мавзуда тузилган хариталарга нисбатан қўлланилади. Масалан, саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни, хизмат кўрсатишни алоҳида соҳа (тармоқ)ларини тавсифловчи хариталар. Мавзуини кенглиги тушунчаси ва демак хариталарни умумий ёки хусусийга киритиш маълум даражада нисбий ҳисобланади. Дехқончилик харитаси, ёки алоҳида техника экинлари хариталари қишлоқ хўжалиги харитасига нисбатан соҳавий ҳисобланади, лекин қишлоқ хўжалигини харитасини ўзи эса халқ хўжалигини бир бутун тасвирлаган хариталарга нисбатан соҳавий харита сифатида қабул қилиниши мумкин ва ҳ.к.

Хариталар уларда тасвирланаётган ҳодисаларни илмий тадқиқ этиш усулига боғлиқ ҳолда *аналитик* ва *синтетик* хариталарга бўлинади. *Аналитик хариталар* ҳодисаларни (жараёнларни) айрим томонларини ёки хусусиятларини бу ҳодисаларни бошқа томонлари ёки хусусиятлари билан алоқаларини ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олмаган ҳолда бутундан ажратиб кўрсатади. Ҳаво ҳарорати, шамоллар, ёгин-сочинлар ёки баландлик минтақалари, ён багрларнинг қиялиги, парчаланиб кетганлиги ана шунақа хариталардир. Улар иқлимни, рельефни айрим хусусиятларини алоҳида қайд этади.

Аксинча, *синтетик хариталар* харитага олинаётган ҳодисалар ҳақида тўлиқ тасаввур беради, уларда ушбу ҳодисаларни ўзига хос компонентлари, хусусиятлари, ички ва ташқи алоқалари ҳисобга олинади ҳамда уларни интеграл тавсифлари берилади, лекин уларни ҳар бирини харитада алоҳида аниқ ва аналитик тарзда кўрсатмайди. Ландшафт хариталари, иқлим раёнлаштириш хариталари ана шунақа хариталардир. Уларда қатор кўрсаткичларни мажмуи асосида (ҳарорат, ёгин-сочинлар, уларни бир йиллик ўзгариши ва бошқалар) иқлим областлари ажратилади.

Ходисаларни бир қанча хусусиятларини биргаликда ёки бир қанча ўзаро боғланган ходисаларни, лекин уларни ҳар бирини алоҳида ўзини кўрсаткичида кўрсатадиган **комплекс хариталар** алоҳида категорияни ташкил этади. Бу, этиш мумкин, кўп соҳавий хариталардир. Масалан, синоптик хариталар, топографик хариталар ва бошқалар.

Хариталар уларни тузишда фойдаланилган **информацияни объективлиги ва амалий йўналтирилганлигига кўра**: хужжатли хариталарга, хулоса чиқариш муайян бир фикрга келиш асосида тузилган хулоса хариталарга. шунингдек уларни гипотетик, тенденсиоз; амалий баҳолаш, тавсиянома ва прогноз хариталари ва бошқа хариталарга бўлиш мумкин.

3.4. Географик атласлар. Атласларни таърифи ва таснифи

Географик атлас деб умумий дастурга биноан бир бутун (яхлит, бўлинмас) асар сифатида бажарилган географик хариталарни системали тўпламига айтилади.

Атлас ҳар хил географик хариталарни оддий тўплами эмас, уларни китоб ёки албом кўринишидаги механик бирлашуви эмас; у ўз ичига ўзаро узвий равишда боғланган ва бир-бирини тўлдирадиган хариталар системасини олади, бу система атласни мақсади ва ундан фойдаланиш хусусиятлари билан ўзаро мувофиқлашган бўлади.

Қадимги грек олими Клавдий Птоломейнинг географик хариталар тўпламини (эрамизни II асри) биринчи географик атлас деб ҳисоблаш мумкин. XV асрнинг охири ва XVI аср бошларидаги, Буюк географик кашфиётлар Ер тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиргандан сўнг географик атлас кенг ёйилди, колониал босиб олишлар, савдо ва очик денгизда кема қатновининг ривожланиши ва бошқалар географик хариталарга бўлган эҳтиёжни ва муносабатни тубдан ўзгартирди.

Хариталарни тўплами учун «Атлас» номи биринчи марта Меркатор томонидан (1595 йил) афсонага кўра биринчи бўлиб осмон глобусини тайёрлаган Ливиянинг афсонавий подшоси-Атласни шарафига ишлатилган.

Маълумотларга караганда, ҳар йили дунё бўйича эгаллаган майдони, мавзуи (мазмун), мақсади ва ҳажми бўйича минглаб ҳар хил янги атласлар чоп этилади. Атласларни таснифи ҳам географик хариталарни таснифига мос равишда амалга оширилади.

Атласлар уларда **таъсирланган ҳудуд** майдонига кўра дунё атласлари (ёки бутун дунё атласлари), бутун Ер шарини қоплаб олган (масалан, Дунёни катта совет атласи, 1939-1940); алоҳида континентларни ёки уларни йирик қисмларини атласлари (масалан, Антарктика атласи, Дунай бўйи

мамлакатлари атласи); алоҳида давлатларнинг атласи, (АҚШ, Куба, Франция ва бошқалар); регионал атласлар, давлатларни қисмларини, алоҳида вилоятларни, провинцияларни ва районларни атласлари (масалан, Ленинград областининг атласи, Нормандия атласи ва бошқалар); шаҳарлар атласи (масалан, Париж ва Париж райони атласи, Тошкент атласи) ва бошқалар.

Худди шундай бўлиш (таснифлаш) акваториялар атласлари-океанлар ва уларни йирик қисмлари (масалан, уч қисмлик Океанлар Атласи); денгиз (масалан, уч қисмлик Денгиз Атласи); бўғозлар, йирик кўллар атласлари ва бошқалар учун ҳам ишлатилади.

Атласлар *мавзуи (мазмуну)* бўйича қўйидагиларга бўлинади:

умумгеографик атласлар, асосан умумгеографик хариталардан иборат бўлган атласлар (масалан, 1967 нашр қилинган Дунё Атласи).

табиий географик, табиий ҳодисаларни тасвирловчи атласлар. Улар ўз навбатида қўйидагиларга бўлинади;

тор соҳавий атласлар, улар бир хил типдаги хариталардан иборат бўлади

(масалан, АҚШ алоҳида округларини тупроқ атласлари, доривор ўсимликларининг ареаллари ва ресурслари Атласи);

комплекс соҳавий бирорта табиий ҳодисани ҳар хил, лекин ўзаро бир-бирини тўлатадиган хариталаридан иборат бўлган атласлар (масалан, алоҳида метеорологик элементларни хариталарни ҳам ўз ичига олган иқлим атласи);

комплекс, қатор ўзаро боғланган табиий ҳодисаларни кўрсатадиган атласлар (масалан, иқлим ва Дунё океани океанографиясини тасвирловчи совет Денгиз атласини иккинчи қисми) ёки табиатни ҳар томонлама тавсифини берувчи (масалан 1964 йили чоп этилган дунёни Табиий-географик атласи);

ижтимоий – иқтисодий, табиий географик атласлар учун кўрсатилган бўлинишга ўхшаш (масалан, тор соҳавий автомобиль йўллари атласи, комплекс соҳавий халқ хўжалиги ва маданиятини ривожланиш Атласи);

умумий комплекс, табиий, иқтисодий ва сиёсий география бўйича хариталарни ўз ичига олган ва харитаси олинаётган ҳудудга ҳар тарафлама тавсиф берувчи атласлар (масалан, турли мамлакатларни миллий атласлари). Атласларни улардан *фойдаланиш мақсадларига* кўра: ўқув, ўлкашунослик, туристик, йўл, ташвиқот ва бошқа атласларга бўлиш мумкин. Бу таснифни бошқа аспекти, атласларни илмий-маълумотнома ва оммабоп атласларга бўлиш ҳисобланади.

Нихоят, форматига (бичимига) кўра каттакон ёки стол устида турадиган, ўртача, кичик, охиргиларини ичидан эса, шунингдек чўнтак атласларини ажратишади.

Бир бутун (яхлит, бўлинмас) асарлар сифатида атласларни хусусиятлари

Истаган географик атласни сифати аввало уни ***тўлиқлиги, мукамаллиги ва ички бир-бутунлиги*** билан аниқланади.

Атлас тўлиқ ҳисобланади, қачонки уни мақсади (вазифаси) ва ўйлаб кўйилган асосий мазмунидан (гоясидан) келиб чиққан ҳолда унда барча савол ва мавзулар керакли ва етарли даражада ёритилган бўлса. Мисол учун Дунёни табиий географик атласини оладиган бўлсак, у ҳолда бу нуқтаи назардан мазкур атлас биринчидан, планетани барча табиий географик хариталарини ўз ичига олган ва иккинчидан, географик муҳитни барча асосий компонентларини тавсифлаган бўлиши лозим.

Атласни ***мукамаллиги*** деб, мавзуларни сонини кўпайтиришга интилиш хариталар сонини ортишига ёки атласни белгиланган ҳажмида хариталарни масштабини қисқартиришга олиб келади. Шу билан бирга айрим мамлакатларни хариталари ва айрим мавзулар йирик масштабларни талаб этиши мумкин. Ушбу қарама-қаршиликдан чиқиш йўлини топиш учун ҳақиқатан ҳам зарур мавзулар қатъий равишда танлаб олиниши ва унчалик муҳим аҳамияти бўлмаганлари тушириб қолдириши, ҳамда битта харитада мавзулар мақсадга мувофиқ бирлаштирилиши, минимал ва шу билан бирга етарли масштаблар танланиши лозим.

Атласни ***ички бир бутунлиги*** уни таркибига кирадиган хариталарни ўзаро бир-бирини тўлдиришини, бир-бирига мувофиқлигини ва таққослаш қулайлигини назарда тутаяди. Бунга фойдаланиладиган проекциялар ва масштаблар сонини мақсадга мувофиқ танлаш ва чеклаш; бир-бирига боғланган (яқин) хариталар учун бир хил географик асос ишлатиш; ҳар хил хариталарни легендаларини кўрсатгичлар ва деталлилик жиҳатидан бир-бирига мослаш; генерализация учун кўрсатмаларни бирлиги; тасвирлаш усулларини ва картографик белгилар системасини, бўёқларни, шрифтларни ўзаро бир-бирига боғлаш; хариталар мазмунини бирорта маълум характерли муддатга тўғрилаш; мавзу ва хариталарни мақсадга мувофиқ жойлаштириш ва албатта, атласни яратиш жараёнида атласни ҳар хил хариталарида тасвирланадиган ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олиш туфайли эришилади.

Атласни ***мақсади (вазифаси)*** уни асосий мазмунини, структурасини ва ҳажминини белгилайди.

Кўп атласлар, айниқса мавзули ва комплекс атласлар ўз ичига матнларни, жадвалларни ва зарур справочник-статистик маълумотларни ўз ичига олади. Зарур объектларни топишни енгиллаштириш учун атласларга географик номлар кўрсаткичи илова қилинган бўлади.

3.5. Географик глобус

Глобус (лот. глобус — шар, курра) – Ер шарининг кичрайтирилган модели бўлиб, Ернинг ташқи қиёфасини ҳамда унинг йирик қисмлари (қуруқликлар, океанлар, уларнинг бўлаклари) нисбатини энг тўғри ва кўргазмали қилиб тасвирлайди. Чунончи, глобус дунё океани ва материклар қиёфаси ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан қандай жойлашганлиги тўғрисида аниқ тасаввур беради. Глобусда картографик тасвирнинг йўналиш, майдон ва шакл хатоликлари бўлмайди, шунинг учун ундаги объектларни бир-бирига таққослаш мумкин. Глобус юзасининг ҳамма қисмида масштаб бир хил, яъни ўзгармас бўлади. Глобусда Ернинг геометрик контурлари ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда бутун ер юзасидаги географик объектлар (қуруқлик ва сув ҳавзалари, тоғ, текислик ва б.) қиёфаси муайян нисбатда жуда кичрайтирилган ҳолда тасвирланади. Глобусда географик хариталарда йўл қўйиладиган йўналиш, майдон ва шакл хатоликлари бўлмайди.



Географик глобус

Глобус ер юзасининг шарда кичрайтирилиб тасвирланган моделидир. Ер эллипсоиди майда масштабдаги тасвирида глобусдан жуда кам фарқ қилиб, бу фарқ амалда сезилмайди. Глобуслар ҳар хил мазмунга эга: географик глобус, сиёсий-маъмурий глобус, индукцион глобус (кора рангда) ва амалий ишлар бажариш учун мўлжалланган проекцион глобуслар бўлади. Одатдаги глобусларимизнинг сирти силлиқ бўлади. Лекин ҳозирги вақтда релефли глобуслар ҳам мавжуд бўлиб, Ер шарининг релефини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Глобусда кутблар, меридиан ва параллеллар, экватор чизиги тўғри шаклда тасвирланган.

Глобуслар фойдаланиш мақсадларига кўра бир-биридан фарқ қилади:

- ўқув глобуслари
- илмий ишларга мўлжалланган глобуслар
- транспорт катнови учун амалий мақсадларда фойдаланиладиган глобуслар ва бошқалар.

Глобусларнинг масштаби мақсадига кўра танланади. Ўқув глобуслари, одатда, 1 : 83 000 000, 1 : 50 000 000, 1 : 40 000 000, 1 : 30 000 000 масштабда тайёрланади. Шу билан бирга, улкан глобуслар ҳам ясалган. Ҳозирги вақтда Санкт Петербург шаҳрида сақланадиган глобус масштаби 1 : 4 000 000, Тошкентда ЎзМУ геология ва география факултетидаги глобус масштаби 1 : 7 000 000. Ер юзаси тасвирланган глобус географик глобус, Ой юзаси тасвирланган Ой глобуси, осмон сфераси тасвирланган осмон глобуси деб аталади. Картографик мазмунига кўра ҳам глобуслар ҳар хил бўлиши мумкин.


Энг кенг тарқалган табиий ва сиёсий мазмундаги глобуслардир.

Дунёнинг глобуси деярли сайёрамизнинг мукамал модели ҳисобланади. У Ер шакли шарсимонлигини кўрсатади ва куруқлик ва сувлик шаклларини ўзаро фазовий алоқаларда акс эттиради, нукталараро масофани таққослаш, ҳақиқий йўналишни компасда ҳамда Ер хусусиятлари шаклини ва ўлчамларини нисбатан аниқлаш мумкин бўлади. Ер каби шундай қиёфага эга глобус сайёрамизни аслида хатоларсиз географик хусусият ва алоқадорликда, боғлиқликда тасвирлайди.

Глобусда хали ҳам чеклашлар бор. Дунё глобуси саёҳатда сўқмоқ йўлларни топишга ёрдам бермайди. Бу кўтариб юришга ва агар маҳаллий ахборот озгина берилган бўлса кичкинагина нуктада тасвирланган бизнинг жойлашган ўрнимизни аниқлаш учун жуда ноқулай. Бундай пайтда тепаликлар, сўқмоқлар ва дарёларни аниқ кўрсатадиган ва тахлаб чўнтак ёки халтада олиб юрадиган хариталарга эҳтиёж сезамиз. Бирок, агар биз бутун

дунёни кўришни хоҳласак, ўзининг чеклашларига қарамай глобус анча аниқ тасвирлар билан таъминлайди. Глобус тавсифи билан таниш бўлиш хариталарни тушунишда ва уларни қандай тузишда ёрдам беради.

Ер маркази орқали ўтган ясси ва унинг юзаси атрофида турли йўналишда чизилган айлана катта айлана деб аталади. Бу “катта”, чунки иккита ўзга хос нукта орқали Ер атрофидан чизилган энг катта айлана ҳисобланади. Катта айлана бир қанча фойдали хусусиятга эга: (1) Ҳар бир катта айлана Ерни яримшар деб аталадиган тенг иккига бўлади; (2) ҳар бир катта айлана Ер айлана узунлиги; ва эҳтимол, энг асосий, (3) катта айлана Ер юзаси турли жойларининг ўзаро энг қисқа туристик маршрутлар белгисидир. Катта айланага муҳим мисол қилиб, Ерни ёруғ ва қоронгига, кун яримшари ва тун яримшарига бўладиган ёритиш аланасини айтиш мумкин. Ер марказидан ўтмаган текис юзадаги айланалар кичик айланалар деб аталади. Кичик айлана ҳисобланган Ер юзасидан ўтган ҳар қандай айланалар сайёрани тенг иккига бўлмайди.



Глобус маркази орқали кесиб ўтказилган геометрик текисликлар а) экватордан ва б) қиялама. Ҳар бир ҳолатда глобус тенг икки қисмга бўлинган ва чизиқлар, қаерда текислик кесшиладиган глобус юзасидаги катта айлана глобусдаги ягона айлана узунлиги ҳисобланади. Текислик глобуснинг тенг бўлмаган қисмидан кесиб ўтган с). Чизиқлар кесиб ўтган бу текислик глобусда кичик айлана сифатида намоён бўлади.

Икки пункт орасидаги энг қисқа йўл катта айланага дуч келади ва улар бирлашиб жойлашиши мумкин. Глобус атрофига резина лента (ёки аркон) ни кўйинг, бу тасаввур қилинган фазовий алоқа ҳисобланади. Ҳар қандай иккита, яъни Москва ва Нью-Йорк, Сан-Франсиско ва Токио, Янги-Орлеан ва Париж, ёки Канзас-Сити ва Сингапур каби шаҳарни бирлаштиринг, резина лентани глобус атрофига чўзинг, шундай қилиб, резина лента иккита шаҳарга тегиб туради ва глобусни бўлади. Резина айланаси бу иккита шаҳарлар орасидаги энг қисқа йўналишни кўрсатади. Навигаторлар кема ва самолётлар учун катта йўналиш айланасида олиб боради, чунки саёҳатда ёқилги ва вақтни иқтисод қилиш учун энг қисқа масофа танланади. Ерда жойлашган икки нукта узоқда бўлади, улар бирлашган бўлиб, катта йўналиш айланасида кейинги масофани тежаши мумкин.

Глобуслар тарихи

Глобус ясаш тарихи узок ўтмишдан бошланган. Қадимда саноклигина олимларнинг олам ҳақидаги илмий тўғри тасаввурлари дастлабки глобусларда ўз аксини топган. Дастлабки ибтидоий глобусларни милоддан аввалги II-асрда (тахминан мил.олд. 150 йил) юнонистонлик Кратес Малльский (Пергамада яшаган) ясаган ва у Ўрта аср глобусларидан анча фарқ қилган. Бу ҳақда Страбон ва Гемин ёзиб қолдирган. Геминнинг хабар беришича, Кратес глобусини координаталар тизими билан жиҳозлаган. Бу Ернинг шарсимонлиги эраמידан олдинги III асрда қадимги юнон олимлари томонидан аниқланганлигини билдиради.

Шарқда дастлабки илмий глобусни Хоразмда Абу Райхон Беруний 1016 йилда ясаган (П.Г.Бульгаков уни 995 йилда ясаган деб ёзган). У фақат шимолий ярим шардан иборат энг биринчи бўртма (релефли) глобус бўлиб, аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган. Глобуснинг диаметри қарийб 5 м бўлганлиги маълум (масштаби 1 : 2 500 000).

Беруний ўзи ясаган глобус ҳақида —«Геодезия» асарида ёзиб қолдирган.



М.Бехайм глобуси

Бухоролик астроном Жамол ад-Дин 1267 йилда Хонбалиқда (Пекин) Хубилай хонга Хулагу хондан совга сифатида глобус, астролябия ва армилляр сфера олиб борган. Усмон олими Такиюддин аш-Шаами 1574 йилдан сўнг Стамбулдаги обсерваторияси учун ҳозирги кўринишдаги глобусни ясаган. Биринчи осмон глобуслари Ҳиндистонда Бобурийлар буйруғи бўйича тайёрланган; улардан энг йиригини темирчи ва астроном Мухаммад Солих Татави ясаган. XIII асрда Мисрда ҳам глобус ишланган.

1495 йил (баъзи манбаларда 1493-1494 йилларда) Нюрнбергда шаҳар кенгаши учун немис географи ва сайёҳи Мартин Бехайм (1459-1507) диаметри 0,54 метрли глобус (Ер олмаси) ясаган. Унда Янги Дунёни кашф қилиниши арафасидаги Ер юзаси ҳақидаги тасаввурлар акс этган. Бехайм бу

глобусни яшашда асосан Птолемей маълумотларига асосланган дунё харитасидан фойдаланган. Беҳайм глобуси байроқлар, тожли монархлар, кўплаб қизиқарли ёзувлар билан безатилган бўлиб, Марко Поло саёҳатлари ва португаллар экспедициялари бўйича ўзгартиришлар билан Птолемей карталари асосида тузилган ва ўз даври географик тасаввурларини акс эттирган.



Ўзбекистон Миллий университетидаги глобус

Тошкентдаги катта глобус Тошкент университети (ҳозирги ЎзМУ) буюртмаси билан 1979-1984 йилларда Перм давлат университети лабораториясида ясалган (диаметри 196 см, оғирлиги 490 кг, юзаси 13 м² га яқин, ўқув мақсадларида фойдаланилади). Бу глобусни буюртириш ва олиб келиш ташаббускори география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳ.Ҳасанов бўлган. Масштаби икки хил: горизонтал масштаби 1:7 000 000, вертикал масштаби 1:2 000 000. Ер юзасидаги баланд-пастликлар Ернинг катталигига нисбатан жуда кичик бўлганлиги сабабли 2 хил масштаб қабул қилинган. Бундай қилинмаса глобусда Ер юзаси рельефи шакллари кўринмай қолади. Ер юзаси шакллари бўртма усулда, ландшафтлар ранглар билан тасвирланган. Ландшафтлардаги ранг танлашда Ернинг коинотдан олинган суратлари рангларидан фойдаланилган.

XV асрда Самарқанддаги Мирзо Улугбек курдирган расадхонада ҳам каттагина глобус бўлган. Унда иқлимларнинг чегаралари, тоғлар, сўллар, денгизлар ва дарёлар кўрсатилган. Бинобарин, дунёдаги иккинчи глобусни Самарқанд астрономлари яшашган. Улугбекнинг ўлиmidан кейин у


мутаассиблар томонидан йўқотилган. Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музейида катта ноёб глобус сақланади. Мукаммал ишланган бу глобусни 1895 йил хўжандлик маърифатчи Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўгли мусаввир ва олимлар билан ҳамжиҳатликда ясаган. Глобуснинг баландлиги уни кўтариб турган таглиги билан бирга 117 см, шар айланаси 160 см, масштаби 1:2 500 000. Глобус градус тўрларига бўлинган. Меридиан ва параллеллар қора ранг, тропик чизиқлари ва кутб доиралари қизил ранг билан чизилган. Нолинчи меридиан Гринвичдан эмас, Африканинг гарбидаги Яшил бурун оролларида ўтказилган. Бу Абу Райҳон Беруний глобусидаги бошланғич меридианга тўғри келади. Глобусга қарийб мингта ном ёзилган. Глобусга белбоғ тарзида 12 бурж доираси ўрнатилган. Ҳар бир бурж доираси ичида буржни англаувчи расмлар – шер, қўй, қисқичбақа, чаён, балиқ, кўчқор, хўкиз ва бошқалар тасвирланган. Бу Туркистон ўлкаси маҳаллий олимлари яратган ва илмий жиҳатдан ўз даври учун энг мукаммал глобусдир.

Замонавий глобус


2013 йилда белгиялик коллекционер Штефан Миссине томонидан туюқуш тухумига туширилган глобус тадқиқоти чоп этилди. Бу тухумда тасвирланган глобус Шимолий Американи акс эттиради. Глобус 1504 йилда ясалган деб ҳисобланади. Бу Америка тасвирланган энг қадимги глобусдир. Ундан сўнг Жанубий Америка билан батафсилроқ тасвирланган Янги Дунё тўлақонли глобусларда – Ленокс глобуси (тахминан 1507 йил) ва Полшада сақланадиган Ягеллон глобуси (тахминан 1510 йил) пайдо бўлди.

Замонавий глобуслар турли шакл ва ҳажмларда бўлади. Масалан, АҚШда рақамли глобус, Германияда биринчи интерактив глобус (Мултитач) яратилди.

Глобусда меридиан ва параллелларнинг ҳолатлари



Меридиан (лот. меридианис — туш пайти), ер меридиани — Ер юзасида ҳар иккала кутб орқали ўтадиган фаразий ярим айлана чизик. Унинг барча нуқталари бир хил географик узунликка эга бўлади. Меридиан бўйлаб географик кенглик ҳисоблаб чиқарилади. Экватордан шимолда шимолий кенглик, экватордан жанубда жанубий кенглик бўлади. Красовский эллипсоидига кўра, меридианнинг тўла узунлиги (Ер айланаси) 40008,550 км. Халқаро амалиётда бошлангич меридиан сифатида Гринвич меридиани қабул қилинган (1884 йилдан). Географик узунлик шу меридиандан бошлаб ҳисобланади. Гринвич меридиан вақти дунё вақти деб қабул қилинган.




Глобус тўри


Гарбда бир қанча мамлакатлар 1884 йилгача узунликларни ўлчашда

Париж, Берлин, Рим, Нанкин каби пойтахт ёки йирик шаҳарлар расадхоналари, Россияда 19-асргача Санкт-Петербург шаҳри яқинидаги Пулково расадхонасидан ўтган меридианларни ўзлари учун бошлангич меридиан қилиб олганлар.

Қадимда ва ўрта асрларда харита тузишда Шарқда Ужжайн шаҳри (Ҳиндистон), Хўжанд шаҳри, Ферро ороли (Канар ороллари)дан ўтган меридиандан бошлангич меридиан сифатида фойдаланганлар.



Geografik kenglikni aniqlash




Geografik uzunlikni aniqlash

Параллеллар (юнонча параллелос — ёнида борувчи) — Ер юзасида экваторга параллел ўтказилган шартли доира чизиги. Харита, глобусларда градус тўрининг асосий таркибий қисми. Параллеллар шарқ билан гарбни кўрсатади. Экватордан узоклашган сари параллеллар қисқара боради.

Бир параллелда ётган барча нуқталарнинг географик кенглиги бир хил бўлади. Умуман, шимолий ҳамда жанубий географик қутбларни бирлаштирадиган ва муайян нуқтадан ўтган, параллеллар билан туташиб 90^0 ли бурчак ҳосил қиладиган чизиқлар *меридианлар* дейилади (меридианларни ҳар бир минутдан, ҳар бир градусдан ўтказса ҳам бўлади). Меридианлар глобусда ҳар 10^0 ёки 15^0 дан ўтказилиб, қийматлари экватор чизигига ёзилиб қўйилади.

Экватордан бир хил узокликда жойлашган нуқталарни бирлаштирувчи чизиқларга *параллеллар* дейилади. Энг катта параллел экватор, у ер шарини тенг иккига, яъни шимолий ва жанубий ярим шарларга бўлиб туради. Параллеллар ҳар 10^0 дан ўтказилиб, уларнинг қийматлари 0^0 ёки 180^0 ли меридианда ёзилган бўлади. Ер юзасидаги исталган нуқта экватордан шимолий ёки жанубий кенгликда, бош меридиандан гарбий ёки шарқий узунликда жойлашган бўлади ва даражада ўлчанади. Кенгликни аниқлаш учун бутун Ер шаридаги шарқ ва гарбга кетган чизиқлар ҳамда узунликни

кўрсатиш учун шимол ва жанубга, яъни кутбдан кутбгача бўлган чизиклар географик тўрни ҳосил қилади.



15° оралиқда параллел ва меридианлар ўтказилган географик тўр кўрсатилган глобусга ўхшаш Ер тасвири

Глобусни яшаш учун ер юзаси 12 та меридионал бўлақларга (тилимларга) бўлиниб, сўнг тайёр шарга ёпиштирилади.

Географиккоординаталар - ер сатҳидаги нуқтанинг вазиятини экватор текислиги ва бошланғич меридиан текислигига нисбатан ўлчанган кенглик ва узунлик деб аталувчи бурчак қийматлари. Астрономик ва геодезик географик координаталар бўлади. Референтс-эллипсоид сиртида геодезик ўлчашлар натижасида олинган ва ҳисобланган кенглик ва узунлик геодезик координаталар дейилади. Улар, одатда, ϕ ва λ ҳарфлари билан белгиланади. Геодезик координаталар берилган нуқтадан референтс-эллипсоид устига туширилган нормал чизигига боғлиқ, географик координаталар эса ўша нуқтадан туширилган шовун чизигига нисбатан олинади.

Тасаввур қилинг сиз машинада саёҳат қиляпсиз ва Огайодаги машҳур Кантон футбол майдонида тўхтаб ўтишни хоҳлайсиз. Огайонинг йўллар харитасидан фойдаланиб, харитадан Кантон белгисини ва жойлашишини қидирасиз, бу эса Г-6 да жойлашган. Харитада белгиланган Г ёзуви ва 6 рақами катакда учрашади.


Кўрилаётган област доирасидаги катак Г-6, Кантон ўрнини аниқланг (брасм). Ўша сиз фойдаланган харита тўридаги бўлим системаси, яъни кесилган чизиклар координата системаси ҳисобланади. Жойсиз координаталар системасида жойлашган ўринни аниқлаш қийин. Муаммони ҳал қилишда шарда тўр системалари учун бошланғич нуқта қаердалигини аниқлаш керак бўлади. Нуқта маълумотисиз ёки табиий ёки ихтиёрий шар геометрик шакл ҳисобланади, яъни мустақил йўналишга назар солади.



Оддий тўғри бурчакли координаталар системаси ёрдамида жойини аниқлаш. Бу харитада кўп йўл хариталарига ўхшатиб, ҳарфли-рақамли системадан фойдаланган ҳолда жойлашган ўринлар тасвирланган.

Глобусда кенглик ва узунлик. Кенгликлар меридиан бўйлаб экваторнинг ҳар икки томонига қараб 0° дан 90° гача ҳисобланади ва экватордан шимолдаги кенгликлар шимолий, жанубдагилари — жанубий кенгликлар деб аталади. Масалан, Тошкент шаҳри 41° ш. к. да жойлашган.


Узунликлар бошлангич меридиан 0° дан 360° гача ёки шарққа (шарқий узунлик), ёхуд ғарбга (ғарбий узунлик) ҳисобланади. Масалан, Самарқанд шаҳри 67° шқ. у. да жойлашган. Шунингдек, бошлангич меридиан 0° дан 180° гача шарққа ва ғарбга ҳисоблашда ҳам қўлланилади. Улар параллеллар бўйлаб ҳисобланади.



Кенглик ўзгариши Шимолий қутб ва жанубий қутб иккита табиий таянч нуқта ҳисобланади, чунки улар атрофида 24 соат айланадиган Ер ўқи ҳолатига тесқари кўринади. Экватор қутблар орасида ярим йўл, катта айлана ҳосил қилади ва сайёрани шимолий ва жанубий яримшарга бўлади. Экватор 0° кенглик сифатида белгиланади, шимол ва жанубга кенглик даражалари ўзгариши учун таянч чизик юзага келган. Экватордан шимол ёки жанубга бурчаклар ва улар ёйи катталашади, ҳали Шимолий ёки

Жанубий қутбларга етиб бормайди, максимал кенглик 90° шимолий кенглик ёки 90° жанубий кенглик.

Лос-Анжелес кенлигини топиш учун, Ер марказидан ташқарига чиққан иккита чизикни тасаввур қилинг. Биттаси Лос-Анжелесга йўналган бўлади, бошқаси шаҳардан жанубга бевосита экваторга боради. Бу икки чизик бурчакни ҳосил қилади, экватордан шимолда жойлашган Лос-Анжелеснинг кенлик масофаси (даражада) ҳисобланади (7а-расм). Иккита хаёлий чизикдан ҳосил бўлган бурчак 34° дан анчагина ортиқ, шундай қилиб, Лос-Анжелес кенлиги 34° шимолий кенлик атрофида (экватордан шимолда). Шунга Ер айланаси 40 000 км га (25 000 мил) яқин ва айланада 360° бор, 1° кенликни топиш учун (40 000 км / 360°) бўламиз ва 111 км (69 мил) га тенг бўлади.



Жойнинг географик ўрнини кенлик ва узунлик бўйича аниқлаш. (А) Лос-Анжелес (Калифорния) шаҳри кенлигини аниқлаш учун геометрик асос. Кенлик экватордан шимол ва жанубга даражада ҳисобланадиган масофа. (Б) Лос-Анжелес (Калифорния) шаҳри узунлигини аниқлаш учун геометрик асос. Узунлик бош меридиандан (Гринвич меридиани, Англия) ғарбга ва шарққа даражада ҳисобланадиган масофа. (С) Лос-Анжелес шаҳрининг 34 ш.к., 118 зб.у.

Бир даража кенлик нисбатан катта масофани қамраб олган, шунинг учун ёйдан даражалар яна минутлар (м) ва секундларга (мм) бўлинади. Даража ёйида 60 минут бор. Ҳақиқатда Лос-Анжелес $34^\circ 03'$ (34 даража 3 минут ш.к.) шимолий кенликда жойлашган. Биз ундан ҳам аниқ маълумотни олишимиз мумкин: 1 минут 60 секунд ёйга тенг. Ҳар қандай географик ўрин кенликда $23^\circ 34' 12''$ ж. каби жойлашади, яъни биз уни 23 даража 34 минут 12 секунд сифатида ўқиймиз. Кенлик дақиқаси $1,85$ км ($1,15$ мил) га, секунд тахминан 31 м (102 фут) га тенг.

Астронавигацияда кенгликни аниқлаш учун олтинчи соат айланаси (секстант) дан фойдаланиши мумкин (2.6-расм). Бу асбоб (восита) уфқимизнинг, осмон ва Ер, самовий жисм, яъни тушки Қуёш ёки Қутб юлдузи (Олтин қозик) орасида ҳаёлий чегара чизиги ўртасидаги бурчакни ўлчайди. Географик ўриннинг кенлиги фақат унинг ярим глобал манзили ҳисобланади. Лос-Анжелес шаҳри тахминан 34° экватордан шимолда жойлашган, бироқ ўша кенлик чизигида бениҳоя кўп сонли жойлар мавжуд.



Кенлик бўйича йўналишни аниқлаш учун анъанавий услуб бўлган уфқ томонларини аниқлаш, бирор бир осмон жисмлари (Қуёш, юлдуз, Ой) га нисбатан секстант ёрдамида улар орасидаги бурчакни ўлчаш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда жойнинг ўрнини аниқлаш учун (денгиз навигация ишлари ва айрим саёҳатлар) замонавий технологиялардан, яъни Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида аниқланадиган жой географик ўрнини аниқлашнинг Глобал системаси (ГПС) дан фойдаланилади.

Географик хариталарда жойнинг географик узунлигини аниқлаш бир қанча ноаниқликларни, жумладан турли мамлакатларда узунлик турлича, шунинг учун халқаро келишув йўли билан ушбу муаммога 1884 йилда чек қўйилди. Лондон шаҳридан (Англия) ўтувчи меридиан бош меридиан ёки 0° меридиан деб қабул қилинди. Географик узунлик бош меридиандан шарқ ва ғарб томонга даражада ўлчанадиган масофа (бурчак).

Кенлик сингари узунлик ҳам даражаларда (дақиқа, секунд) ўлчанади. Ернинг марказидан берилган нуқтага ўтказилган чизиқни фараз қилинг, шимол ва жануб орасида жойнинг узунлик чизиги давом этади, яъни Лос-Анжелес шаҳри орқали экваторни кесиб ўтадиган чизиқ. Иккинчи хаёлий чизиқ бош меридиан экваторни кесиб ўтиб Ер марказидан берилган нуқтагача боради (бу географик ўрин 0° эб. ёки шқ. ва 0° ш. ёки жс.)




Биз 0° бош меридиандан шарқ ёки ғарбга қараб юрганлигимиз сабабли узунлик ҳам катталашади. Бош меридиандан шарқий йўналишида саёҳат







қилсак, албатта биз дунё бўйлаб Гринвичдан Тинч океан ўртасидаги 180° шқ.у. гача ярим йўлни босиб ўтамыз. Шунингдек, бу чизиқ 180° эб.у. Узунлик максимал 180° гача бош меридиандан шарқ ёки зарбга ўлчанади.








Тингловчиларга қуйида келтирилган шартли белгилар таклиф этилади. Улар ушбу белгиларни таърифини айтиб беришлари керак бўдади.





1:25 000, 1:50 000 ва 1:100 000 масштабли хариталарнинг шартли белгилари










 <p>а б</p>	<p>Аҳолиси 50000 дан ортиқ (а) ва аҳолиси 50000 дан кам (б) бўлган аҳоли манзилгоҳлари</p>
	<p>Қишлоқ типидagi аҳоли манзилгоҳлари</p>
	<p>Тартибсиз қурилган аҳоли манзилгоҳлари</p>
	<p>Тартибли қурилган аҳоли манзилгоҳлари</p>
	<p>Ўтга чидамли бинолар</p>
	<p>Ўтга чидамсиз бинолар</p>
	<p>Қурилиши тугалланмаган бинолар</p>
	<p>Завод ва фабрикалар мўрилари</p>










	Нефт ва газ қудуклари (вышка)
	Шамол двигателлари
	Сув тегирмони












	Очиқ усулда қазиб олинган фойдали қазилма конлари 1) харита масштабида ифодаланадиган; 2) харита масштабида ифодаланмайдиган
	Фойдаланилаётган кон ва ер ости йўллари
	Ташландиқ кон ва ер ости йўллари
	Электростанциялар 1) харита масштабида ифодаланадиган; 2) харита масштабида ифодаланмайдиган
	Минорасиз нефт ва газ қудуклари
	1) аэродром ва гидроаэродром; 2) қўниш майдони (қурукликда ва сувда)
	Метеорологик станция
	Баландлиги 1 метрдан баланд бўлган ёдгорлик, монумент, тош ҳайкаллар











	Ўрмончининг уйи
	Ибодатхона (черков)
	Кичик ибодатхона (часовня)
	Масжид
	Буддавийлик монастири
	Қабристон 1) харита масштабида ифодаланадиган; 2) харита масштабида ифодаланмайдиган
	Дарахтли қабристон 1) харита масштабида ифодаланадиган; 2) харита масштабида












	ифодаланмайдиган
	Алоқа симлари (телефон, телеграф, радиоалоқа)
	Қадимий тарихий девор (5—девор баландлиги, метр)
	Тошли, ғиштли девор ва метал тўсик
	Астрономик пунктлар







	<p>Шох йўл (автострада): 8—бир йўлининг кенглиги, метр, 2—катнов йўлининг сони, С—қоплам хомашёси (С—семент бетон, А—асфалтбетон); кўтарилма (4—кўтарилма баландлиги, метр)</p>
	<p>Такомиллаштирилган шох йўл (шоссе): 8—қоплама қисмининг кенглиги; 10—йўлнинг умумий кенглиги, метрда, А—қоплама хомашёси (А—асфалт бетон, С—семент бетон, Бр—брусчатка, Кл—клинкер), қовланган жой (5—қовланган жой чуқурлиги, метрда)</p>
	<p>Шоссе: 5—қоплама қисмининг кенглиги; 8—йўлнинг умумий кенглиги, метрда; Б—қоплама хомашёси (Ч—чагиртош, Т—тош)</p>
	<p>Яхшиланган тупрок йўллари (8—катнов қисмининг кенглиги, метр) ва йўлнинг ўтиш қийин бўлган қисми</p>
	<p>Дала ва ўрмон йўллари</p>
	<p>Осма қувур</p>
	<p>Икки қаватли кўприк: 1) темир йўл остидаги йўл; 2) темир йўл устидаги йўл</p>
	<p>Доимий ва аниқ қиргоқ чизигига эга бўлган кўллар</p>
	<p>Вақтинча қуриб қоладиган дарё ва кўллар қиргоқлари</p>

	Икки чизик билан тасвирланадиган дарё ва каналлар: кенгили 5 м дан ортик бўлган дарёлар (харита масштаби 1:25000 ва 1:50 000), 10м ва катта (харита масштаби 1:100 000)
	Кема қатнайдиган дарёлар (ёзуви)
	Кема қатнамайдиган дарёлар (ёзуви)
	Канал: кенглиги 10 м да 15м гача 1:35000 масштабли хариталарда; 30м гача 1:50000 масштабли хариталарда; 60м гача 1:100000 масштабли хариталарда
	Қурилаётган канал
	Дамбали дарё, канал ва тўгон, бир ва икки томонлама
	Сузувчи кўприк Икки қаватли тошли ва темир бетонли кўприк Занжирли ва арқонли кўприк
$K8 \frac{370-10}{60}$	Кўприк ҳақида тавсиф: К — қурилиш хомашёси (Т — тош, М — металл, ТБ — темирбетон, Ё — ёғоч); 8 — сув юзасидан баландлиги (кема қатновига эга дарёларда); 370 — кўприкнинг узунлиги, 10 — кўприкнинг қатнов қисми кенглиги, 60 — юк кўтариш қуввати, тонна
	Узунлиги 3 метр ва ортик бўлган кўприклар Кичик тўсиқлардан ўтган кўприклар (узунлиги 3 м ва кам)
	Ер усти сув қувурлари

	Ер ости сув қувурлари
	Ишлаб турган коризлар
	Ташландиқ коризлар
51,1  гл. 25 м наполн. 20 л/час	Чўл ва даштлардаги бош қудуклар: 51,1 - ер юзасининг мутлақ баландлиги, 25—қудук чуқурлиги, метр, 20—сув йиғилиш хажми, литр/соат
	Қудуклар
	Қудуклар: (1-шамол двигателли; 2-механик усул билан сувни юкорига кўтарувчи бетонлаштирилган қудук)
	Чигир (сувни кўтариб берувчи қурилма)
	Сув омборлари ва қоқлар, харита масштабида ифодаланайдиган
	1) манбалар (чашма, булоқ); 2) жиҳозланган манбалар
	Гейзер
	Горизонталлар

	<p>100-горизонталлар ёзуви метрларда</p> <p>Қиялик йўналиши кўрсаткичлари (бергштрихлар)</p>
	<p>Жарлар ва ювилма ўйиқлар: (1-кенглиги харита масштабида 1мм дан катта; 2- кенглиги харита масштабида 1мм дан кичик)</p>
	<p>Тепаликлар: 1) харита масштабида ифодаланадиган(5— баландлиги метр);2) харита масштабида ифодаланмайдиган</p>
	<p>Чуқурликлар: 1) харита масштабида ифодаланадиган (5—чуқурлиги, метр); 2) харита масштабида ифодаланмайдиган</p>
	<p>Игна баргли ўрмон (қора қарагай, оқ қарагай, қарагай, кедр ва бошқ.)</p>
	<p>Кенг баргли ўрмон (эман, қора қайин, заранг, оқ қайин ва бошқ.)</p>
	<p>Аралаш ўрмон</p>
	<p>Дарахтлар тавсифи, метрда: суратда— дарахтнинг баландлиги, махражда—кенглиги (диаметри), касрдан ўнгда—дарахтлар орасидаги масофа</p>
	<p>Ўрмон кўчатзорлари (2-дарахтларнинг ўртача баландлиги, м да)</p>
	<p>Довулда синган дарахтлар</p>

	<p>1) ёнган ва куриган ўрмон 2) кесилган ўрмон</p>
	<p>Бутазор: 1) алоҳида бута; 2) бутазор</p>
	<p>Саксовул: 1) алоҳида саксовул; 2) саксовулзор</p>
	<p>Мевали бог</p>
	<p>Узумзорлар</p>
	<p>1) шоли даласи; 2) шоли даласи, доимий сув билан копланган</p>
	<p>1) ўтлок (1 м дан паст), 2) баланд бўйли ўсимликлар</p>
	<p>Қамишзор</p>
	<p>Ўтиб бўлмайдиган ва ўтиш қийин бўлган ботқоқ (1,8—ботқоқ чуқурлиги, метр) Растительный покров болот: Ўсимлик коплами: 1) ўтлок; 2) мохли; 3) камишли</p>
	<p>Ўтиб бўладиган ботқоқ (0,6—ботқоқ чуқурлиги, метр) Ўсимлик коплами: 1) ўтлок; 2) мохли; 3) камишли</p>
	<p>Ўтиб бўлмайдиган шўрхок</p>

	Ўтиб бўладиган шўрхок
	Тақирлар: 1) харита масштабида ифодаланадиган; 2) харита масштабида ифодаланмайдиган
	1) харита масштабида ифодаланмайдиган дўнг кумлар 2) дўнгчали юзалар.
	Текис кумлар
	Дўнг кумлар
	Жўякли ва барханли кумлар
	Жўякли ва барханли кумлар
	Барханли кумлар

Назорат саволлари:

1. Илк глобусни ким ясаган?
2. Географик глобуслар тарихини сўзлаб беринг.
3. Абу Райхон Беруний глобуси ҳақида нималарни биласиз?
4. Меридианлар нима? Бош меридиан-чи?
5. Параллеллар деганда нимани тушунасиз?
6. Экватор нима?
7. Даража тўри нима?
8. Географик координаталар нима ва уларинг аҳамияти нималардан иборат?
9. Географик узунлик ва географик кенглик деганда нимани тушунасиз?
10. Глобуслар қандай аҳамиятга эга?

11. Тошкент глобуси хақида нималарни биласиз?
12. Бирор жойнинг географик координатаси қандай аниқланади?
13. Глобус нима?
14. Географик глобус деганда нимани тушунасиз?
15. Глобусларнинг қандай турлари ажратилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Божок А.П. Топографик с основами геодезии- М.: Высшая школа.1992.
2. Mirzaliev T. va boshqalar. Kartashunoslik. Toshkent.: “Cho’lpon”, 2012.
3. Сабитова Н.И., Саидкаримова З.С. Дунё табиий географияси ва топография асослари. Услубий қўлланма. ЎзМУ, Университет, 2007.
4. Геоинформатика: талковые словарь основных терминов (под. Ред.А.М.Берлянта). М.: МГУ, 2000. 5. www.tdpu.uz
6. www. pedagog. uz
7. www. ziyonet. Uz
8. www.lex.uz;
9. www.bilim.uz;
10. www.gov.uz

4-майруза: География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар (2 соат)

Режа:

1. Инновацион технологиялардан фойдаланиш аҳамияти.
2. География фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.
3. География дарсларида рағбатлантирувчан ўқув мухитини таъминлаш.

Таянч иборалар: Инновация, таълим технологиялари, ўзаро ишонч, самарадорликни ошириш, таълим жараёнини самарали ташкил қилиш, мустақил фаолият.

4.1. Инновацион технологиялардан фойдаланиш аҳамияти.

Кадрлар тайерлаш миллий дастурини амалда тадбиқ этишнинг сўнгги босқичида сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари таълим ва тарбиявий жараёнининг асосини ташкил этиши белгилаб қўйилган. Бу борада бажарилаётган ишларнинг негизида янги инновацион педагогик технологияларни қўллаш асосий вазифа сифатида белгиланган. Шу мақсадда ўрта махсус таълим тизимида миллий дастурни амалга оширишнинг асосий талаблари мавжуд ўқув режалар, дастур, дарслик, ўқув қўлланма ва методик ишланмаларни фаннинг сўнгги ютуқлари, малакали педагоглар томонидан бериладиган тавсиялар ва ишланмалар билан ўзгартирилиб, бойитилиб боришига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Узлуксиз таълим–давлат таълим стандартлари, умумтаълим мактабларида, умумкасбий ва махсус дастурларни амалга ошириш, таълимнинг мақсадли кўрсатмаларини бажариш доирасида бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналарга, фан, техника ва технологияларнинг илгор ютуқларига асосланган ҳам ўқув, ҳам ўқишдан ташқари ишларда педагогик таъсир кўрсатишнинг бутун комплексидан фойдаланган ҳолда, комил инсонни, шахсни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият олиб боради”.

Юқорида белгиланган мақсадларни кўзда тутан ҳолда география фани бўйича амалда қўлланилиб келаётган дастурнинг ҳар бир мавзуси 6 та таълим соҳаси йўналтирилган ҳолда амалий машгулотлар учун қўлланилиши мумкин бўлган педагогик технологиялар ва дарс ишланмалари ишлаб чиқилди. Аввало, амалдаги дастур бирмунча камчиликларга эгалиги, унда ўтиладиган амалий

машгулотлар мавзулари ва соатлари кўрсатилмаганлиги учун тавсия этиладиган педагогик ишланмалар иккита мавзу бўйича олинди ва уларда қўлланилиши керак бўлган педагогик технологиялар батафсил берилди.

Шунинг учун олий ўқув юртлари малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари–интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар–бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Интерактив методлар уч даражада қабул қилинади: умумий, локал, хусусий.

4.2. География фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.

География фани ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ундаги қўлланиладиган педагогик технологиялар билан бир каторда доимий равишда картографик усулни ўрни кўрсатилиб борди. Педагогик технологияларда бугунги кунда кенг қўлланилаётган “Кейс-стади”, “Муаммоли”, “Кластер”, “БББ”, “Инсерт”, “Камалак” кабилари ишланмаларда қўлланилиши кўрсатилиб берилди. Деярли барча мавзуларга блиц-суров, кейс-стади, кластер технологиялари қўлланилди ва уларнинг самарадорлиги юқори эканлиги белгиланди.

Бугунги кунда таълим мазмунини модернизациялаш, таълим сифатини ошириш, таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган кўплаб инновациялар яратилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур инновацияларнинг самарадорлиги кўп жихатдан таълим муассасасида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда география дарсларида ўқув ва ижодий фаолликни оширувчи ҳамда таълим жараёнининг самарадорлигини оширувчи таълим технологиялар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади. Бунда ўқувчиларга китоблар, дафтар, бошқа усуллардан фойдаланиш тақиқланмайди, аксинча бундай усулларни қўллаш рағбатлантирилади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар,

инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир каторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий шахсга айланади.

4.3. География дарсларида рағбатлантирувчан ўқув муҳитини таъминлаш

Агар ўқитувчининг тайёргарлиги яъни унинг билимдонлиги ҳамда педагогик маҳорати доимо талаб даражасида ҳамда ўқувчининг қизиқиши, диққатини жамлаш ва эслаб қолиши доимо юқори даражада бўлганда эди, таълим-тарбия жараёнида исталган усулдан фойдаланганда ҳам юқори натижага эришиш мумкин бўлар эди. Лекин бу кўрсаткичлар тез ўзгарувчан бўлиб, педагогик жараёни ана шу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш энг зарур шартлардан ҳисобланади. Акс ҳолда таълим-тарбия жараёнидан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Педагогик технологиянинг сўзлаш жараёнида ўқитувчи фаолияти сўзлаш, савол-жавоб, баҳс, мунозара, музокара; кўрғазмали ўқув жараёнида кўрсатиш, тушунтириш, савол-жавоб, машқ бажариш жараёнида эса машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол-жавоб, раҳбарлик назоратдан ташкил топади.

Самарали бошқариш учун ўқувчи фаолиятини ташкил этиш шаклларига эътибор қаратмоғи лозим. Бунинг учун

-амалиётда юқори кўрсаткичларга эришиш натижасида тасдиқланган янгиликларни тезкор татбиқ этиш;

-кутилаётган натижаларга мос бўлган педагогик технологияни танлаш, таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш керак.

Ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатининг ўзига хос жиҳати ўқувчилар мустақиллиги ва ўқув фаолиятини тақиқлаш эмас, балки йўналтириш, ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш-бошқариш, таълим олишда мажбурлаш эмас, балки ўқувчиларни ишонтириш, бирон бир фаолиятни амалга ошириш буйруқ орқали эмас, балки шу фаолиятни самарали ташкил этиш, шахснинг

эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятларини чегаралаш эмас, балки эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади.

Янги муносабатларнинг асосий моҳияти, анъанавий таълимда кўзда тутилган натижаларни бермаётган мажбуран ўқитишдан воз кечиш ва унинг ўрнига

-ўзаро ишончга асосланган талабчанлик;

-таълим жараёнини самарали ташкил этиш орқали ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотиш ва онгли интизомни вужудга келтириш;

-мустақил фаолиятни ташкил этилиши;

-тегишли талабларни жамоа орқали қўллашни амалга ошириш муҳим саналади.

Таълим тизимида янги муносабатларнинг вужудга келиши шахсга тафовутлаб ёндошишни талаб этади. Таълим жараёнини ташкил этишда : *-ўрта савияли ўқувчига нисбатан мўлжал олишдан воз кечиш;*

-ўқувчиларнинг энг яхши сифатларини аниқлаш ва ривожлантириш;

-таълимда психологик-педагогик диагностикани қўлаш орқали ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжини, қобилияти, шахсий сифатлари, ақлий фаолиятининг хусусиятларини аниқлаш;

-ўқувчилар ўзлаштирадиган билим, кўникма ва малакалар динамикасини тасаввур қилиш талаб этилади.

Қатор педагогик технологиялар ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатини ташкил этишнинг асоси саналса, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш бошқа технологияни қўллашни талаб этади. Шу сабабли ҳар бир машгулотда битта технологиядан эмас. Балки ўқувчилар билим ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тегишли технологиядан фойдаланилади. Шундай қилиб, битта машгулотда бир нечта педагогик технология уйғунлаштиради.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар ўқувчиларда ижтимоий нормаларга мос онгли интизомнинг вужудга келиши, мотивациянинг юқори даражада бўлиши, билим, кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши кўзланган натижанинг кафолатланганлиги ва самарадорликнинг юқори бўлиши билан қимматлидир.

Ушбу технологиялар жумласига яна дидактик ўйинлар, муаммоли таълим, модулли таълим, коммуникатив таълим, ўқув материалларини (жадвал ва белгили) моделлари ҳамкорликда ўқитиш технологиялари киради.

ДТС талаблари ва ўқув дастурлари асосида «Ернинг шакли ва катталиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш»ига доир сайёҳат машқи.

3. «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Саёҳат» машқи.

1. Супертанкер экваториал чизиги билан 170 градус гарбий узунлик кесишган координатадан 270 градус азимут йўналишда 60 км/соат тезлик билан ҳаракат қилган бўлиб, 15 соатдан сўнг тўхтаган. Супертанкер қайси координатада тўхтаган?

2. Кема 40 градус жанубий кенглик 10 градус шарқий узунлик билан кесишган координатадан 270 градус азимут йўналишида 17 соат 60 км/соат тезлик билан сузди. Кема тўхтаган координатани аниқланг.

3. Кема жанубий тропик чизиги 10 градус гарбий узунлик билан кесишган координатадан 90 градус азимут бойича соатига 60 км тезлик билан 20 соат 20 дақиқа йўл босишди. Кема тўхтаган жой координатасини аниқланг.

4. Кема шимолий кутб доираси билан 90 градус гарбий узунлик кесишган координатадан 90 градус азимут бўйлаб соатига 60 км тезлик билан 23,5 соат йўл босиб тўхтади. Кема тўхтаган координатани аниқланг.

Машқ жараёнида координаталарни аниқлаш, азимутни аниқлаш, кема ҳаракатланаётган кенгликлар, табиий объект, шу кенгликдаги ернинг катталиги 1 градус ёй узунлиги каби билимларга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эса ДТСдаги «Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасидаги талаблар кўрсаткичларга мос бўлиб, башорат қилишга йўналтирувчи саволлар орқали география таълимидаги бир бутунлик, худудий географик тавсифининг тузилиши ҳақидаги билимлар шакллантирилади.

Қуйида география дарсларини самарали ташкил этиш ва бошқаришда айрим мавзулар бўйича илгор педагогик технологияларни қўллаш тавсия этилади.

1. «Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва майдони» мавзусини ўрганиш технологиялари иштирокчиларнинг бевосита иштироқи билан амалга оширилади. «Чархпалак» машқи билимларни мустаҳкамловчи тест-синови, амалий топшириқлар устида машқ.

2. «Ўзбекистоннинг ички сувлари ва сув бойликлари» мавзусини «Бумеранг» технологияси ва ўзаро савол-жавоблар орқали ўрганиш.

3. «Ўзбекистоннинг тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси географияси» мавзусини «жадвал тест», «хос хусусиятларни ажрат» рақамли диктант машқлари орқали ўрганиш.

6-синфда «Дунё океани, унинг қисмлари ва океан туби рельефи» мавзусини ўқитишда кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш методидан фойдаланиш.

Мазкур дарснинг тузилиши қуйидагича бўлади: **Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм:
2. Ўтган мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

3. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

4. Янги мавзунини ўрганиш бўйича ўқитувчининг ахбороти.

а) Дунё океани-Ер шарининг узлуксиз сувли қобиги;

в) Дунё океанини ўрганиш тарихи;

с) Дунё океанининг қисмлари;

д) Геологик тузилиши;

е) Океан туби рельефининг мураккаб тузилганлиги.

5. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш ҳамда ўқув топшириқларини мустақил равишда бажаришга эришиш;

Дарснинг матни асосида гуруҳларда иш ташкил этиш:

1-гуруҳ. Дунё океанини қачон, қимлар қандай ўргандилар?

2-гуруҳ. Дунё океани қандай қисмларга бўлинади?

3-гуруҳ. Дунё океани таги геологик тузилиши қандай қисмлардан ташкил топган?

4-гуруҳ. Дунё океани туби қандай рельеф шаклларида иборат?

5-гуруҳ. Дунё океанида қанча ҳавза ажратиш мумкин?

Саволларга жавоб топадилар тавсифлаб, тушунтириб берадилар (3 дақиқа тайёргарлик учун, ҳар бир тақдимот учун 2 дақиқа)

6. Ўқувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

7. Янги мавзунини харита сўров орқали қайта ишлаш ва яқунлаш гуруҳларда «Харитадан топ?» машқи. Ўқувчилар дарсликда берилган 8-расмдан фойдаланиб, Дунё океанидаги денгизларни ўрганадилар (2 дақиқа).

Харитадан кўрсатиш бўйича баҳслашадилар. Ҳар битта жавоб карточкалар билан баҳоланади. (қизил, кўк, сариқ)

8. Уйга вазифа бериш:

1. *Асосий атама ва тушунчаларни дафтарингизга ёзинг.*

2. *Ёзувсиз картага океанларни асосий денгиз ва қўлтиқ ва бўғизларни туширинг.*

Ўқитувчи фаолиятидаги раҳбарлик ва назорат география ўқув жараёнини самарали бошқаришда алоҳида жараён бўлиб, ҳар бир машгулотнинг мақсади географик маданиятни тарбиялаш, харитадан моҳирона фойдаланиш каби мазмунга мувофиқлаштирилади. Ўқувчи фаолиятини текшириш ва баҳолашга қараб, ўқитувчи мактаб географиясининг мақсади вазифасини қанчалик тасаввур этишни ҳам билса бўлади.

Дарвоқе, мактаб географиясининг мақсадини тўғри ва тўлиқ тасаввур этмай туриб, таълим-тарбияда тўла муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Маълумки, дастурга мувофиқ мактаб географияси ўқувчиларга ўрта географик маълумот беришга мўлжалланган. Ўрта географик маълумот заминидан эса ўқувчиларни муайян географик тасаввур ва тушунчалар билан қуроллантириш уларда мустақил географик билим эгаллаш тақозо этган кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, географик мушоҳада юритиш қобилиятларини ўстириш ва ниҳоят баркамол инсонни тарбиялаш вазифалари ётади.

Таълим жараёнида ана шу вазифалар ҳал этилар экан ўқувчилар фаолиятини раҳбарлик ва назорат қилиш, баҳолаш унга қаратилиши керак.

Ўқувчининг ўқишга ва ҳатто ўқитувчига бўлган муносабати ҳам кўп жихатдан унинг ўқув фаолиятини нақадар ҳаққоний назорат қилинишга боғлиқ. Назоратнинг энг ҳақиқий ва тўғри тури ўз-ўзини назорат қилиш ҳисобланади. Бу педагогик технологиянинг барча иштирокчилари, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларга тегишли. Лекин маълумки, кўпинча одамларда ўз-ўзини қатъий назорат қилиш одатга айланмаган, бунинг учун кўп ҳолларда ирода этишмайди.

Шунинг учун ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ўқитувчи ва ота-оналар томонидан ҳамкорликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Бунда назорат учун ҳаддан ортиқ вақт сарфламаслика эътибор бериш, ўқитувчининг асосий иш вақти назорат учун эмас, ўқувчиларга кўпроқ билимлар беришга сарфланишига эришиш лозим. Назоратнинг янги варианты рейтинг тизими амалиётда ўзининг афзаллигини кўрсатмоқда.

Назорат саволлари:

1. Инновацион технология деганда нимани тушунаси?
2. Интерфаол методларнинг қандай хилларини биласиз?
3. Педагогик технология деганда нималарни тушунаси?
4. Интерфаол метод бўйича ўқувчиларга китоблар, дафтар, бошқа усуллардан фойдаланиш мумкинми?
5. Педагогика ва психология ўйин фаолияти муаммолари билан кимлар шугулланганлар?
6. Ўқув дарсида ўйин интернет орқали ташкилланиши ҳам мумкинми?
7. Ўйин структураси нечта босқичлардан иборат?
8. Имитацион ўйин нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. « география фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари » – Тошкент: 2008..
2. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х. «Амалий география» фанини соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси (ЎМКХТМ ўқитувчилари учун методик қўлланма) – Тошкент: 2012
3. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. «Амалий география» КХК учун ўқув қўлланма. Т. ТДПУ нашриёти, 2015
4. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. «Амалий география» Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун электрон дарслик. –Т., 2015. 150 МВ.
5. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. «Амалий география» . – Тошкент: 2008 й.
6. Рафиқов А. А. Амалий география. –Т.: «Шарк», 2007.
7. Тожибоева Д. ва бошқ. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. «Алоқачи» Т.2009.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

1-амалий машғулот: География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари

Ишнинг мақсади: География фанини ўқитишда дарслик ва хариталарда замонавий талаб даражасида фойдаланишни аҳамиятини тингловчиларга етказиш. Унинг самарали усуллари ишлаб чиқиш. Унинг ютуқларини кўрсатиш.

Топшириқлар

Тингловчиларни география фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари мавзусига оид маълумотлар билан таништириш (10 дақиқа тақдимот сифатида). Тақдимот куйидаги маълумотлардан тайёрланиши мумкин:

Гуруҳларда иш ташкил этиш. “География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари” мавзусида дарс ишланмалар яратиш. Тақдимотларни таҳлил қилиш.

Режа:

1. Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш
2. Географик хариталар билан ишлашнинг замонавий талаблари
3. “География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари” мавзусида дарс ишланмаларини яратиш.

1.1. Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш

Дарслик билан ишлаш. Ҳозирги география дарсликларидан фойдаланиш учун бир неча таълим методларини тадбиқ этишга тўғри келади. Дарснинг барча босқичларида дарслик билан мунтазам ишлаб бориш—мустаҳкам билим, кўникма беришдаги, ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантиришдаги асосий йўналишдир. Ўқувчиларни китобдан фойдаланишга ўргатиш мактаб географияси олдига қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Дарслик ўқувчилар учун асосий қўлланма, улар оладиган билимларнинг энг муҳим манбаидир.

Мактабда дарсликларнинг таълим-тарбия беришдаги барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда, дейиш қийин. Кўпчилик мактабларда янги материални ўрганишда дарсликдан кам фойдаланилади, ўқувчилар билимини аниқлашда эса мутлақо фойдаланилмайди. Оқибатда кўпчилик ўқувчилар дарслик билан ишлашни билмайдилар, берилган

топшириққа оид жавобни дарслик матнидан топишга қийналадилар, зарур тасвир ва жадвалларни узоқ вақт қидирадилар.

Шунинг учун дарслик билан ишлаш энг муҳим педагогик масаладир. Ўқувчилар дарслик билан ўқитувчи раҳбарлигида ишлайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларни дарслик билан ўқув йилининг бошида биринчи дарсда таништиради: дарсликнинг титул varaгини ўқувчилар очиб дарсликнинг номи ва муаллифини билиб оладилар, дарсликнинг энг охирги varaгида мундарижа билан танишадилар. Ўқитувчи дарсликнинг хариталари, схемалари, жадваллари, профиллари, расмлари, иловалари, саволлари, топшириқлари ва уларнинг аҳамиятини тушунтириб, дарслик билан ишлаш йўллари ҳақида умумий кўрсатма беради.

Синфда дарслик билан ишлаш усуллари турлича бўлиб, улардан бири матн билан ишлаш ва янги билим олишдир. Дарслик матни билан ишланиши изохли ўқишдан бошлаш маъқул изохли ўқиш 5 ва 6 синфларда ўқув йилининг бошлариданок бошланади. Матннинг маълум қисми ўқилгач, ўқувчи унинг мазмунини ўз сўзи билан ифодалаб бериши керак. Ўқитувчи матнда учраган қийин иборалар ва янги терминларга изох бериб, географик объектларни харитадан кўрсатади.

Дарслик билан ишланиши яна бир усули дарсликнинг айрим мавзуларига режа тузишдир. Бунда ўқувчилар тегишли матнни ўқиб чиққач, уни қисмларга бўладилар, энг муҳимларини ажратадилар, ажратилган қисмларга кичик мавзулар белгилайдилар. Ўқувчилар дарсликдаги айрим мавзуларга режа тузиб бўлгач, унинг мазмунини пунктлар бўйича баён этадилар.

Ўқувчилар бундай жадвалларни тўлдиришлари учун фақат дарслик матнини англаш ва тушунишлари кифоя қилмайди, улар илгари олган билимларни эсга олишлари керак.

Дарсликдаги расмлар билан ишланиши аҳамияти катта. Баъзи расмлар ўқитувчи томонидан олдиндан тузилган саволлар асосида таҳлил қилинади. Масалан, «Евросиёнинг экваториал ўрмони» расмини таҳлил қилинаётганда куйидаги саволлар берилиши мумкин: экваториал ўрмонлари ўсимликларининг хусусиятлари нималардан иборат? Ўрмонлар нима учун бунчалик қуюқ ва хилма хил? Экваториал ўрмонлар ўртача минтаканинг қайси табиат зонасига ўхшайди? Бу расмда йилнинг қайси фасли тасвирланган?

Дарсликдаги топшириқларни бажаришга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўқувчиларнинг мустақиллигини орттириш учун ўқитувчи топшириқларни ўқитмай, «биринчи топшириқ»қа ёки «учинчи топшириқ»қа жавоб талаб қилиши мумкин. Бунинг учун ўқувчилар ҳар бир топшириқ мазмунини дарсликдан ўқиб олиб, жавоб тайёрлайдилар.

Ўқитувчи ўқувчиларни дарсликда берилган рақамли маълумотлар билан ишлашга ўргатиши лозим. Бу маълумотлардан географик объектлар, ўлкалар ва табиий географик тайёрларни таърифлашда фойдаланилади. Масалан, 6-синфда ўқувчиларга ер шарига йирик дарёлар узунлигини кўрсатувчи диаграмма, 7-синфда материклар катталигини тасвирловчи диаграмма ва 8-синфда йил давомида бирон жойнинг ёгин миқдорининг ўзгаришини кўрсатувчи диаграмма ёки ҳаво температурасини кўрсатувчи график чизишни топшириқ тариқасида бериш мумкин.

Янги материални дарсликдан мустақил ўрганиш ҳам мумкин. Танланган мавзунинг мазмуни билан қисқача таништиради ва тегишли мавзунинг мустақил ўрганиш учун ўқувчиларга топширади. Танланган мавзу аниқ, ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавоб тайёрлаши лозим бўлган саволларни синф доскасига ёзиб қўяди. Ўқувчилар тахминан 15 минут давомида дарслик матнини ўқиб саволларга жавоб тайёрлайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобини қўшимча маълумотлар билан тўлдиради, охирида ўқитувчи жавобларни умумлаштириб тегишли хулосалар чиқаради.

Материклар географияси курсидан Жанубий Американинг дарёлари ва кўллари мавзусини дарсликдан мустақил равишда ўрганишга тавсия этиш мумкин. Материални мустақил ўрганиш учун тегишли кўрсатмалар берар экан, ўқитувчи Амазонка дарёси, шаршара ва кўлларнинг хусусиятига эътибор бериш зарурлигини уқтиради, сўнгра у синф доскасига қуйидаги: Жанубий Америка дарёлари океан ҳавзалари бўйича қандай тақсимланган? Амазонка дарёсининг асосий хусусияти нимадан иборат? Амазонканинг серсувлиги, узунлиги ва катталиги жиҳатидан Конго, Нил дарёлари билан таққосланг. Парана дарёси сув режимини Амазонка сув режими билан таққосланг. Ориноко дарёсини таърифлаб беринг. Жанубий Америкадаги шаршаралар қандай хусусиятга эга? Жанубий Америка кўллари таърифланг, деган саволларни ёзиб қўяди. Бу саволлар ёрдамида ўқувчилар ўзлаштирган билим аниқланади. Ўқувчиларнинг жавоби баҳоланади.

Дарсликдан янги билим ва маълумотларни ўрганишнинг бу усули ўқувчиларнинг мустақил ишлари сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг жавоб бериши учун дарсликнинг ҳар қайси мавзуси охирида берилган савол, машқ ва тоишириқлардан фойдаланиш мумкин. Дарслик билан ишланганда ўқувчиларнинг берган жавоблари улар билимини баҳолашда ҳисобга олинади.

Қўшимча адабиётлар билан ишлаш дарслик билан ишлашдан ташқари, ўқувчиларни қўшимча адабиётлар билан ишлашга қизиқтириш, ундан зарур географик маълумотларни топа олишга ўргатиш лозим. Ўқувчиларни қўшимча адабиётлар билан ишлашга қизиқтириш учун ўқитувчи илмий оммабоп ва бадиий адабиётлардан қизиқ фактлар, ажойиб ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳақида, аҳолининг урф одатлари ҳақида сўзлаб бериши керак. Қўшимча адабиётлар юзасидан бериладиган топшириқ бир ёки бир неча ўқувчига топширилиши мумкин. Топшириқ бажарилгач, синфда ёки синфдан ташқари вақтда қисқача ахборот берилади.

Қўшимча адабиётлар билан ишлашда кўпроқ ўз республикасининг табиати ва аҳолисининг меҳнат фаолиятини ёритувчи илмий оммабоп ва бадиий адабиётларни тавсия этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Қўшимча адабиёт билан ишлаш география фанининг асосларини ўрганиш ва ўқувчиларнинг билим доираларини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

1.2. Географик хариталар билан ишлашнинг замонавий талаблари

Географияни харитасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Харита география ўрганадиган барча предмет ва ҳодисалар ҳақида ҳикоя қила олади, харита тез, аниқ ва лўнда қилиб ҳикоя қилишда китобдан ҳам афзаллик қилиши мумкин. Мактабда география ўрганилар экан, у билан бирга харита ҳам ўрганилади. География соҳасида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот ишлари харитасиз бажарилмайди. Харита — география дарсларида билим олишнинг асосий манбаидир. Шундай экан ҳар бир ўқувчи харитаи ўқий олиши лозим. Агар ўқувчи харитага қараб ҳали ўрганилмаган денгиз ёки дарё ҳақида гапира олса, тоғларнинг баландлиги ва йўналишини аниқлай олса, маълум бир жойнинг ер юзасини ёки иқлимни таърифлай олса, бу ўқувчи харитани билади, дейиш мумкин.

Харитадан тўғри фойдалана олишни ўрганиш учун география ўқитувчиси ўқувчиларни ҳар қайси янги харита билан мана бундай тартибда таништириб бориши лозим: хаританинг тури, ундан қандай мақсадда фойдаланиш ва унинг шартли белгиларини тушунтириши; ўқувчилар эътиборини харита масштабига жалб этиши; харитадаги жойни кўз билан чамалаб ўлчай олишлари учун «ўлчов» сифатида хизмат қиладиган «мўлжал»ларни кўрсатиб ўтиши (масалан, Қора денгиз, Каспий денгизи ва Сахалин оролининг бўйи 1000 км. Байкал ва Танганьика кўлларининг бўйи 600 км); харита проекциясининг хусусиятини кўрсатиб ўтиши лозим.

Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини градус тўрнининг ҳолати, меридиан ва параллелларининг қандай ўтказилганлигига, кенглик ва узунликни белгиланган ўрнига, экватор, бош меридиан, кутбий ва тропик доираларга жалб

қилиши лозим. Глобусдаги жой харитада бошқача тасвирланганлигини кўрсатиб ўтиши керак.

Харита билан ишлаш. География ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларга харитани тушуниш ва ўқий олишни ўргатишдир. Харитани билишнинг маъноси шуки, ўқувчилар ундаги шартли белгиларга тушунишлари ва шу шартли белгилар орқали кўрсатилган предмет ва ҳодисаларнинг образларини кўз олдиларига келтира олишлари, харитага қараганларида улар онгида дарёлар, тоғ тизмалари ва музликларнинг манзаралари ҳосил бўлиши керак.

Харитани билиш учун жойда ориентирлашни, горизонт томонлари йўналишларини қогозда тасвирлашни, масштаб билан ишлашни, жой режаини ўқишни ва чизишни билиш керак. Ундан кейин эса ўқувчилар глобус ва хариталарда географик кенглик ва узунликларни аниқлаш, турли мазмундаги (табиий, иқлим, тупроқ, ўсимлик, аҳоли ва бошқа) хариталарни ўқишни, хаританинг асосий афзал ва камчилик томонларини аниқлашни билиши лозим. Ўқувчилар харитани билсалар шартли белгилар ва ёзувлар асосида территорияни тасвирлашга ўрганадилар. Шу билан бирга ўқувчилар харитани шарҳлашга ҳамда ўзаро алоқа ва муносабатларни очиб беришга ҳамда харитада бевосита кўрсатилмаган нарсаларни ҳам айтиб бера олишга ўрганадилар.

Харитани ўқиш. Харитани ўқиш кўникмаси географиянинг барча курслари давомида географик материалларни ўрганиш билан бирга шаклланади. Харитани махсус машқлар ёрдамида ҳам, географик материални ўрганиш просессида ҳам ўқишга ўргатиб борилади.

Харитани ўқишдан аввал харитани тушуниш керак. Харитани тушуниш учун эса хаританинг «алифбоси»ни билиш зарур. Аммо ўқувчига харита алифбоси ўргатилсаю, харитани ўқишга оид машқлар ўтказилмаса, у самарали натижа бермайди.

Ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблардаги асосий ўқув хариталари рус тилидадир. Бинобарин, харитада кўп учрайдиган географик термин ва ибораларнинг маъносини — таржимасини ўқувчиларга айтиб тушунтириб бериш керак. Ўқувчиларга географик терминлариинг русча-ўзбекча лугатини туздириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бундай ишлар учун дарсда сарф этилган 2—3 минут вақт, ўқувчиларнинг 10—15 минут вақтини тежайди.

Харитани ўқиш малакасини эгаллаш учун аввало унинг шартли белгиларини билиш зарур. Ўқувчилар жойдаги предметларини режада тасаввур қила олишлари керак. Агар ўқувчилар кўз билан чамалаб режа олишда бевосита иштирок этган ва уни тушуниб этган бўлсаларгина топографик хаританинг

шартли белгиларини, қолаверса, бошқа географик хариталарни яхши тасаввур эта оладилар.

Харитани ўқий олиш аввало оддий тарзда бўлиб, бора-бора мураккаблаштирилиб борилади. 6- синф ўқувчилари оддий саволларга жавоб беришлари мумкин. Масалан, Ўзбекистонда рельефнинг қандай шакллари учрайди, деган саволга, ўқувчилар харитага қараб, Ўзбекистондаги муҳим тор ва пасттекисликларни кўрсатиб бериш билан кифояландилар. Бундай иш 7- синфда анча мураккаблаша боради. Харитани ўқиш мураккаблашган сайин ўқувчиларнинг билими ҳам чуқурлашиб боради. Масалан, Марказий Осиё ер юзасини қандай тасвирлаш мумкин? Марказий Осиёнинг гарбида рельефнинг қандай шаклини кўриш мумкин? Помирдан шимол ва шарқда қандай тоғ тизмалари жойлашган? Помирдан шарқда, у билан деярли бир кенгликда қандай тоғ жойлашган, унинг номи нима? Тибетни жанубдан қандай тоғлар ўраб туради? Унинг баландлигини аниқланг. Ҳимолай тоғлари қайси йўналишда жойлашган ва унинг узунлигини аниқланг ва х. к.

Ўқувчилар кейинчалик харитада берилмаган айрим маълумотларни ҳам билиб олишга интиладилар. Харитани ўқиш асосида тегишли хулоса ва яқунлар чиқара олишлари учун ўқувчиларга бериладиган саволлар назарий билимларга асосланувчи, ходиса сабабларини аниқловчи саволлар бўлиши керак. Масалан, мана бундай: Ҳимолай тоғларининг жанубда ёгин нима учун жуда кўпу, шимолида кам? Қорақум билан Қизилқумнинг чўл бўлишига сабаб нима? деган саволлар.

Ўқувчиларнинг харитадан оладиган билимлари маълум бир тартиб, режа асосида (масалан, жойнинг географик ўрни қуйидаги тартибда: жойнинг номи, у жойлашган материк, унинг географик кенлиги ва узунлиги, денгиз ва курукликдаги чегаралари, географик ўрнининг қулай ва ноқулайлиги) бўлиши керак.

Харитани ўқиш кўникмаларини такомиллаштиришда харита бўйлаб «саёҳат»нинг аҳамияти катта. Ўқувчиларни «саёҳат» маршрутлари билан таништириш керак. Харитада қилинадиган «саёҳат» билан ўқувчилар харитани жонлантирадилар, харитадаги объектларни ўзлари ўша жойларда бўлгандек хикоя қилиб берадилар.

Евросиё мавзусига оид бир неча «саёҳат» маршрутларини кўриб чиқайлик.

1- маршрут. Лондондан Евросиёнинг жанубий қирғоқлари бўйлаб кемада Владивостоккача саёҳат.

2-маршрут. Тошкент — Кобул — Дехли (автомашинада) — Калькутта (поездда) — Жакарта (кемада) саёҳати.

3- маршрут. Тошкент кенглиги бўйлаб Евросиёнинг гарбий чеккасдан шарқий чеккасигача самолётда саёхат.

Бу саёхатларда ўқувчилар Евросиёнинг турли мазмундаги хариталари, расмлар, гербарийлардан фойдаланадилар. Биринчи маршрутда ўқувчилар кандай океан, денгиз, бўғоз орқали, қайси яриморол ва ороллар ёнидан ўтганликлари ҳақида денгизларнинг музлаш ёки музламаслик сабаблари ҳақида сўзлаб берадилар. Иккинчи ва учинчи маршрутларда йўлда учраган ҳар бир жойнинг ер юзаси, денгизлар, иқлимнинг ўзига хос хусусияти, дарё ва уларнинг хусусияти, ўсимлиг ва ҳайвонот олами, аҳолиси ҳақида, шунингдек саёхат учун қулай вақт ва йўлда учрайдиган қийинчиликлар ҳақида гапириб берадилар. «Саёхат» вақтида ҳар бир жойнинг табиий шароитини ўз ўлкасининг табиий шароити билан таққослаб борадилар. Бир маршрутга 2—3 ўқувчи (маршрутни бир неча қисмга бўлиб) жавоб бериши мумкин. Харита бўйлаб қилинган саёхат ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш мақсадида ташкил этилиши мумкин.

Хариталарни солиштириш. Ўқувчилар онгида географик тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишда солиштириш усули катта аҳамият касб этади. Турли мазмундаги хариталарни солиштириш билан ўқувчилар бирон жойнинг географик хусусиятини аниқлайдилар, табиатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тегишли хулосалар чиқарадилар ва бирбирига боғлиқ бўлган оддий географик қонуниятларни аниқлайдилар.

Хариталарнинг бир бирига солиштириш усули ўқувчиларнинг хариталарни қунт билан ўқишларига, улардан кўпроқ маълумот олишларига ёрдам беради.

Австралия, Жанубий Америка, Шимолий Америка ва Евросиёнинг табиий географик шароитларини ўрганишда ўқувчилар меридионал йўналишда жойлашган табиат зоналарига дуч келадилар. Масалан, ўқувчиларга Шимолий Америкадаги зоналарнинг жойлашиш хусусиятларини ва унинг сабабларини аниқлаш учун умумгеографик, иқлим ва ўсимлик хариталарини бирбирига солиштириш вазифаси топширилади. Ўқувчилар хариталарни таҳлил қилиб океан ва денгиз оқимлари ҳамда рельефнинг иқлим шароитига таъсирини ва шунга мувофиқ ҳолда зоналарнинг жойлашишини аниқлайдилар. Шундай қилиб, турли мазмундаги хариталарни солиштириш ўқувчиларга Шимолий Американинг географик ўрни ва ер юзасининг хусусияти табиат зоналарининг меридионал ҳолда жойланишига сабабчи бўлган, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Солиштириш усулида харитани таҳлил қилишга ўргатиш муайян бир тартиб билан олиб борилади.

Ўқувчиларга иккита харитани бирбири билан солиштириш ва табиат элементлари ўртасидаги ўзаро боғланишларини аниқлаш тавсия этилади. Масалан, Африканинг (7-синф) умумий обзорига умумгеографик ва иқлим хариталаридан иқлим билан рельеф ўртасидаги, иқлим шароити билан дарё режими ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқлаш вазифаси топширилади. Евросиёнинг табиий географик ўлкаларига географик характеристика беришда ўқувчилар бир қанча харитани масалан, умумгеографик, иқлим, табиат зоналари, аҳоли ва сиёсий хариталарни солиштирадидилар, улар табиатнинг асосий элементлари, аҳоли фаолиятининг айрим томонлари ўртасидаги боғланишларини аниқлайдилар.

Хариталарни одатда суҳбат йўли билан солиштирилади, масалан, ўқитувчи ўқувчиларга савол беради, ўқувчилар саволларга хариталар асосида жавоб бериш билан фактик маълумотларни аниқлайдилар ва бу хариталарни бирбирига солиштириб тегишли хулосалар чиқарадилар.

Ўқитувчида харита ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Бундай тасаввурлар харитадан географик объектларни кўрсатиш, бу объектларнинг номини ёздириш, муҳим фактлар келтириш, кўрсатмали қуроллар кўрсатиш, дидактик материаллардан фойдаланиш, географик диктант олиш, схема ва харитасхемалар чиздириш, ёзувсиз хариталар билан ишлаш йўли билан ҳосил қилдирилади.

Ўқувчилар географик номлар ва объектларнинг ер шарида тутган ўрнини билмай туриб, улар ҳақидаги маълумотларни онгли ҳолда ўзлаштира олмайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларни янги географик объектлар билан таиштирар экан, уларни аввал деворий харитадан кўрсатиб, сўнгра бу объектларни атлас ёки дарслик харитасидан топишни ва уларнинг жойлашган ўрни ҳақида гапириб беришни таклиф қилади.

Ўқувчилар айрим географик номларни (масалан, Скандинавия, Кордильера, Атлантика, Антарктида, Гольфстрим, Килиманжаро, Ньюфаундленд, Сихоте Алин ва х. к.) ҳамма вақт тўғри талаффуз этавермайдилар. Шунинг учун жойларнинг номларини тўғри талаффуз этиш ва тўғри ёзишга ўргатиш лозим. Қийин географик номларни ургуси билан синф доскасига ёзиб кўйилса ва ўқитиб кўрилса яхши натижа беради.

Ўқувчилар географик объектларни яхшироқ эслаб қолишлари учун, уларнинг манзараси, фотосурати ёки расмини кўрсатиш зарур. Айрим ҳолларда номларнинг қаердан келиб чиққанини ўрганилаётган жой билан боғлиқ бўлган воқеаларни айтиб бериш лозим.

Атоқли сайёҳ ва тадқиқотчилар номи билан боғлиқ бўлган географик номларни ўрганишда, мазкур жойга қачон ва нима учун шу ном

берилганлигини ўқитувчи изоҳлаб ўтади. Шу зайдда ўрганилган номлар узоқ вақт хотираларидан кўтарилмайди.

Ўқувчилар хотирасида харитадаги маълумотларни мустаҳкамлашда кўлда ишланган дидактик материаллардан (шартли белгилар, доирачалар, «ўк»лар, турли шаклчалардан) фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

Дидактик материаллардан бири бўлган доирачалар харита билан мустақил иш олиб боришда ҳам зарурдир. Доирачалар билан ишлаш 6, 7 ва 8-синфларда олиб борилиши мумкин. Ўқувчилар картондан диаметри тахминан 1,5 см келадиган доирачаларни қирқиб оладилар. Доирачалар қизил, яшил, сарик, зангори, жигар рангда бўлади. Тайёрланган доирачалар кичик пакетча ёки конвертда сақланади. Доирачаларнинг миқдори 25—30 та бўлиши мумкин.

Ўқувчилар доирачалар билан ишлаганда маълум рангдаги доирачаларни бир хил объектга қўйиб чиқадилар. Бу ишнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ишини яхши кузатиб боради. Ўқувчилар бу ишни қизиқиб бажарадилар. Масалан, материклар географияси курсидан Евросиёнинг Тинч океан денгизларини ўрганишда, атласдан тегишли харита вараги очтирилиб шундай дейилади:

Тинч океан денгизларига яшил доирачалар, ярим оролларига қизил доирачалар, оролларига сарик доирачалар қўйиб чиқинг.

Ўқувчилар бундай ишларни қизиқиш билан бажарадилар. Ҳар бир доирача тегишли геофик объектга қўйилаётган вақтда шу жойнинг номини ҳам билиб оладилар.

8-синфда «Ўзбекистоннинг геофик ўрни ва чегаралари» мавзуси ўрганилаётганда ҳам доирачалардан фойдаланиш мумкин: яқин қўшни мамлакатларга қизил, иккинчи даражали қўшни мамлакатларга оқ доирачалар қўйиб чиқилади. Бу иш бажарилиб бўлгандан кейин яқин қўшни мамлакатлар ҳам, иккинчи даражали қўшни мамлакатлар ҳам яққол кўриниб қолади. Бундай ишни олдиндан тайёрлаб қўйилган қизил ва оқ байроқчалар билан ҳам бажариш мумкин.

Ўзбекистоннинг фойдали қазилмаларини ўрганишда дастур талаб этган фойдали қазилмаларни айтиб, харитада фойдали қазилмалар чиқадиган жойига уларнинг белгилари қадаб чиқилади. Изотерма чизиқлари ва табиат зоналарнинг чегараларини харитада рангли иплар билан белгилаб қўйилади, шамолнинг эсиш томонлари «ўк» билан кўрсатилади.

Баъзан хариталарга белгилар ўрнига «жадвалча»лар ҳам қадаш мумкин. Масалан, Ўзбекистон харитасига иқлим кўрсаткичли қуйидаги «жадвалча»лар қадалади:

Белгилар харитага кадалганда синфнинг орқа парталарида ўтирган ўқувчиларга яхши кўринадиган бўлиши керак.

Байроқча, фойдали қазилмалар белгилари, иқлим жадвалчалари пластилин ёки тўгнагич билан, рангли иплар, «ўк» кўрсаткичлари пластилин билан харитага қадаб қўйилади.

Глобус билан ишлаш. Глобус география учун энг зарур қўлланмадир. Ер шарининг модели—глобуснинг қимматли ва ўзига хос хусусияти унинг тенг масштабигидир. Глобус—Ер ҳақида тўғри тасаввур берадиган, майдон ва энг қиска ораликларни (ортодромия) тўғри кўрсатадиган ва ифодалайдиган асосий ўқув куролидир. Глобус ўқувчиларга бир канча ноаниқ нарсаларни билиб олишга имкон беради.

Глобус билан асосан 5- синфдан бошлаб ишланади. Табиатшунослик курсида ернинг шарсимонлиги, қутб, меридиан, параллел ва экватор ҳақидаги тушунчалар, ернинг суткалик ва йиллик ҳаракати, ернинг «усти» ва «ости» йўқлиги каби бир қанча масалаларни фақат глобус ёрдамида ўрганиш мумкин.

Йирик географик объектлар (материклар, океанлар, мамлакатлар) нинг шакли, жойланишини глобуссиз тўғри тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг яримшарлардаги тасвири глобусдаги ҳақиқий тасвирдан фарқ қилади, баъзилари эса яримшарлар ва дунё хариталарида бўлиб кўрсатилади. Чунончи, Атлантика, Тинч, Шимолий Муз океанлари ва Антарктида материғи яримшарлар ва дунё хариталарида икки бўлак ҳолда тасвирланади.

Ер шарининг табиати Қуёшдан тушадиган нурнинг тик ёки қиялигига боғлиқ эканлиги ҳам глобусдан ўрганилади.

Яримшарлар хариталари билан ишлаганда ўқувчиларга глобусдаги каварик юза харитада текис юза ҳолда тасвирланишини тушунтириш керак.

Харитада меридианларнинг шимолий ва жанубий йўналишларини, параллелларининг шарқий ва гарбий йўналишларини ҳам глобусда машқ қилиб, кейин хариталардан аниқланса тўғри тушунча ҳосил бўлади; географик кенглик ва узунликларни топишга, аниқлашга оид кўникмалар ҳосил қилиш учун ҳам глобусда машқ бажариш керак.

Баъзи ўқитувчилар 6-синфдан кейин глобусдан фойдаланмай қўядилар. Бу тўғри эмас. Глобусдан бутун география таълими давомида фойдаланиш лозим.

Ҳаво транспорти ва ракета техникаси ривожланган ҳозирги даврда глобус айниқса катта амалий аҳамиятга эга. Ҳозир глобус аэронавигация ва космик учишларда ҳам қўлланилмоқда.

Глобус барча табиий география курсларида, хусусан қуйидаги масалаларни ҳал этишда: ернинг умумий кўринишини тасаввур этишда; ернинг шарсимонлигини исботлашда; ер юзасидан кўтарилган сари горизонтнинг

кенгайиб боришини тушунтиришда; материклар билан океанларнинг ўзаро холати, катталиги, шаклларини ўрганишда; кутб нуқтасининг хусусияти ва кутбдаги йўналишларни ўрганишда; кутб, экватор, меридиан, параллелларни ўрганишда; яримшар тушунчаларини эгаллашда; ернинг ўз ўқи атрофидаги ҳаракатини, кун ва туннинг ҳосил бўлишини тушунтиришда; Ернинг Қуёш атрофидаги йиллик ҳаракатини тасаввур этишда; Ер ўқининг орбита юзасига нисбатан огганлигини тушунтиришда; йил фаслларини ўрганишда; ойнинг ер атрофидаги ҳаракатини ўрганишда; ой фазаларининг вужудга келишини тушунтиришда; қуёш ва ой тутилишини ўрганишда; ер шаридаги «юқори» ва «қуйи» тушунчаларини ҳал этишда; ернинг катталиги ва эллипслигини тушунтиришда; ер шарининг катталигига нисбатан тоғ тизмаларининг баландлигини тасаввур этишда; градус тўрини ўрганишда; кенглик ва узунликни тасаввур этишда; географик координаталарни белгилашда; Қуёш нуруниинг ер шарининг турли кенгликларида турли бурчак билан тушишини кўрсатишда; тропиклар ва кутбни, доираларни тушунтиришда; ер шарининг иссиқлик минтақаларини ўрганишда; ортодромия ва локсодромияни тушунтиришда; атмосферанинг умумий циркуляциясини ўрганишда; пассатларни ўрганишда; денгиз оқимларини тушунтиришда; экспедиция, саёхат ва учуш йўлларини кўрсатишда; жойнинг географик ўрнини аниқлашда; ҳаво ва сув йўлларининг узунлигини кўрсатишда; Арктика ва Антарктида тушунчаларини билиб олишда; Ўзбекистоннинг ер шаридаги ўрнини тасаввур этишда; ер шаридаги айрим нуқталари (масалан, Тошкент билан Москва, Нью Йорк, Токио) ўртасидаги энг қисқа масофани аниқлашда қўлланилади. Глобусдан, одатда, харита билан бирга фойдаланилади. Баъзи масалалар аввал глобусдан, кейин. харитадан ўрганилади.

Умумий ва хусусий географик хариталар. География таълимида харита билан ишлаш методлари бошқа методлар билан айникса, суҳбат методи билан боғланган.

Харита билан ишлаш мана бундай тартибда олиб борилади:

- а) Ер юзаси элементлари, рельеф шакллари, вулқонлар, денгиз, қўлтиқ, булоқлар, дарёлар, қўллар билан ўқувчиларни бевосита таништириш;
- б) харитани жой билан солиштирганда топографик хариталардаги белги (символ)лар билан таништириш;
- в) объект катталигини кўз билан чамалашга ўргатиш;
- г) ўқувчиларга картографик белгиларни ўргатиш мақсадида топографик ва географик хариталарни солиштиришга ўргатиш;
- д) градус тўрини яхши билиб олишлари учун географик координаталарни топишни машқ қилишга ўргатиш;

е) турли масштабли хариталардан айрим географик объектларни топишга ўргатиш.

Харитани тушуниш. Жой планидан харитага ўтиш уни тушунишнинг тўғри йўлидир.

Аввал мактаб ва мактаб атрофида ориентирлаш ўрганилгач (ориентирлай олиш, йўналишини чизмага чиза олиш, жойда масофаларни ўлчаб ва масштаб асосида қозғоғга чиза олиш), режа олишга (аввал синф ва мактаб режаини, сўнгра каттароқ майдон режаини чизиш ва шу асосда топографик режа билан ишлаш), сўнгра эса харитани (топографик режадан йирик масштабли харитага ўтиш, ундан кейин эса, майда масштабли харитани) тушунишга ўтилади.

Шундай қилиб, ўз жойининг манзараси ва плани асосида йирик масштабли ва майда масштабли географик хариталарни яхшироқ билиб оладилар.

Ўлқашунослик дарсларида қуйидаги тартибда харитани тушуниш мумкин:

1) ўқувчиларда горизонт ва унинг томонлари ҳақидаги тасаввур шаклландандан кейин улар горизонт томонларини қозғоғга тушира оладилар;

2) горизонт томонларини жойда ориентирлашни яхши билиб олганларидан кейин уни чизмада ориентирлай оладилар;

Жойда масофани аниқ ўлчаб олишни билиб олгач, масштаб ёрдамида чизмада масофани ўлчашга ўрганадилар; режа ҳақидаги тасаввур ва оддий режа олишни билгандан (топографик белгилардан фойдаланган ҳолда) кейин топографик режа ва топографик харита ҳақида муайян тушунчага эга бўлиш мумкин; ўқувчилар жойни топографик режа ва топографик харитада тасаввур қила олгач, ўз шаҳар (қишлоқ) атрофи, ўз ўлкаси ва Ватанининг харитадаги тасвирини тушуниб эта оладилар.

Харитани тушуниш учун градус тўри билан ишлаб боришга эътибор бериш керак. Градус тўри аҳамиятини билишлари ва ундан фойдаланиш учун пункт координаталарини топиш устида ўқувчиларни мунтазам равишда машқ қилдириб бориш зарур. Машқларни ҳаётий мисоллар билан боғлаб борилса, яхшироқ тушунилади. Масалан, ўқувчиларга ўз шаҳрида қурилган ГЭС лар, каналларнинг бошланиш, содир бўлган воқеаларнинг ўрнини координаталар билан топтириш маъқул. Ўқувчилар градус тўри ва унга боғлиқ бўлган машқларни бажариш орқали горизонт томонларини, объектнинг географик ўрнини ва ораликларини билиб оладилар.

Харитани тушуниш учун масштаб билан танишиш керак. Ўқувчилар хаританинг қанча кичрайтирилганлигини билишлари керак. Харитадаги айрим объектлар бир биридан қанча масофада эканлигини ёки харитада икки нукта оралигини ўлчаш каби ишларни бажаришлари лозим.

Градус тўридан ораликларни ўлчаш мақсадида фойдаланиш ва машқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, материклар географияси курсидан Евросиёнинг географик ўрни ва катталиги ўрганилганда берилган саволларга мана бундай жавоб олиш мумкин: Евросиёнинг шимолий чекка нуқтаси қайси кенгликда жойлашган? (Челюскин бурни, 78° ш. к. да.) Шимолий кутбдан Челюскин бурнигача бўлган ораликни ўлчанг ($90^\circ - 78^\circ = 12^\circ$; $111 \text{ км} \times 12 = 1332 \text{ км}$). Евросиёнинг жанубий чекка нуқтаси қайси кенгликда жойлашган? (Пиай бурни, 1° ш. к. да) Евросиё шимолдан жанубга (километр ҳисобида) қанча масофага чўзилган? ($78^\circ - 1^\circ = 77^\circ$; $111 \text{ км} \times 77 = 8547 \text{ км}$.) Бундай машқларни бошқа мавзуларда ҳам бажариш мумкин.

Деворий ва индивидуал хариталар, ёзувсиз хариталар

Деворий харитада ишлаётган ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам географик объектларни кўрсатиш қоида­сига, яъни дарёни бошланишидан қуйилиш жойигача, шаҳарлар ёзув­ини эмас, белги — пунсонни, океан, денгиз, материк, мамлакатларни кўрсатишга кўрсаткич­ни объектнинг ўртасига қўйиб, кейин унинг ёзувсизини айлан­тириб чиқишга, ярим оролларни кўрсатишда ёзувсизини айлан­тириб чиқишга, шунингдек харита олдида тўғри туришга риоя қилишлари зарур.

Ёзувсиз харита билан ишлаш. Ёзувсиз харита билан ишлаш географик объектларнинг номларини, уларнинг хариталардаги ўринларини ўқувчилар хотирасида мустаҳкамлайди. Ўқувчиларда географик ьумларни тўғри ёзишга ва тўғри талаффуз қилиш, материалларни мукам­мал ўрганиш имконияти вужудга келади. Ёзувсиз харита билан ишлаш ўқувчиларни оддий харитасхемалар тузишга ўргатади.

Мактабларда ёзувсиз хариталарни кўпинча дарс охирида тўлдирадилар ҳамда уларга уйга топшириқ тариқасида берилади. Уйда бажарилган ёзувсиз хариталар аниқ, чиройли бўлса ҳам бироқ кўчириб олинган ёки бошқа бир киши ишлаб берган бўлиши мумкин, бу иш ўқувчига этарли билим бермайди.

Ёзувсиз хариталарни синфда ишлаш яхши натижа беради, бунда ўқувчилар янги материални ўрганадилар, билимлари мустаҳкамланади.

Ёзувсиз харита билан олиб бориладиган ишдаи олдин ўқитувчи уни бажаришга доир кўрсатмалар бериши керак.

Объект ёзувсиз харитага туширилгач, ўқувчидан бу объект ҳақида қисқача маълумот беришни талаб қилиш мумкин. Ёзувсиз харитани изох билан тўлдириш усулидан кенгроқ фойдаланиш керак. Ёзувсиз харитага тушириладиган географик номларнинг миқдори жуда кўп бўлмаслиги керак.

Ёзувсиз харитада бажариладиган ишлар ижодий характерга эга бўлиши, ўқувчилар бу ишларни онгли ва мустақил бажаришлари керак. Бир хил турдаги

ишлар ўқувчиларни зериктириб қўяди, шу сабабдан ёзувсиз харитада бажариладиган ишлар хилма хил бўлиши керак.

Ёзувсиз харитада қуйидаги ишларни бажариш мумкин:

Географик объектларни тушириш. Бунда янги материални ўрганишда ўқитувчи томонидан айтилган географик номлар ёки дарслик матни мустақил ўқиб ўрганилаётганда учраган географик номлар ёзувсиз харитага туширилади.

Ўқитувчи бирон ўлка контурини синф доскасига чизиб унга географик объектларни туширади. Ўқувчилар доскада ифода қилинган объектларни андаза ёрдамида дафтарига чизган контурга тушириб оладилар, Масалан, Ўзбекистоннинг рельефи ўрганилаётганда муҳим тоғ тизмалари доскадаги Ўзбекистон контурида белгиланади, ўқувчилар эса уни дафтардаги контурга туширадилар ва номларини ёзиб чиқиш ҳам мумкин.

Ёзувсиз хариталарга шартли белгилар тушириш. Ўқувчилар мустақил иш бажараётганларида тоғлар, вулканлар, фойдали қазилмалар, остоналар шаршаралар, дарё ва кўллар, йирик электростанциялар каби объектларни тегишли белгилар билан ёзувсиз харитага туширадилар.

Харита схема ва харита диаграмма чизиш. Ёзувсиз харитага тоғ тизмалари, кўп эсувчи шамоллар, денгиз оқимлари, йиллик ёгин миқдор туширилади. Уларнинг каттакичкилиги масштабни белгилар билан кўрсатилади.

Ёзувсиз харитада назорат иши олиш. Бу усул ўқувчиларнинг харитани қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлашда қўл келади. Назорат иши диктант характерида бўлиши мумкин.

Географик диктант аввал ўрганилган материаллар асосида ўтказилади. Бунда ўқувчилар ўқитувчи томонидан айтиб туриладиган номларни ёзувсиз харитада тегишли ўринга ёзиб борадилар. Диктантда географик номларни ўз ўрнига ёзишдан ташқари, табиат зоналарини ажратиш ёзиш, тоғ тизмаларининг йўналишларини чизиб, номини ёзиш ёки фойдали қазилмаларни тегишли белгилар билан аниқлаш каби ишларни бажарадилар.

Ёзувсиз харита билан ишлашда қуйидагиларга амал қилиш шарт: харита номи юқорига, ўқувчининг исми, фамилияси ва синфи пастда, ўнг томонга ёзиб қўйилади. Географик объектларнинг номлари босма ҳарф билан ёзилади. Дарё, тоғ тизмаларининг номи уларнинг йўналишига мослаб, шаҳар, орол, кўлларнинг номлари параллел чизиқларга параллел қилиб ёзилади. Ёзувлар сиёҳ ёки туш билан ёзилади. Ёзувсиз харитада бажарилиши керак бўлган ишнинг мазмуни аввал шу харита орқасига ёзиб қўйилади, сўнгра тартиб билан бажарилади. Бу ишнинг аниқ бажарилишини таъминлайди.

Ёзувсиз харитада олиб бориладиган иш ўз вақтида текширилиб, баҳоланиб ва тегишли кўрсатмалар берилиб турилиши лозим. Ёзувсиз хариталарни

текширгандан сўнг ижобий ва камчилик томонлари синфда муҳокама қилиш керак. Ўқув йилининг охирида яхши ишланган ёзувсиз хариталар кўргазмага қўйилади.

1.3. Амалий машғулот: Гуруҳларда иш ташкил этиш. “География фанини ўқитишда дарс жараёнида дарслик ва хариталардан фойдаланишнинг замонавий талаблари” мавзусида дарс ишланмалар яратиш. Такдимотларни таҳлил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016. – 279б
2. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. – 336с.
3. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004 – 316 с.
4. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. 2013 й. Тошкент, “Фан ва технологиялар”. 8 б.т.
5. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
7. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
8. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA-2008.
9. Толипов Ў.Қ., Усмонбекова М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари (ўқув қўлланма). - Т.: “Фан” нашриёти, 2006 йил.

2-амалий машғулот: География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар (4 соат)

Ишнинг мақсади: Тингловчилар билан география фанини ўқитишга замонавий ёндашган ҳолда янги инновациялар ёрдамида дарс усулларини яратиш. Уларни камчилик ва афзалликларини таҳлил қилиш. Улардан дарс мабойнида фойдаланишнинг усулларини кўриб чиқиш.

Топшириклар

1. Гурухларда география дарсларида замонавий инновациялардан фойдаланиб дарс ўтиш режасини тузиш.

2. “Замонавий таълим инновацияларида фойдаланиб география дарсини ташкил этиш” мавзусида гурухлар иши ташкил этиш. Замонавий таълим инновацияларидан фойдаланиб дарс ишланмасини яратиш. Гурух ишлари таҳлил қилиш.

Изоҳ: Ишланмалар яратилиётганда мазкур мажмуани II бандида келтирилган интерфаол усуллар ҳамда 2-маъруза маълумотларидан фойдаланиш тавсия этилади.

3. Таълим тизимининг модернизацияси ва педагогик технологиялар моҳиятига оид блиц-сўров

Топшириқ (блиц-сўров):

- модернизация
- таълим технологияси
- таълим методи
- инновация
- инновацион таълим
- замонавий ёндашув
- замонавий ўқитиш воситалари
- суҳбатли ёндашув
- тизимли ёндашув
- ҳамкорликдаги таълим
- инсонпарварлик ёндашув
- муаммоли ёндашув
- фаолиятли ёндашув
- ахборот технологиялари
- шахсга йўналтирилган таълим
- педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар
- ўзлаштирилган инновациялар
- модификацияланган инновациялар
- таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар
- модул инновациялари.

II. Мавзуга оид топшириқларини бажариш.

1-машғулот

1. Топшириқ баёни. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогика фаолиятининг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.

Бажариладиган топшириқ: таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича тўғри белгиланг.

Босқичлар	Вазифалар
1-босқич	ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш;
2-босқич	ўқувчи фаолиятини ташхислаш;
3-босқич	лойиҳани яратиш;
4-босқич	педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш;
5-босқич	педагогик жараённи ташкил этиш

Топшириқни бажариш учун иш қоғози:



2-машғулот

Анъанавий ва интерфаол дарснинг фарқларини аниқланг

	Асосий тушунчалар	Анъанавий дарс	Интерфаол дарс
	Қўлланиш даражаси		
	Дарс мақсади		
	Ўқитувчининг		

	вазифалари ва иш усуллари		
	Дарсга тайёргарликка талаблар		
	Ўқувчилар тайёргарлигига талаблар		
	Ўқувчининг вазифалари ва иш усуллари		
	Вақт тақсимоти		
	Дарсинг модули ва алгоритми		
	Ўқувчилар-нинг фаоллик даражаси		
	Кутиладиган натижа		

3-машғулоти

Таълим инновациялари турларига мос келадиган инновация турларини ёзинг: 1) фаолият йўналишига кўра; 2) киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра; 3) ўзгаришларнинг кўламига кўра; 4) келиб чиқиш манбаига кўра.

Жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар	Радикал, модификацияланган, комбинацияланган инновациялар	Педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар	Тармоқ (локал), модули ва тизиминновациялари

4-машғулоти

Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши босқичларининг мос рақамларини ёзинг.

Босқичлар	Рақамлар
Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепсияси ёки методикасини яратади	
Янги гоёни амалга ошириш мазмуни, шакли ва методларини тизимлаштиради	
Мавжуд тизимга янги гоёларни, методларни киритади	

Тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади	
---	--

5-машғулот

1. Топшириқ баёни. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Ҳар бир турга оид таълим инновациялари ҳам бир неча гуруҳларга бўлинади.

Топшириқ: берилган таълим инновацияларини тегишли турлар бўйича белгиланг.

Асосий турлари	Фаолият йўналишига кўра	
	Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра	
	Ўзгаришларнинг кўламига кўра	
	Келиб чиқиш манбаига кўра	

Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилган инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

III. Мавзуга оид даражали тестларни ечиш.

1. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши – бу ...

- a) таълим тизимининг ривожланиши;
- b) таълим тизимининг шакллантирилиши;
- c) таълим тизимининг ҳолати;
- d) таълим тизимининг модернизацияси.

2. Лугавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси қандай маънони ифодалайди?

- a) ўзгартириш киритиш;
- b) кўшимча киритиш;
- c) янгилик киритиш;
- d) таклиф киритиш.

3. “Инновацион таълим” тушунчаси дастлаб қаерда асосланган?

- a) 1919 йилда Берлинда;
- b) 1979 йилда Римда;
- c) 1920 йилда Вашингтонда;
- d) 1995 йилда Москвада.

4. Янги гоёлар, тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар, ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар, илгор иш услублари. Улар ... кўринишлари.

- a) технологиянинг;
- b) методиканинг;
- c) инновациянинг;
- d) лойиҳалашнинг.

5. Таълим (ўқитиш) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши қандай номланади?

- a) таълим методикаси;
- b) таълим технологияси;
- c) таълим парадигмаси;
- d) таълим метоологияси.

Машғулотнинг яқунланиши

Кичик гуруҳларва ҳар бир тингловчининг машғулот жараёнидаги иштироки баҳоланади. Таълим мақсадининг натижаланганлиги таҳлил этилади.

3-амалий машғулот: География дарсларида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш (4 соат)

Ишнинг мақсади: Тингловчиларни география фанини ўқитишда фойдаланиладиган замонавий таълим воситалари билан таништириш. Уларни афзалликларини таҳлил этиш. Улардан дарс мобайнида фойдаланишнинг усулларини кўриб чиқиш.

Режа:

3.1. География фани дарсларида ахборот технологиялари, унинг турлари, уларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни, вазифалари.

3.2. География фани дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, методлари

Таянч тушунчалар: ахборот технологиялари, аудиовизуал ўқитиш воситалари, компьютер индустрияси, электрон дарсликлар, электрон хариталар.

3.1. География фани дарсларида ахборот технологиялари, унинг турлари, уларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни, вазифалари.

География фани дарсларида ахборот технологиялари, унинг турлари, уларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни, вазифалари. Бугунги кунда география таълимида ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Техник воситалар, телевидение, компьютерлар жадал равишда таълимга кириб келмоқда.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан умумтаълим мактабларида география фанининг олдида кўйиладиган талаблар ҳам ортиб боради. Мазкур талабларни бажариш учун ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш лозим бўлади. Бу эса ўқувчилар билиш фаолиятини жадаллаштиради, уларни фикрлашга ва илмий мушоҳада қилишга ундайди ҳамда ўрганаётган географик воқеа ва hodисалар билан ҳаёт ўртасидаги алоқаларни тушунишга ёрдам беради. Янги ўқув воситаларини қўллаш ўқувчиларни дунёқарашини шакллантиришга, шахс сифатида ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитишнинг техник воситалари ўқитувчи ёрдамида қўйилган мақсадга эришишга, ўтказилаётган машғулотларни самарадорлигини кескин оширишга имкон беради.

Техник воситаларни қўллашни куйидаги афзалликлари мавжуд:

-қизиқарлилиги, ўқувчилар биринчидан техника воситаларини ўзига қизиқса, иккинчи томондан уни ишлатишга ва унда кўрсатилган маълумотларга қизиқишса;

-воқеаларни тез ривожланиши ва аниқ кузатишлари ўқув материалларини тез ўзлаштиришга ёрдам беради. Масалан, табиий географик жараёнларни содир бўлиши, текислик ва тоғ рельефининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тропик ўрмонларнинг шароити ишлаб чиқариш жараёни ва ҳ.к.

-турли воситалар орқали мураккаб ўқув материални осон тушунтириш мумкин. Масалан, ҳаво массаларини вужудга келиши, имкони ва антициклонларни шакллантириш, торнадо, цунами ва бошқа табиий географик жараёнларни ҳосил бўлиши ва уларнинг оқибатлари;

-ўқувчилар қабул қилиши мураккаб бўлган географик объектларни техник воситалар орқали осонгина бажариш мумкин. Масалан, темир йўл паромидан, денгиздаги нефть қазиб оладиган мосламалар ва ҳ.к.

Ўқитишнинг техник воситаларини қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши лозим:

-техник воситалардан кўрсатиладиган географик воқеа ва ҳодисалар дарс мавзусига мос бўлиши лозим;

-техник воситаларнинг қўллаш олдидан унинг ишлаш таъминоти, мазкур дарсда нима кўрсатилиши ҳақида ўқитувчи ахборот бермоғи лозим;

-ўқитишни техник воситалари аввалдан ишга тайёрлаб қўйилиши лозим. Уни дарс жараёнида сошлаш ўқув соатини анча қисмини олиб қўйилиши мумкин;

-техник воситалар орқали маълум бир мавзунини ўрганишда уни алоҳида қисмларга бўлиш лозим;

Ҳар бир қисмда кўзда тутилган материал тугаллангандан сўнг ўқитувчи изоҳ бериши, намоёниш қилинган географик воқеа ва ҳодисаларни ўқувчиларни қандай қабул қилганини текшириб кўриши мумкин. Кўзда тутилган материаллар намоёниш қилиб бўлингандан сўнг ўқитувчи дарсни яқунлаши лозим; намоёниш этилган материал аниқ ва равшан кўриниши лозим.

География дарсларида фойдаланадиган ўқитишни техник воситаларни қуйидаги гуруҳга бўлишимиз мумкин:

ўқитишни аудиовизуал воситалари;

ўқитишни видеотехника воситаларидан фойдаланиш;

ўқитишда ахборот воситаларидан фойдаланиш.

Ўқитишни аудиовизуал воситаларига ўқув киноси, телеэшиттиришлар, диафильмлар, диопозитивлар, транспортлар кириди.

Видео техника воситаларига турли хил видеоманитаскоплар кириди. Ўқитишни ахборот воситаларига компьютерлар, интернет имкониятлари, масофавий ўқитиш воситалари кириди.

Ўқитувчи ўқув йилини бошида техника воситалардан фойдаланиш режасини тузмоги лозим ёки календар режада техника воситалардан фойдаланиш бўлими бўлмоги лозим.

Мазкур режа асосида техника воситалари ҳафта бошида тайёрлаб қўйилмоги зарур.

Аудиовизуал ўқитиш воситалари

Ўқитишни аудиовизуал воситаларига ўқув киноси, телеэшиттиришлар, диафильмлар, диапозитивлар киради.

География дарсларида кинофильмлардан фойдаланиш.

Кинофильмлардан география дарсларида фойдаланиш дарс мавзуси, дарс тури ва бошқа ҳолат ва шароитларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Дарс жараёнида кинофильмлардан тўла фойдаланиш мумкин, унинг бўлимлардан ва қисм ёки лавҳаларидан фойдаланиш мумкин. Кинофильмни намоиш қилишни дарснинг турли хил босқичларида амалга ошириш мумкин. Айрим кинофильмлардан тўла айримларидан қисман фойдаланиш мумкин.

Табиат компонентларини айрим қисмларига бағишланган кинофильмлардан ҳам дарс жараёнида фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳайвонотларни айрим турларига, океан мавжудотларига, аҳолига ва унинг турмуш тарзига бағишланган фильмлар.

Юқорида айтилганидек кинофильмлардан дарснинг бошида, яъни ўтилган дарсларни такрорлашда, янги мавзунини ўтишда, олинган билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Фильмни дарс жараёнидаги ўрни дарснинг мақсади ва мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари билан аниқланади. Ўқув фильмларидан билим олиш манбаи сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Ундан мустақил ишларни бажариш бўйича ўқув қўлланма сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Масалан, берилган саволларга жавоб топиш, намоиш қилинаётган материалларни мавжуд (бор) материал билан, дарслик билан, ўқитувчини маърузаси, қатор бошқа фильмларни мазмуни билан солиштириш. Фильмлар ўқитувчилар билимини текширишда ва ўрганилган мавзу мазмунини ўзлаштириш даражасини аниқлашда, ўтилган материалларни умумлаштиришда ёки маълум мавзунини умумий тавсифи ўтишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари фильмлар ёрдамида синф шароитида саёҳатлар ҳам уюштириш мумкин, ёки бўлмаса ўқувчилар бевосита кўролмайдиган жараёнларни кўрсатиш мумкин. Масалан, “Қора металлургия”, “Синтетик толалар”, “Тропик ўрмонлар”, “Чўллар”, — Даштлар”.

Ўқувчилар фильмда кўрган нарсаларига китобдан асоснома топишлари, фильмда намоиш этилган географик объектларни хариталардан топишлари

ёки фильмдаги географик объект, воқеа ва ходисаларни ёзувсиз харитага туширишлари, улар асосида географик тузилишлари мумкин.

Дарсни таълимий ва тарбиявий мақсадларини ишлаб чиқиш, дарсни мазмунини ишлаб чиқиш, дарсда фойдаланиладиган экранли ва статистик кўргазмалар фонди билан таништириш ва дарс мазмунига мос келадиган кўргазмаларни танлаш.

Танлаб олинган экран материалларни дарс мазмунига мослиги аниқланади.

Фильмни намойиш қилаётганда бошқа ўқув воситаларидан албатта харита бўлмоғи шарт.

3.2. География фани дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, методлари

География таълими соҳасида ишлаб чиқарилган диафильмлар ва диапозитивлар кўпинча рангли қилиб чиқарилади, бу эса ўқувчиларни билим фаолиятини жадаллаштиради. Диафильмлардан фойдаланиб дарс ўтишда ўқитувчи қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим:

- статистик проекция воситаларини дарс режасига киритиш;
- дарсни мақсадини ишлаб чиқиш;

• мавзу бўйича кадрларни танлаш. Танланган кадрлар (лавҳалар) ўқувчилар томонидан билимларини ўзлаштиришига ёки уларни мустахкамлашга имкон яратиш лозим;

• ўқувчиларни фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш учун намойиш қилинадиган лавҳага қуйидагича топшириқлар тузилади: саволларга жавоб беринг; чизмани тузинг; режа тузинг ва ҳ.к.;

• намойиш этиладиган лавҳа мавзунини энг муҳим қирраларни очиб бермоғи лозим. Иккинчи даражали қисмларга камроқ эътибор берилиши зарур.

География дарсларида эпидоскоп ва кодоскоплардан фойдаланиш. География дарслари яхши ўтиш ва самарали бўлиши учун ўқитувчи турли манбалардан расмлар, чизмалар, хариталар, диаграммалар, жадваллар ва бошқа кўргазмаларни маълумотларни намойиш этиш учун йигади. Мазкур материаллар эпидоскоп орқали намойиш қилинади. Эпидоскоплар ҳар қандай манбалардан кесиб олинган материалларни экранда кўрсатиб берадиган аппаратдир. Эпидоскоп ёрдамида ўқувчиларга турли хил топшириқларни бажаришни талаб қилиш мумкин, ўқувчилар томонидан бажарилган ўй вазифаларни намойиш қилиш мумкин (чизмалар, диаграммалар, ёзувсиз хариталар, жадвалларни тўлдириш ва ҳ.к.)

Эпидоскоп ёрдамида қисқа вақт ичида ўқувчилар дарс учун хомаки харита, чизмалар, диаграммалар, расмлар тайёрлашлари мумкин. Эпидоскоп ёрдамида дарсни қизиқарли ўтиш мумкин.

Таълим жараёнида кодоскоплар ҳам кенг қўлланилади. Бундай йирик форматли пленкали диапозитив лента–транспаралар кодоскоп орқали кўрсатилади. Дарсни тушунтириш давомида бундай диопозицияларга ёзиш, чизиш, турли хил белгилар қўйиш, етмаётган белгиларни чизиб қўйиш мумкин, алоҳида жадвалларни бўяб қўйиш ҳам мумкин. Дарсдан сўнг мазкур чизмаларни ўчириб ташлаш мумкин.

Кодоскопни турли хил ёзувларни, чизмаларни, диаграммаларни намоиш қилишда ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўқитувчи чизган нарсалар экранда кўрсатилади.

Мураккаб чизмаларни намоиш қилишда ҳам кодоскоп катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари ўқувчиларни ёзма жавобларни ҳам кодоскоп орқали кўрсатиш мумкин.

Телевидениядан географик дарсларда фойдаланиш

Ҳозирги даврда кундалик турмуш тарзини ҳам, ўқишни ҳам телевидениесиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўтган даврларда телевиденияда ҳар бир фан бўйича махсус дарслар ўтказилар эди. Телевидениедаги энг қизиқарли “Киносаёҳатчилар клуби”, “Ҳайвонот оламида”, “Очевидное-навоятное” ва бошқа кўрсатувлар мунтазам олиб борилар эди.

XX асрнинг иккинчи қисмидан бошлаб видеомагнитофонларни кенг тарқалиши АЛ ва КХКларда дарс олиб боришда ҳам ўз аксини топди. Алоҳида дарсларга, ҳайвонот оламига, ўсимликларга, аҳолига ва унинг турмуш тарзига, турли давлатлар ва ҳудудлар табиатига бағишланган видеокассеталар кенг ёйила бошлади.

Шу муносабат билан телевиденияда фойдаланишни мазмуни ва шакллари ўзгаради. Телевидениедан фойдаланишни икки йўналишга бўлиш мумкин:

кундалик телекўрсатувлардан фойдаланиш; видеокассеталардан фойдаланиш.

Кундалик телекўрсатувлардан фойдаланиш учун теледастурлардан керакли дарс мавзусига мос тушадиган кўрсатувлар танлаб олинади ва улар видеокассетага ёзиб олинади. Мазкур видеокассетага ёзиб олинган материал керакли мавзунини ўқишда намоиш қилинади.

Тайёр видеокассеталардан фойдаланиш. география предметлари мавзулари бўйича видеокассеталар картотекасини ташкил қилиш мумкин. Ҳозирги даврда ҳар бир география хонасида албатта видеомагнитофонлар бўлиши зарур. Маълум бир мавзунини ўрганаётганда унга мос бўлган видеокассета олиниб намоиш қилиш мумкин.

География таълимида ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Умумтаълим мактабларида мактабларида ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ахборотлаштириш замонавий таълимнинг барча соҳаларини энг

муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги билим олишни ахборотлаштириш ва ахборот воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилган.

Умумтаълим мактабларида ахборотлаштириш мураккаб масалалардан ҳисобланади. Чунки ахборот воситаларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш бўйича мунтазам илмий-тадқиқот ва тажриба синов ишлари олиб борилади. Бунинг натижасида ахборот воситларини янги моделлари вужудга келади. Шунинг учун ўқув муассасаларини ахборотлаштириш учун доимо ахборот воситаларини янгилаб туриш лозим. Бунинг учун эса моддий маблағлар зарур.

Таълим соҳасини ахборотлаштириш натижасида қатор атама ва тушунчалар вужудга келади. Аммо мактабларда компьютерларни пайдо бўлиши билан вужудга келган тушунча ва атамалар бир текисда ва мазмунда эмас. Бунда сўз “Компьютерлаштириш” ва “Ахборотлаштириш” тушунчалари ҳақида боради. Баъзи ҳолларда иккала атамадан у ёки буниси ишлатилади.

“Компьютерлаштириш” ёки “Ахборотлаштириш” деганда умумтаълим мактабларини компьютерлар билан таъминлаш ҳамда турли маълумотларни ўзлаштириш ва олиш тушунилади.

XX-асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳар бир умумтаълим мактабларида компьютер хоналари ташкил қилина бошланди. Компьютер хоналарини 10 дан ортиқ компьютерлар бўлган, аммо уларни сифати, яъни кўрсаткичлари паст бўлган.

Аммо олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики умумтаълим мактабларида компьютерлаштириш натижасида таълим-тарбия жараёнида кескин ўзгаришлар содир бўлмади. Мазкур ҳол қуйидаги ҳолатларда номоён бўлган: а) ўқитиш ва мустақил ўқув фаолиятини технологиясини мотивацияси ўзгармади; б) ўқитувчи фаолиятини мотивацияси ўзгармади; в) ўқув жараёнини бошқариш технологияси ўзгармади; г) бу ерда гап XX-асрнинг 80- йилларидаги оммавий умумтаълим мактаблари ҳақида кетмоқда. Чуқурлаштирилган махсус умумтаълим мактаблари деса таълим жараёнида катта ўзгаришлар содир бўлган.

Кейинчалик амалий педагогикада компьютерларни қўллаш бўйича устивор йўналишлар шаклланди. Улар қуйидагиларда номоён бўлди:

- информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўрганиш;
- таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш;
- ахборот технологиялари ёрдамида таълим муассасаларини ва минтақавий таълим тизимларини бошқариш.

Бу эса ахборот технологияларини қўллашни биринчи даражали ишлар каторига қўшишга имкон беради. Ушбу соҳада олинган самаралар умумтаълим мактабларида компьютерлаштиришга кетган харажатларини қоплаши мумкин.

Таълим жараёнини самарадорлигини оширишда янги таълим технологиялари катта аҳамиятга эга. Янги таълим технологиялари қуйидагиларга имкон беради: а) ҳар бир умумтаълим мактаблари ўқувчисида ўзининг шахсий таълим йўналишини ривожлантиради; б) ўқув жараёнини тубдан ўзгартиришга ва уни тизимли тафаккурлаш томонига лойихалашга имкон беради; в) ўқувчиларни билиш фаолиятини самарали ташкил қилишга имкон беради. Бундай ёндашиш компьютерни билиш воситасига айлантиради. Умумтаълим мактабларида компьютерларнинг ўрни қандай бўлиши деган савол таълимни компьютерлаштиришни дастлабки босқичларидаёқ қўйилган эди. Аммо компьютерларни ўрганишдан ундан фойдаланишга ўтиш жуда қийинчилик билан амалга оширилмоқда. Кўп ҳолларда география ва бошқа фанлардан ишлаб чиқилган компьютер технологиялари талабсиз қолиб кетади. Бунинг асосий сабабларидан бири уларни одатий дарсларни давоми бўлиб қолишидир. Электрон дарсликлар кўп ҳолларда дарсликларни бир нусхасига (копиясига) айланиб қолмоқда. Шунинг учун уларга талаб камроқ бўлиб қолмоқда. Уларни самарадорлиги тажрибали ўқитувчи самарадорлигидан юқори бўлмапти.

Электрон дарсликларни ёки компьютер технологиясидан фойдаланишга талабни камайиб боришининг асосий сабабларидан бири ўқувчиларни замонавий таълим талаблари ва замонавий тамоиллар билан шахсга йўналтирилган ёндошиш ва синф-дарс тизимида фойдаланишга йўналтирилган дастурларни бир-бирига мос келмаслигидир.

Компьютерларни янги авлодини яратиш билан янги технологиялар ишлаб чиқилади, шу билан бирга таълим технологиялари ҳам ишлаб чиқилади. Компьютерда матн, чизма, аудио ва видео маълумотларни бирлаштириш ўқув маълумотлари сифатини кескин ошириб юборади.

Компьютерлар индустриясини ривожлантириш педагогик жараёнда инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Унинг асосида эса ўқувчини индивидуал фаолиятини таъминлайдиган технологияларга ўтиш ётади. Бундай технологияларга ўтиш дастурий воситаларни яратиши билан боғлиқ. Яхлит компьютерлаштирилган предметли курсларда одатий дастурий асосномаларнинг айрим қисмлари сақлаб қолинади, улар эса умумтаълим мактаблари дарсликларини турли даражаларда қайтаришади. Шунинг учун мазкур курслар қуйидагиларга йўналтирилган бўлмоғи лозим: а) ихчам (компакт) предмети мавжуд бўлиши, у ўқувчиларни мустақиллини юқори

даражада таъминлаши лозим б) турли соҳаларда билимларни юқори даражадаги интеграцияси мавжуд бўлган предметларни ўрганишда; умумтаълим мактабларида ўқитувчиларни қисман ёки тўла компьютерлар билан алмаштириш; в) синф-дарс тизимига асосланмаган экспериментал таълимий технологияларни яратиш; г) ўқув жараёнида компьютерлардан фойдаланишни янги ёндашувларини ишлаб чиқиш; д) шахсга йўналтирилган дастурий асосларни ишлаб чиқиш.

География таълимида информацион технологиялардан фойдаланишни қуйидаги шарт-шароитларини таъкидлаб ўтиш лозим:

-география ўқитувчиси информацион технологиялардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши шарт;

-умумтаълим мактаблари ўқувчилари компьютерлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши шарт;

- умумтаълим мактабларида компьютерлар синфи бўлиши шарт.

География таълимида информацион технологияларни қўллаш қуйидаги соҳаларда олиб борилмоқда: электрон дарсликлардан фойдаланиш; электрон хариталардан фойдаланиш; интернет имкониятларидан фойдаланиш; видео фильмлардан фойдаланиш; масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш.

Ҳозирги даврда жуда кўп дарсликларнинг электрон версиялари яратилмоқда. Шу муносабат билан ўқувчилар берилган мавзунини электрон дарсликдан топиб уни ўқувчи ёрдамида, ёки мустақил ўрганиши мумкин. Дарсни ўқитувчи бошқариб туриш мумкин. Бунда ўқитувчи матнни ўрганишда изоҳлар бериб боради. Матндаги чизмалар, расмлар, хариталар, жадваллар алоҳида тушунтирилади. Дарсни охирида ўқитувчи компьютер орқали ўқувчиларга саволлар бериши мумкин. Ўқувчилар эса компьютер орқали жавоб беришади. Уларнинг берган жавоблари ўқитувчи томонидан баҳоланади.

География таълимида хариталар асосий ўқув воситаситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун хариталар билан мустақил иш бажараётганида электрон хариталардан фойдаланиш мумкин. Электрон хариталар орқали қуйидаги ишларни бажариши мумкин:

-электрон харита орқали табиий географик ва иқтисодий географик тавсифлар тузиш. Масалан, иқлим хариталардан фойдаланиб маълум бир материк ёки ҳудуд иқлими тавсифини тузиш ёки бўлмаса иқтисодий географик хариталардан фойдаланиб айрим мамлакатлар ёки ҳудудларга иқтисодий таъриф бериш ва ҳ.к;

- интернет имкониятларидан фойдаланиб географиянинг турли соҳалари бўйича янги маълумотлар олиш мумкин. Масалан, кундалик иқлим ҳақида, мамлакатлар ҳақида, аҳоли ҳақида, хўжалиги ва геосиёсий шароит ҳақида ва ҳ.к;

-география таълимида видеофильмлар жуда катта аҳамиятга эга. Видео фильмлардан куйидаги соҳалар бўйича фойдаланиш мумкин: а) бошлангич табиий география курсида; б) материклар ва океанлар табиий географияси курсида;

Информацион технологиялардан фойдаланиш география таълимида катта имкониятларга эга. География таълимини ахборотлаштиришни тўхтовсиз такомиллаштириб бормоқ зарур.

Назорат саволлари:

1. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш нимага керак?
2. “География” фанидан ўқув-услубий мажмуани кимлар яратган?
3. “Кластер” технологияси қандай қўлланилади?
4. Назоратнинг усулларини қандай турлари мавжуд?
5. Ўқитишни техник воситаларига нималар қиради?
6. Ўқитишда техника воситаларнинг қўллашни афзалликлари нималардан иборат?
7. Техника воситаларини қўллашда ўқитувчи қандай қоидаларга амал қилиши лозим?
8. Ўқитишнинг аудиовизуал воситаларига нималар қиради?
9. Кинофильмлар дарс жараёнида фойдаланишига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
10. Ўқитувчини кинофильмдан фойдаланиб дарс ўтишига тайёргарлиги қандай қисмлардан иборат?
11. Статик проекция воситаларига нималар қиради?
12. Телевидениядан география таълимида қандай ҳолларда фойдаланиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. «География фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари» – Тошкент: 2008.
2. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х. «Амалий география» фанини соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси (ЎМКХТМ ўқитувчилари учун методик қўлланма) – Тошкент: 2012
3. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. «Амалий география» КХК учун ўқув қўлланма. Т. ТДПУ нашриёти, 2015

4. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. «Амалий география» Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун электрон дарслик. –Т., 2015. 150 МВ.
5. Рафиқов А., Вахобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. «Амалий география» . – Тошкент: 2008 й.
6. Рафиқов А. А. География. –Т.: “Шарк”, 2007.
7. Тожибоева Д. ва бошқ. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. “Алоқачи” Т.2009.

**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

КУЧМА МАШГУЛОТ

(4 соат)

Амалий кўчма машгулотдан кўзланган мақсад:

“География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” фани доирасида фандаги ютуқлар ва инновациялар билан танишиш.

Тажрибали профессор-ўқитувчи ёки мутахассис фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасининг география фани дарс машгулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган “География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” семинартренингида иштирок этишади.

Кўчма машгулот “География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текишириш институтлари ва бошқа муассасаларда ташкил этилади.

Кўчма машгулот гуруҳ журналга қайд этилиб ОТМ тегишли факультет томонидан тасдиқланади.

1-мавзу: География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар (4 соат) Режа:

1. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни
2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари
3. Замонавий география ўқитилишида турли усуллар

Таянч тушунчалар: Таълим жараёни, ўқитувчи фаолияти, таълим жараёнини такомиллаштириш, география таълими методикаси, таркибий ўзгаришлар, хусусий методика

1.1. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Унда ўқитувчи ва ўқувчи вазифалари. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари. География таълими муаммолари.

Ўзбекистонинг мустақилликка эришиши муносабати билан география таълимида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мактаб географиясининг мазмуни ва тузилишида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим ўқув фанлари ўқув фанлари мактаб дастуридан олиб ташланди, айримларининг мазмуни ўзгартирилди, айрим фанлар янгидан яратилиб, ўқув тизимига жорий қилинди.

Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлашни миллий дастур»и, ва «Таълим тўғрисидаги қонун»и қабул қилиниши муносабати билан ўқув қўлланмалари ва дарсликларга бўлган талаблар кескин ўзгарди. Барча фанларга бўлганидек мактаб географияси фанида ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлди. География предметларининг дастури ва тузилиши Ўзбекистон мактаб таълими тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан география ўқитиш методикасида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. География ўқитиш методикасида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш муносабати билан ўқитиш методикасида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлди.

1.2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

География таълими ҳам бошқа фанлардаги сингари педагогика ва дидактика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб замонавий ўзгаришлар ва талаблар натижасида такомиллашиб ўзгариб бормоқда. Профессор Х.Вахобов ўзининг “География ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида шундай фикрлар билдиради: “География таълими деганда ўқувчиларга табиий ва иқтисодий-ижтимоий комплексларнинг тузилиши ва асосий қонуниятлари ҳақида билимлар берадиган география фанлари тизимига айтилади. География таълими методикаси эса мактабларда ва касб-хунар коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида, табиий ва иқтисодий география ҳамда бошқа махсус география фанларини ўқитиш жараёнини ўрганадиган ва педагогика фанлари тизимига қирадиган фандир”. Демак, география бугунги кунда нафақат географик билимлар мажмуаси балки уни кенг оммага етказувчи география таълимидан иборатдир.

География таълими методикаси умумий дидактика ва тарбия назарияси билан чамбарчас боғланган. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини тадқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини тадқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани аниқ ўқув фанларини ўқитиш методикаси билан шугулланади. Айни вақтда ҳар бир ўқув фани каби ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг айримларини мақсади назарий билим ва кўникмаларни шакллантириш (география, биология, кимё), айримлари фақат кўникмаларни (чет тиллар),

бошқалари эса борлиққа эстетик муносабатда бўлишини шакллантиради (тасвирий санъат). Шунинг учун алоҳида фанларни ўқитиш методикаси билан хусусий дидактика фанлари шугулланади. Мазкур фанлар каторига “География ўқитиш методикаси” фани ҳам киради.

География ўқитиш методикасини назарий ва амалий жиҳатлари мавжуд. География ўқитиш методикаси фани қуйидаги назарий ва амалий методологик муаммоларни тадқиқ қилади:

- а) география ўқитиш методикасининг предмети, тадқиқот усуллари, ривожланиш тарихи;
- б) география ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифаларини умуман ва алоҳида предметлар бўйича аниқлаш;
- в) таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- г) географик маданиятни шакллантириш.

География ўқитиш методикаси иккита катта қисмдан иборат. Умумий ва хусусий география ўқитиш методикаси. География ўқитишнинг умумий методикаси назарий ва методик масалаларни ишлаб чиқади, яни предметни ўзини тадқиқот усуллариини ўрганади, бунда асосий эътибор ўқув-тарбиявий мақсадларни ишлаб чиқишга қаратилади.

1.3. Замоनावий география ўқитилишида турли усуллар

География фанларининг ўқитилишида турли усуллар, воситалар қўлланилади ва уларнинг замоनावий имкониятлари янада ортиб бормоқда. Аниқланган ўқув-тарбиявий мақсадлар асосида география таълимининг мазмуни ишлаб чиқилади. Умумий методика икки қисмга бўлинади:

- табиий географияни ўқитиш методикаси;
- иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитиш методикаси,
- ➤ махсус географик фанларни ўқитиш методикаси.
- замоनावий география дарсларига қуйидаги вазифалар қўйилади:
- география фанининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;
- географик фанларнинг мазмуниини замон талабларига мос равишда янада такомиллаштириш;
- ГИТ (географик информацион тизимлар) дарс жараёнида қўллаш;
- ўқитиш материалларини қўллашни оптимал шароитларини асослаш;
- ўқитиш воситаларидан унумли фойдаланиш;

География ўқитиш методикаси умумий ва хусусий бўлимлардан иборат. Умумий методика ўз навбатида табиий ва иқтисодий географияни ўқитиш

методикасига бўлинади. Хусусий методика асосан мактаб географиясининг алоҳида курсларини ўқитиш усуллари билан шугулланади.

Умумий методика-бу географиянинг дидактикасидир, яъни унинг умумий назарий қисми бўлиб, география ўқитиш жараёнини умумий масалалари билан шугулланади. Умумий методика назарий ва методологик муаммоларни ўрганеди, яъни предметнинг ўзини, логикасини ва илмий текшириш усулларини ўрганеди, асосий эътиборни ўқув-тарбия муаммоларини ишлаб чиқишга қаратади.

Хусусий методика-алоҳида курсларни ўқитиш методикаси билан шугулланади, умумий назарий усулларни алоҳида курсларни ўқитиш жараёнида қўллаш муаммолари билан шугулланади. Хусусий методика асосан алоҳида курслар бўйича ўқув-тарбия жараёнларини ўрганеди, алоҳида курсларни мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқади.

Билиш назарияси география ўқитиш методикасининг методологик асосини ташкил қилади ва қуйидаги назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ қилади;

- илмий тадқиқот усуллари ва фаннинг предмети;
- чет элларда ва Ўзбекистонда география таълими;
- география ва унинг алоҳида курслари бўйича ўқитишнинг мақсади ва вазифалари;
- география билимларини эгаллашда таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- ўқувчиларда географик билим, кўникма, алақа ва дунёқарашни шакллантириш;
- география таълими жараёнининг қонуниятлари.
- география ўқитишнинг мақсади:

География ўқитишнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- география таълимининг мазмуни:
- география ўқитишнинг усуллари;
- география таълимини ташкил қилиш;
- ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билиш имкониятларини эътиборга олиш;
- география таълимининг натижалари ва ҳоказо.

География ўқитиш методикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир мактаб география курсининг синфлар бўйича мақсади, мазмуни ва аҳамиятини белгилаш, улар мазмунини такомиллаштириш;
- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиришга имкон берадиган таълим йўллари аниқлаш;

- ўқувчиларга амалий кўникма ва малакаларини сингдириш имкониятларини аниқлаш;
- таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини оширадиган ва мустақиллигини таъминлайдиган самарали усулларини аниқлаш;
- география фанининг умумий ва политехника таълим тизимидаги ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш, уларга ахлоқий, эстетик тарбия бериш вазифаларини очиб бориш;
- таълимнинг ташкил этиш турларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- синалган усулларни такомиллаштириш;
- дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;
- курслар бўйича ўқув қуролларига бўлган талабларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш методикасини яратиш;
- факультатив курслар дастурларини яратиш;

География ўқитиш методикасининг икки муҳим вазифаси мавжуд: Мактаб географиясининг таълимий ва тарбиявий мақсадларини очиб бериш ҳамда мактаб географиясининг мазмунини такомиллаштириш. Мазкур вазифа қуйидаги қисмлардан иборат:

- ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур бўлган ўқув материалларини аниқлаш;
- мактаб география предметларини илмий асосини нима ташкил қилишини аниқлаш;
- замонавий фаннинг юқори даражада ривожланишини ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятлари билан боғлиқлигини аниқлаш;
- асосий ва факультатив география курсларини ўқитиш жараёнида қандай кўникма ва малакалар шакллантиришни аниқлаш;
- мактаб география курсларини мақсади, мазмуни ва аҳамиятини аниқлаш;
- дарслик ва хрестоматияларга қандай материалларни киритиш зарурлигини аниқлаш;
- географиядан дарсдан ташқари ишлар мазмунини аниқлаш.

География таълимини ташкил этишнинг шаклларини аниқлаш ва асослаб бериш:

- таълим жараёнида турли хил ўқитиш методлари ва усулларини қўллашнинг зарур шарт-шароитларини аниқлаш;

- ўқув қуролларини ишлаб чиқиш;
- ўқув қуролларидан ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг усулларини ишлаб чиқиш;
- синфдан ташқари ишларни шакллари ва усулларини аниқлаш.
- география дарсларини тузилиши, ўлчамлари ва турларини янада такомиллаштириш;
- география ўқитишни янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;
- географик экскурсиялар, тадқиқотлар ўтказиш технологиясини янада такомиллаштириш;
- ўқувчиларда амалий географик кўникмаларни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш ва бошқалар.

Назорат саволлари:

1. География курсининг синфлар бўйича мақсади, мазмуни ва аҳамиятини белгилаш, улар мазмунини такомиллаштириш қандай амалга оширилади?
2. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиришга имкон берадиган таълим йўллари нималардан иборат?
3. Таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини оширадиган ва мустақиллигини таъминлайдиган самарали усуллардан қайсиларини биласиз?
4. География фанининг ўқитишда ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш, уларга ахлокий, эстетик тарбия бериш вазифаларини очиқ боришда нималарга эътибор қилиш керак?
5. Таълимнинг ташкил этиш турларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш қандай амалга оширилади?
6. Синалган усулларни такомиллаштириш деганда нималар назарда тутилади?
7. Дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш қандай амалга оширилади?
8. География ўқитиш методикасининг қандай муҳим вазифаси мавжуд?
9. Мактаб география предметларини илмий асосини нима ташкил қилади?
10. Замонавий фаннинг юқори даражада ривожланиши нимага боғлиқ?
11. Таълим жараёнида турли хил ўқитиш методлари ва усулларини қўллашнинг қанчалик зарурати бор?
12. География фанини ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллашнинг қанчалик аҳамияти бор?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
2. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. 2013 й. Тошкент, “Фан ва технологиялар”. 8 б.т.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.



КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

“ИНСОННИНГ ТАБИАТГА ТАЪСИРИ ТУРЛАРИ” МАВЗУСИДА КЕЙС-СТАДИ

Кейс №1 Мавзунинг педагогик аннотацияси

Кейснинг асосий мақсади: Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш, сақлаш ва бойитиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги тўғрисида тушунча бериш.

Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:

Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир оқибатларини тушунтириб бериш;

Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш мезонларини аниқлаш;

Мавзуни ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишда назарий билимларни қўллаш;

Муаммони аниқлаш ва ечишда оптимал методларни танлаш.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўлар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Ўқувчи билиши керак: Бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш. Сақлаш ва бойитиш, табиатни эъзозлаш ва муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги.

Ўқувчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; гоёларни илгари суради; тушунчаларни аниқлаш ва тизимга солиш, тегишли адабиётлар орқали олган билимларидан мантиқий хулоса чиқариш, таҳлил қилиш ва зарур билимларни ўзлаштириш;

Ўқувчи эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўникмаларга; такдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейснинг тавсифномаси: Мазкур кейснинг асосий манбаи намунавий дастурдаги асосий адабиётларни таҳлил қилиш асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни такдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

**SAMARQAND VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH HUDUDYIY MARKAZI**

**ANIQ VA TABIIY FANLAR METODIKASI
KAFEDRASI**

**GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHDA
ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA
INNOVATSIYALAR**

**O'QUV-USLUBIY
MAJMU'A**

**4.1
modul**

Samarqand-2019

O'ZBE
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH
HUDUDIIY MARKAZI

“Tasdiqlayman”
Hududiy markaz direktori v.b.
_____A.Ibragimov
“ _ ” _____2019 y.

GEOGRAFIYA FANINI
O'QITISHDA ZAMONAVIY
YONDASHUVLAR VA INNOVATSIYALAR
MODULI BO'YICHA

O'QUV-USLUBIY MAJMU'A

Ushbu o'quv-uslubiy majmua markaz direktori huzuridagi kengaytirilgan yig'ilishining 2019-yil 31 avgustdagi 25-sonli qarori bilan tasdiqlangan ishchi o'quv-mavzu reja va dasturi asosida tayyorlandi.

- Tuzuvchilar:**
- I.X.Abdullayev** -Nizomiy nomidagi TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi” kafedrasida dosenti, g.f.n.
 - N.I.Safarova** -Nizomiy nomidagi TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi” kafedrasida dosenti, g.f.n.
 - I.A.Xurramov** - Nizomiy nomidagi TDPU xuzuridagi xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish xududiy markazi “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasida o’qituvchisi
 - M.Usmonov** - SamDU Ijtimoiy iqtisodiy geografiya kafedrasida dotsenti

 - SH.M.Ikramova** -Samarqand viloyati xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish xududiy markazi “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasida o’qituvchisi
- Taqrizchilar:**
- N.R.Alimkulov** - Nizomiy nomidagi TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi” kafedrasida mudiri, g.f.n.
 - ND.Komilova** - Mirzo Ulugbek nomidagi UzMU “Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya” kafedrasida mudiri, dos., g.f.d.

I

Ushbu o'quv-uslubiy majmua “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasining 2019-yil 28-avgustdagi 8-sonli yig'ilish qarori bilan tasdiqlangan

Кейс №2

Мавзу: “Ўзбекистоннинг геосиёсий салоҳияти ва ташқи иқтисодий алоқалари”.

Таълимий мақсад: Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий картасида тутган ўрни тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этишлари учун Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрин хусусиятлари, ҳамда улардан ижтимоийиқтисодий ривожланишга таъсирини аниқлаш борасидаги **билимларга эга бўлишлари** лозим.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

-Мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;

-мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Кейс топшириқ баёни:

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган объектив омилларга асосланади.

Биринчидан, Ўзбекистон-минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу ерда Марказий Осиёнинг қолган бошқа давлатларидан биров кам бўлган аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демографик улуши анча катта эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўларок, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачонлардир мавжуд бўлган ва давлатчилик, фан ва маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацион таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган.

Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистоннинг марказий геосиёсий ўрни унинг ривожланишида қандай қулайликларни яратиб бериши мумкин?

Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:

-Геосиёсий ўриннинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;

-Геосиёсий ўрин хусусиятларидан фойдаланиб ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш.

3 - Кейс		
Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
<p>Анъанавий таълим методи ҳамда инновацион таълим методларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари</p>	<p>Анъанавий таълим <i>афзалликлари:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш 2. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш <p style="text-align: center;">Вақтдан унумли фойдаланиш</p> <ol style="list-style-type: none"> 3. Аниқ илмий билимларга таяниш <p style="text-align: center;"><i>Камчиликлари:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларнинг машгулотлар-даги пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг пастлиги 2. Дарснинг бир хил қолипдалиги, бир хиллиги 3. Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди 4. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди 5. Эслаб қолиш даражаси ҳаммада тенг бўлмаганлиги сабабли гуруҳда ўзлаштириш паст бўлиши мумкин 6. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланиши сусаяди 7. Тассавурларни ўзгармасдан қолиши <p style="text-align: center;"><i>Инновацион таълим методи афзалликлари:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқитиш мазмуни яхши ўзлаштиришга олиб келади 2. Ўқувчиларнинг машгулотлардаги фаоллашуви ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг ошиши 3. Ўқитувчининг назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтиради 4. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга киришади 5. Ўқув жараёнида- ўқувчининг ўз-ўзини баҳо бериш, танқидий қараши ривожланади 6. Гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади 7. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланишига ёрдам беради 	<p>Иновацион таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларнинг машгулотлардаги фаоллашуви ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг ошиши 2. Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириши, ҳамкорлик юзага келиши; 3. Ўқитувчининг назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтириши 4. Ўқитувчи ва ўқувчи вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиши 5. Барча олий ўқув юртлар адабиётлар билан таъминланади ва улар асосида билим олиш имконияти яратилади 6. Компьютер ёрдамида дарс жараёни давомида назарияни амалиётга боғлаб олиб боришига шароит яратилиши; 7. Янги мавзунинг кенг ҳажмда ўрганилиши ва ўзлаштириш самарадорлигининг ошиши 8. Ахборотнинг тез-тез янгиланиб туриши 9. Ўқувчиларнинг билим даражаларини ҳар томонлама ва мажмуали текшириб кўриши имкони мавжудлиги 10. Ўқувчиларнинг фаоллиги ошиб илмга бўлган эътибори ва қизиқшининг кучайиши 11. Амалий иш топшириқлариини илмий-амалий текшириб кўриши ва вазифани бажаришга ижодий ёндашиши 12. Ўқувчининг ўзини

	<p>8.Ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши эсда қолади</p> <p>9.Ўқувчи учун дарс қизиқарли ўқитилаётган предмет мазмунига айланади, ўқиш жараёнига ижодий ёндашув, ижобий фикр намоён бўлади.</p> <p><i>Камчиликлари:</i></p> <p>1.Кўп вақт сарфланиши</p> <p>2.Ўқувчиларни доимо ҳам кераклича назорат қилиш имконияти паст бўлади</p> <p>3.Мураккаб мазмундаги материаллар ўрганилганда ҳам ўқитувчининг роли паст бўлиб қолади</p>	<p>қизиқтирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиши, илмий изланиши ва ижодий ёндашиши.</p> <p>13.Гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмасининг шаклланиши</p> <p>14.Билими паст ўқувчиларнинг билимдон ўқувчиларга эргашиши</p> <p>15.Ўқитувчининг ўзининг ҳам фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмаларига, вазиятни тезда баҳолай олиш, ҳозиржавоб бўлиш кўникмаларига эга бўлишни талаб этиши</p> <p>16.Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланишига ёрдам бериши</p>
--	---	--

География фанида анъанавий таълим методи ҳамда инновацион таълим методларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Ҳ., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
2. Абдуллаев И.Ҳ. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
3. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014
3. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., Ўқитувчи.Т., 1997.
4. Ғуломов П.Н. география ва табиатдан фойдаланиш. Т., Ўқитувчи. Т., 1985.
5. Ғуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. Т., Университет. 1990.

The title is framed by two large, dark blue brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center text.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ**

Мустақил таълим мазмуни

1-мавзу: География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар (2 соат мустақил таълим)

Тингловчи география фанини ўқитишда ўзи хоҳлаган мавзу бўйича инновацион педагогик усуллардан фойдаланиб дарс ишланма яратади. Дидактик материаллар тайёрланади. Бажарилган вазифалар гуруҳ раҳбарига топширилади. Айрим ишланмалар муҳокама этилади ва баҳоланади, ўзаро таҳлил қилинади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. География фанини ўқитишда фанга оид компетенцияларни шакллантириш
2. География фанини ўқитишда ўқувчиларда табиатга бўлган мухаббатни кучайтиришнинг аҳамияти ва уларни амалга ошириш методикаси
3. География ўқув фанидан интерфаол дарсларни ташкил этиш методикаси.
4. География фанидан буюк мутафаккирларнинг маънавий, маърифий, маданий меросларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Ўрта Осиёлик мутафаккирларни география илмига қўшган ҳиссалари ва таълим-тарбия жараёнида улардан фойдаланиш методикаси
6. Республикамизда география соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган илмий муассасалар кашфиётларидан таълим жараёнида фойдаланиш.
7. География фанини ўқитишда дарсликдан фойдаланиш методикаси
8. География фанидан таълим самарадорлигини ошириш йўллари
9. География ўқув хоналарини замонавий жиҳозлаш. Ўқув хонаси учун дидактик материаллар тайёрлаш методикаси
10. Ўқувчиларни географик тасаввурини ривожлантиришда амалиётнинг ўрни.
11. География дарсларида АКТдан фойдаланиш методикаси
12. География таълимининг долзарб муаммолари.
13. Аҳоли географиясини ўрганишни ўзига хос хусусиятлари.
14. Дарс жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш методикаси
15. География дарсларида “Фан техника инқилоби” мавзуларини ўқитишда инсон томонидан табиатга кўрсатилаётган салбий таъсирни ёритиб беришнинг аҳамияти.

16. “Ўрта Осиё табиий-географик ўлкасининг географик ўрни, чегаралари ва ўзига хос хусусиятлари” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш

17. “Ўрта Осиё табиий географияси” фани дарсларида “Вақт ўлчови. Соат минтақалари. Тақвимлар” мавзуларини ўқитишда фанга оид компетенцияларни шакллантириш

18. “Ўрта Осиёнинг сувлари”га оид мавзу таянч компетенцияларини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиб дарс ўтиш методикаси.

19. “Ўрта Осиё ўсимликлари”, “Ҳайвонот дунёси”, “Табиат зоналари” мавзуларини ўқитишда фанга оид компетенцияларни шакллантириш

20. “Ўрта Осиёнинг текширилиш тарихи” мавзусини ўқитишда ўқувчиларни атоқли сайёҳлар ва уларнинг фаолияти билан таништириш методикаси.

21. “Ўзбекистоннинг табиий географик ўлкалари” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш (Мирзачўл табиий географик ўлка мисолида)

22. “Ўзбекистоннинг фойдали қазилмалари” мавзуларини ўқитишда фанга оид компетенцияларни шакллантириш

23. География дарсларида “Электрэнергетика” мавзусини ўқитишда фанга оид компетенцияларни шакллантириш

24. География дарсларида “Ёқилги, энергетика, кимё мажмуалари” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш

25. География дарсларида “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш

26. География дарсларида “Саноатни ҳудудий ташкил этиш ҳамда жойлаштириш шакллари” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш

27. География дарсларида “Дехқончилик” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш

28. География дарсларида ўқувчиларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг ахамияти

29. 10-синф география дарсларида “Географик қобик ва унинг умумий қонуниятлари” мавзусини ўқитишда таянч компетенцияларни шакллантириш

10-синф география дарсларида “Баландлик минтақаланиши қонуниятлари” мавзусини ўқитишда фанга оид компетенцияларни шакллантириш



ГЛОССАРИЙ



Комплекс (мажмуали) карта - бир неча ўзаро боғланган объектларни ҳар бирини алоҳида ўзини кўрсаткичида кўрсатадиган карта.

Аналитик карта - умумлаштирилган аниқ ёки озгина кам умумлаштирилган кўрсаткичларни берадиган карта.

Синтетик карта - қатор кўрсаткичларни бирлаштириш асосида объектларни бир бутун қилиб кўрсатадиган карта.

Обзор карта - тасвирланаётган соҳа билан умумий танишиш учун мўлжалланган карта.

Табий-географик карта - бош (асосий) мазмуни географик муҳитни ва географик қобикни тасвирлаш бўлган карта.

Социал-иқтисодий карта - бош (асосий) мазмуни социал-иқтисодий объектларни тасвирлаш бўлган карта.

Иқтисодий географик карта - бош мазмуни халқ хўжалигини ва дунё хўжалигини ҳолатини ва ривожланишини тасвирлаш бўлган карта.

Атлас - умумий дастур асосий яхлит бўлинмас асар сифатида бажарилган географик карталарни систематик тўплами билан бирлаштирилган, кўп карталардан ташкил топган картографик асар.

Географик атлас - географик карталар атласи.

Глобус - юзасида картографик тасвир бўлган шар. Лотинча глобус — шар, қурра – Ер шарининг кичрайтирилган модели бўлиб, Ернинг ташқи қиёфасини ҳамда унинг йирик қисмлари (қуруқликлар, океанлар, уларнинг бўлақлари) нисбатини энг тўғри ва кўргазмали қилиб тасвирлайди.

Географик глобус - ер юзасини тасвирловчи глобус.

Картанинг дастури - картани типини ва белгиланган мақсадини, уни математик асосини, мазмунини, генерализация принципларини, шартли белгиларини, тавсия этиладиган картографик материаллар, улардан фойдаланиш ва картани тайёрлаш технологиясини белгилайдиган ҳужжат.

Атласнинг дастури - атлас типини ва белгиланган мақсадини, уни математик асосини, мазмунини, генерализация принципларини, шартли белгиларини, тавсия этиладиган картографик материаллар, улардан фойдаланиш ва атласни тайёрлаш технологиясини белгилайдиган ҳужжат.

Агросаноат интеграцияси - қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг, иқтисодий, фан-техника, технологик ва бошқа хўжалик имкониятларини бирлаштириш (қўшиш) орқали ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг умумлаштирилиши.

Аҳоли зичлиги - муайян ҳудудда аҳолининг жойлашув даражаси. Мамлакат ёки бирор ҳудуд (вилоят, туман) аҳоли сонини шу ҳудуд ер майдонига (одатда 1км²га) тақсимлаш билан ҳисоблаб чиқарилади.

Давлат монополияси - жамиятда муайян иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, айрим товарларга ишлаб чиқариш ёки бошқа товарлар савдоси бўйича давлатнинг ягона эгалик қилиш ҳуқуқи.

Давлат мулкани бошқариш - шахслар ва давлат идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида давлат мулки эгаси (эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш) вазифаларини бажариш.

Мамлакат - сиёсий-географик термин бўлиб, муайян чегараларга ва давлат суверенитетига эга бўлган ёки бошқа бир давлат ҳукмронлиги остида бўлган ҳудуд (мустамлака, бошқарув остидаги ҳудуд)ни англатади.

Миллат - узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли.

Табиат - одамнинг пайдо бўлгунича ҳам, одам иштироки билан ҳам мавжуд борлик.

Табиий ресурслар - кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида жамият томонидан фойдаланиладиган ёки фойдаланиш мумкин бўлган табиатнинг бир қисмидир.

Эмиграция - кишиларнинг доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши. Эмиграцияда қатнашган аҳоли эмигрантлар деб аталади.

Иммиграция - кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшаши учун бирон бир мамлакатга бошқа давлатлардан кўчиб келиши. Иммиграцияда қатнашган аҳоли “иммигрантлар” дейилади.

Реэмиграция - кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиб, муайян муддатдан сўнг яна қайтиб кўчиб келишидир. Реэмиграцияда қатнашган кишилар “реэмигрантлар” дейилади.

Доимий миграция - аҳолининг узоқ муддатга (бир йилдан ошиқ) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Мавсумий миграция - аҳолининг маълум бир вақтга (мавсумга) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Тебранма миграция - аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга ҳар куни ёки ҳар ҳафтада бориб қайтиши

Прогрессив -ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори бўлган ҳудудларда кузатилиб уларнинг аҳолиси мунтазам кўпайиб боради. Бу ёш таркибига Африка ва Осиё давлатларини киритса бўлади. Дунё бўйича 15

ёшдан кичиклар жами аҳолининг 30 фоизини (2003 йил) ташкил қилса, Африкада 42 фоизни, Осиёда 30 фоиз, Европада 17 фоизга тенг. Бизнинг республикамиз аҳолиси ёш таркибида айнан шу ёшдагилар дунё кўрсаткичидан баланд (38 фоиз) лиги билан тафсифланади.

Регрессив -ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоги болаларга қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда эса аҳоли сони аста-секин камайиб боради ва “депопуляция” ҳолати юз беради. Аҳоли “қариб” бориши кузатилади.

Урбанизация – (лотинча урбанус – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
2. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер.Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
3. М.Х. Тўхтаўжаева тахрири остида. Педагогика назарияси ва тарихи //– Т.: “Молия-иктисод”, 2008.– 208 б.
4. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. 2013 й. Тошкент, “Фан ва технологиялар”. 8 б.т.
5. Абдуганиев.И. ва бошқ. география майдончасида метеорологик кузатишларни олиб бориш.Тошкент.2010.32 бет
6. Маматкаримов А. Қизикарли география. –Т.: “Тафаккур”, 2011
7. Нигматов А.Н., Шивалдева Н.С. Иқлим ва биз. –Т.: “Чинор” ЭНК, 2010.
8. Вахобов Х., Мирзахўжаев С. география. -Т.: Вектор-пресс 2011
9. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т, 2001.
10. Сафин Д.В., Мусина Р.Г. Таълим бериш ва ўқишнинг интерфаол усуллари. Ўқув қўлланма.-1-модул. Интерфаол ўқитишнинг назарий асослари. - Тошкент, 2007.
- 11.Рақибов Ж. Дарсларда ва амалий машгулотларда ЯПТларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар.Фаргона, 2009.67 бет.
12. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах. - М.:Айрис-пресс, 2006.
13. Гуломов П. географиядан қисқача русча - ўзбекча атамалар ва тушунчалар лугати. -Т.: “ЎЗМИ”, 2013.
13. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе г географических наук. «Амалий география фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари » – Тошкент: 2008.
14. Алимкулов Н.Р.,Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш. Амалий география КХК учун ўқув қўлланма. –Т.ТДПУ, 2015.
15. Алимкулов Н.Р.,Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. Амалий география КХК учун электрон дарслик. –Т., 2015. 150 MV.
16. Абдуллаев И.Х.ва бқ. Табиий г географик жараёнлар. Услубий қўлланма. ТДПУ, 2016
17. Абдуллаев И.Х.ва бқ. Г географик-экологик экспертиза асослари. Услубий қўлланма. ТДПУ, 2016

18. Рафиқов А. А. Амалий география. –Т.: “ Шарк”, 2007.
19. Рафиқов А., Ваҳобов Х., Қаямов А., Азимов Ш. «Амалий география» – Тошкент: 2008 й.
20. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Ҳ., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015
21. Абдуллаев И.Х., Сейтджелилова Э.С. Амалий география фанини ўқитишда инновацион технологиялар. –Т.:2015
22. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
23. Тўхтаҳўжаева М.Х. таҳрири остида. Педагогика назарияси ва тарихи //– Т.: “Молия-иктисод”, 2008.– 208 б
24. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Ҳ., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
25. Абдуллаев И.Х. Биогеография асослари. Маърузалар матни. ТДПУ, 2012.
26. Низомов А., Алимқўлов Н.Р., Тилляходжаева З. Табиий г географик жараёнлар. – Т.: 2015.
27. Назаров И.К. Географиянинг асосий муаммолари. “Мухаррир”, -Т.: 2013.
28. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
29. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Ниҳол” нашри”ти, 2013, 2016.–279 б
30. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
31. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер.Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
32. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. 2013 й. Тошкент, «Фан ва технологиялар». 8 б.т.
33. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
34. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.– 163 б.
35. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойihalаш фаолияти. // Методик кўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
36. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA-2008.

37. Толипов Ў.Қ., Усмонбекова М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари (ўқув қўлланма). - Т.: “Фан” нашриёти, 2006 йил.
38. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар. – дўстона муҳит яратиш омили. - Т.: 2005 йил.
39. Фарберман Б.Л. Илгор педагогик технологиялар. - Т.: “Фан” нашриёти. 2000 йил.

Дарсликлар

1. Ғуломов Т., Қурбониезов Р., 5-синф “География”. “Янгийўл Полиграфия сервис” нашриёти 2015 йил
2. Соатов А., ва бошқалар. “Материклар ва океанлар географияси” — “Ўқитувчи” нашриёти 2017 йил. 6-синф
3. Ғуломов П., Вахобов Х., Баратов П., Маматкулов М., 7-синф “Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий географияси”. “Ўқитувчи” нашриёти 2017 йил.
4. Мусаев П., Мусаев Ж. 8-синф “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси”, “Шарқ” нашриёти, 2014 йил
5. Қажумов А., Сафаров И., Тиллабоева М. 9-синф “Жахон иқтисодий ва ижтимоий географияси”. “Шарқ” нашриёти 2014 йил
6. Шарипов Ш., Федорко В., Сафарова Н., Рафиқов В. —10-синф “География” (Амалий география) “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти 2017 йил.

Хорижий адабиётлар

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 30 p
2. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
3. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
4. Reed Wicander, James S. Monroe. Geology. Brooks/Cole. Belmont. 2009.
5. Krasilnikov P., Carre F., Montanarella L. Soil geography and geostatistics. Luxembourg OFOPEC, 2008.
6. John J., Renton Ph.D. The Nature of Earth: An Intoduction to Geology. The Teaching Company, 2006.
7. Royal Beglee. World Rejional Geography: People, Places and Globalization. Morehead State University, 2012.
8. Alan Strahler. Introducing Phisical Geograpy. Boston University, 2011.
9. Menno Jan Kraak, Ferjan Ormeling. Cartography: Visualization of Spasial Data. Pearson Education. London, 2010.

10. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
11. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA-2008.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг электрон сайти: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг электрон сайти: www.uzedu.uz.
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг электрон сайти: www.ictcouncil.gov.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказининг электрон сайти: www.bimm.uz
5. Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: www.giu.uz
6. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.Ziyonet.uz.
7. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.